

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

30-сон
(946)
2020 йил
3 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

340. «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон Фармони
341. «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сон Фармони
342. «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги ПҚ-4790-сон қарори
343. «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида электр энергияси таъминоти барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июлдаги ПҚ-4791-сон қарори

344. «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон қарори
345. «Аграгр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори

Бешинчи бўйлум

346. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252*)
347. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-хуқуқий хужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3253*)
348. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/9-сон «Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия хисобини юритиш тартиби тўғрисидаги ўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263*)
349. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 23 июндаги 01-02/12-28-сон «Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июн) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3264*)
350. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01-02/12-19, 0105-4-3202-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3265*)
351. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика

вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01-02/12-25, 01-05-4-3201-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1433-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

340 Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Дунёда коронавирус пандемияси хавфининг тобора кучайиб бораётгани юқумли касалликлар, шу жумладан, коронавирус инфекциясига қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни ҳамда санитария-эпидемиология хизматининг институционал асослари ва ташкилий тузилмасини ҳозирги мурракаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Айниқса, касалликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, эрта аниқлаш, тўғри ташхис қилиш ва даволашда санитария-эпидемиология хизмати билан бирламчи тиббий-санитария муассасалари (қишлоқ врачлик пунктлари ва оиласвий поликлиникалар, тез ёрдам станциялари ва шошилинч тиббий ёрдам муассасалари) ўртасида тузилмавий боғлиқлик ва ўзаро ҳамжиҳатлиқдаги фаолиятни йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, жамоат саломатлигини сақлашда касалликлар профилактикаси, инсон иммунитетини мустаҳкамлаш, бунинг учун авваламбор тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш устувор вазифага айланмоқда.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, санитария-эпидемиология хизматининг яқин ва ўрта истиқболдаги ривожланишини белгилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш (замонавий лабораториялар, асбоб-ускуналар, маҳсус техника, тест тизимлари, химоя воситалари ва бошқалар), соҳа учун кадрларни тайёрлаш ва жалб қилиш мақсадида:

1. Мамлакатда коронавирус пандемияси кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика маҳсус комиссияси (А.Н. Арипов) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш бўйича куйидаги кечикириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширсин:

* Ушбу Фармон «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 июлда эълон қилинган.

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари билан биргаликда беш кун муддатда худудларда шаклланган ижобий тажрибадан келиб чиқиб:

маҳаллалар ва аҳоли хонадонларида юқумли касалликлар, шу жумладан, коронавируснинг олдини олиш, симптомсиз, енгил кечәётган беморлар ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар бир оиласи поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда мобил гурухларни ташкил қилсан;

мобил гурухлар таркибига биринчи навбатда малакали шифокор ёки инфекционист ҳамда патронаж ҳамшираси киритилишини таъминласин;

Молия вазирлигини жалб қилган ҳолда мобил гурухларни дори-дармон, алоқа, транспорт воситалари ва бошқа зарур асбоб-ускуна ва анжомлар (шахсий ҳимоя воситалари, пульсоксиметр, пиromетр ва бошқалар) билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

мобил гурухлар учун соддалаштирилган йўриқномани ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини тизимили йўлга қўйиш, лаборатория текширувидан ўтказишида тирбандлик-нинг олдини олиш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида лаборатория текшируви амалиётига хусусий секторни жалб қилган ҳолда экспресс-тест ва иммунофермент таҳлили усувлари киритилишини таъминласин;

б) алоҳида хизмат кўрсатиш ташкил этилган тиббиёт муассасалари, улардаги бўш койкалар сони, касалларни қабул қилиш ҳолати, касаллика чалинган ва тиббиёт муассасаларида ҳамда бошқа рухсат этилган худудларда даволанаётган беморлар сони, уларнинг ҳолати, дори воситалари, шунингдек, зарур лаборатория ва тиббиёт анжомлари ва техникасининг мавжудлиги ҳамда ҳолати юзасидан маълумотларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда эълон қилинишини таъминласин;

в) аҳоли томонидан мурожаат қилинганда ҳамда уларда касаллик белгилари аниқланганда тезкорлик билан коронавирус инфекциясига таҳлил олиш ва таҳлил натижаларини уч кунлик муддатда уларни шахсий телефон рақамлари орқали хабардор қилиш чораларини кўрсинг;

г) ўн беш кун муддатда тиббиёт муассасалари ўртасидаги ахборот алмасиш тизимини соддалаштириш мақсадида хисоботлар тури, даврийлиги ва бошқа қофозбозликлар билан боғлиқ жараёнларни электрон тизимга ўтказиш орқали кескин қисқартирилишини таъминласин;

д) қишлоқ врачлик пунктлари, оиласи поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда коронавирус касаллигига чалинган беморларга ўй шароитида ёрдам кўрсатишнинг қўйидаги тартибини жорий қилсин:

хар бир оиласи поликлиника кесимида умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси учун аниқ хонадонлар тақсимланади ҳамда умумий назорат оиласи поликлиника мудири томонидан амалга оширилади;

хар бир туман (шахар) тиббиёт бирлашмасида тажрибали шифокорлардан иборат бўлган касалликка чалинган беморларни сарабаш ва эвакуация қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гурухлари тузилади;

Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари томонидан хар бир туман (шахар) тиббиёт бирлашмасида бирламчи бўғин шифокорлари билан туман (шахар) тиббиёт бирлашмасининг врачлари оператив маслаҳатлашиш ва беморлар аҳволини тўғри баҳолай олиш имконини берадиган алоқа тизими ўрнатилади;

оилавий поликлиника мудири ҳар куни касаллиги симптомсиз, енгил кечеётган беморлар, улар билан мулоқотда бўлган шахслар сони, аҳволи, шунингдек, даволаш муолажаларини олаётган беморларда касаллик кечиш динамикаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки онлайн видеоналоқа тизими орқали туман (шахар) тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникалар бўйича координаторига етказиб боради;

йўй шароитида даволанаётган беморлар аҳволи динамикасида салбий ўзгаришлар кузатилган тақдирда мобил гурухга мурожаат қилиб, беморни туман (шахар) тиббиёт бирлашмасига тегишли бўлган тиббиёт муассасаларига ётқизиш чораларини кўради;

е) соҳада кадрларга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш, ходимларни кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини соддалаштириш мақсадида:

икки ҳафта муддатда қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги мавжуд кичик ва ўрта тиббий ходимлар вакант жойлари тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари, пенсионерлар ва бошқа тиббиёт мутахassisлигига эга бўлган шахслар орасидан тўлиқ тўлдирилишини таъминласин;

ўн беш кун муддатда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази билан биргаликда тиббиёт муассасалари умумий клиник лабораторияларининг врач-лаборантларини вирусология лабораторияларида фаолият кўрсатиши учун тайёрлаш, шу жумладан, амалий кўнікмаларини шакллантириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил қилсин;

йигирма кун муддатда республикадаги олий таълим муассасаларининг «Биология» таълим йўналишини тутатган битирувчиларини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва унинг худудий филиаллари, Тошкент тиббиёт академияси ва унинг худудий филиаллари, Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларида вирусология лабораториясининг врач-лаборанти мутахassisлиги бўйича бир ойлик қайта тайёрлаш курсларини йўлга қўйсин. Бунда, мазкур курслар онлайн тарзда ўтказилиб, олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари хисобидан амалга оширилади;

коронавирус пандемиясини бартараф этиш бўйича эълон қилинган карантин тадбирлари якунига қадар барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг давлат гранти асосида таҳсил олган битирувчиларини 1 йилгача бўлган муддатга вазият оғир бўлган худудларга жалб қилинишини таъминласин. Бунда вазият оғир бўлган худудларга жалб килинаётган мутахassisлар учун

уй-жой ва бошқа кулай шароитлар яратиш билан боғлиқ харажатлар тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

йигирма кун муддатда Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳудудий бўлинмалари нинг тиббий ходимларини «валеолог» мутахассислигига қайта ихтисослаштириш бўйича бир ойлик қисқа муддатли онлайн курсларини ташкил қилсин;

ж) Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази томонидан бирламчи тиббий-санитария муассасаларини (қишлоқ врачлик пунктлари, оиласвий поликлиниклар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар) жалб қилган ҳолда аҳолининг кенг қатламлари ва ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, зарарли одатларга қарши курашиш, тиббий маданиятни ривожлантириш, жисмоний тарбия, спорт ва тўғри овқатланишни фаол тарғиб қилиш бўйича доимий равищда зарур чоралар кўриб борилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4310-сон қарори билан эҳтиёж юқори бўлган тор мутахассисликлар бўйича шифокорларни бирламчи тиббиёт-санитария муассасалари учун бир йилдан кам бўлмаган муддатда бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) тайёрлаш тизими йўлга қўйилганлиги инобатга олинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 15 августга қадар бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) таҳсил олаётган умумий амалиёт шифокорларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

2020 йил 20 августга қадар бирламчи мақсадли ихтисослаштириш курсларида (интернатура) таҳсил олиш учун шифокорлар мутахассисликлари рўйхатини тасдиқласин;

3. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати), унинг ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилсин.

Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати унинг тузилмасига кириувчи ташкилотлар билан бирга яхлит тизимни ташкил қиласи.

4. Санитария-эпидемиология хизматининг тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимларига коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган даврда уларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз микдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар тўланиши татбиқ этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Санитария-эпидемиология хизматининг жозибадорлигини ошириш ва тизимга малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадида 2020 йил 1 декабрга қадар пандемиядан кейинги даврда ҳам тиббиёт ва Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг янгиланган тизимини тасдиқласин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4695-сон қарорининг 1-бандида назарда тутилган меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш шартлари Санитария-эпидемиология хизматининг ходимларига кўлланилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб:

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларининг амалдаги ойлик иш ҳақларига қўшимча равишда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлганда лавозим маошига — 30 фоиз, фан доктори (DSc) илмий даражаларига эга бўлганда — 60 фоиз ҳар ойлик устамалар белгиланади;

Санитария-эпидемиология хизматининг илмий-тадқиқот муассасалари:

бино ва иншоотларни сақлаш, шунингдек, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобига базавий молиялаштириш асосида амалга оширилади;

раҳбар ходимларининг иш ҳақи бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади;

б) Санитария-эпидемиология хизматига моддий-техника базасини яхшилаш ва ходимларни рафбатлантириш мақсадида ахолига пуллик асосда (лаборатория хизмати, сертификация, экспертиза ва бошқалар) хизмат қўрсатиш хукуки берилади;

в) Санитария-эпидемиология хизмати Давлат бюджетидан тизимга ажратилган маблағлар, уларнинг сарфланиш йўналишлари, самарадорлик натижалари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича жамоатчиликка эълон қиласи ва ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштириб боради.

6. Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари Махсус жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларидаги барча қолдиқ маблағлари Жамғармага тўлиқ ўтказилади.

7. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар ва жарималарни тўлаш кечикирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи (назорат тадбирлари бошқа давлат органлари билан биргаликда амалга оширилганда, жарима ҳамда жарималарни тўлаш кечикирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 25 фоизи);

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин колган суммасининг 15 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитлариға жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Санитария-эпидемиология хизмати ходимларини моддий рафбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шу жумладан, уй-жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Санитария-эпидемиология хизматининг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш;

Санитария-эпидемиология хизмати тизимиға кирувчи ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Санитария-эпидемиология хизмати олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида хорижий ва маҳаллий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш.

9. Қўйидагиларни назарда тутувчи Санитария-эпидемиологик осоёишталик ва жамоат саломатлиги хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага^{*} мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, Давлат бюджетининг 1,7 млрд сўм ва халқаро молия институтларининг (Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма ва инвестиция банки) жалб қилинган 194,5 млн АҚШ доллари маблағлари ҳисобидан Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга ошириш, юқори технологияли асбоб-анжомлар, аппаратуралар, жиҳозлар, маҳсус техника, сарфловчи ва бошқа воситалар билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

Белгилансинки, чора-тадбирлар режасига мувофиқ харид қилинаётган асосий воситалар, қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари асослантирилган ҳисоб-китобларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Мусаев) билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) чора-тадбирлар режасига мувофиқ харид қилинаётган асосий воситалар, қурилиш, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишлари бўйича жалб қилинаётган халқаро молия институтлари маблағларининг тўри ва тўлик ўзлаштирилиши юзасидан доимий мониторинг юритсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳаларни бошқариш гурухларини бирлаштириш ва ягона Соғ

* 1-илова «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лиқни сақлаш соħасидаги ислохотларни амалга ошириш гурухини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. 2020 — 2025 йилларда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ қайта кўриб чиқиш жараёнига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа халқаро эксперторларни жалб қилсан.

12. Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. 2020 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига уларнинг фаолияти санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига асосан «Санитария-эпидемиологик осойишталик белгиси»ни (кейинги ўринларда — Белги) бериш амалиёти жорий қилинсин.

Белгилансинки:

Белги Санитария-эпидемиология хизмати томонидан уч хил турдаги — «яшил», «сарик» ва «қизил» тоифалар бўйича 12 ой муддатгача берилади;

«яшил» тоифадаги Белгига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти Санитария-эпидемиология хизмати органлари томонидан ўрганилиши ва текширилишига ўйл қўйилмайди (оммавий заҳарланиш ва гурухли касалликлар қайд этилган ҳолатлар бундан мустасно). Бунда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз обьектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма обьектлари «яшил» тоифадаги Белгига эга бўлган обьектларга тенглаштирилади;

Белги тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси билан (ихтиёрий) ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда давлат органлари ташаббуси билан (мажбурий) берилади;

тадбиркорлик субъектларининг ташаббуси билан (ихтиёрий) Белгини олиш Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳамда пуллик асосда амалга оширилади. Бунда, кўрсатилаётган хизматлар учун олинадиган даромад Санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ходимларни рағбатлантириш учун ўйналтирилади.

Санитария-эпидемиология хизмати ва Савдо-саноат палатаси манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 15 октябряга қадар Белгини бериш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Санитария-эпидемиология хизмати ташкил этилаётганлиги муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Сани-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва уларнинг худудий бўлинмалари тугатилсан.

Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг худудий бўлинмалари — тегишинча Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, шунингдек, уларнинг худудий бўлинмалари хукуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича хукуқий ворислари ҳисобланади.

15. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб санитария-эпидемиология ва жамоат саломатлиги соҳасида бакалавриат ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида тибиёт олий таълим муассасаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети ташкил этилсан.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда тегишли тибиёт олий таълим муассасаларида «Тиббий-профилактика ва жамоат саломатлиги» факультети фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсинг;

2021 йил 1 январга қадар тибиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тибиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида санитария-гигиена ва эпидемиология ҳамда микробиология йўналишидаги филиаллар, шунингдек, халқаро факультетлар очилишини таъминласин.

16. Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 ноябрга қадар содир бўлган фавқулодда ходиса, табиий оғатлар, пандемия даврида йўл қўйилган камчиликлар ва орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги ва «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларни янги таҳrirда ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсан.

Бунда, лойиҳаларда юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши, табиий ёки техноген хусусиятга эга оғатлар содир бўлиши хавфи юзага келган шароитда аҳолининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича масъул ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўйича батафсил «ҳаракатлар алгоритми» ва амалга оширилиши лозим бўлган комплекс чора-тадбирлар назарда тутилсан.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдағи «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5814-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.

ликаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 июль,
ПФ-6035-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**341 Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоя-
га ва ёрдамга муҳтоҷ аҳоли қатламларини моддий
қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-
да***

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳоли-
ни ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оиласарни моддий қўллаб-қувват-
лаш борасидаги ишларни ва халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятла-
рини намоён этган «Саховат ва қўмак» умумхалқ ҳаракатини янада кучайти-
риш мақсадида, шунингдек, Қурбон ҳайти байрами муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш ваз-
ирлиги ва худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш
бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва
қўмакка муҳтоҷ оиласарнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган
ва аъзолари 1,7 миллион нафардан ортиқ бўлган 400 мингдан кўпроқ оилас-
ларга Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бир марталик
моддий ёрдам кўрсатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иктисодий тараққиёт ва камбағалликни қис-
қартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банки бир марталик
моддий ёрдам пулларини моддий ёрдам ва қўмакка муҳтоҷ оиласар рўйхат-
ларига киритилган оиласарга 2020 йил 15 августга қадар етказилишини
таъминласин.

2. 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсиялар, болаликдан ногиронлиги
бўлган шахсларга, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳ-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда
эълон қилинган.

натга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,1 баробар оширилсин.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида:
пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори — ойига 262 470 сўм;
ёшга доир энг кам пенсиялар — ойига 513 350 сўм;
болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган нафақа — ойига 513 350 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 315 030 сўм этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йилнинг якунига қадар:

14 ёшгача болалари бўлган эҳтиёжманд нафақа олувчи оилаларнинг амалдаги сонини 2 баробарга ошириб, 700 мингтагача етказиши;

бала 2 ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа олувчи эҳтиёжманд оналарнинг амалдаги сонини 330 мингдан 400 мингтага ошириш;

моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларнинг амалдаги сонини 89 мингдан 100 мингтага етказиши таъминласин.

4. Тўлаш муддати 2020 йилнинг июль-сентябрь ойларида тугайдиган болалари бўлган оилаларга ва бола парвариши билан шуғулланадиган оналарга нафақа тўлаш навбатдаги 6 ой муддатга (бола тегишлича 2 ёш ва 14 ёшдан ошмаган ҳолатда) давом эттирилсин.

5. Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида ҳамда Курбон ҳайити байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан:

моддий ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оилаларнинг рўйхатларига («темир дафтар») киритилган оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун «Саховат ва кўмак» жамғармасининг худудий бўлимларига 200 миллиард сўм;

тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик пул мукофоти бериш учун 100 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

6. Жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ғояларини кенг тарғиб этиб келаётган диний соҳада хизмат қилаётган вакилларни моддий рағбатлантириш ҳамда жойларда хайру саховат, мурувват борасида амалга оширилаётган ишларни, жаҳолатга қарши маърифат руҳидаги кенг қамровли тадбирларни янги босқичга кўтариш учун Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилсин.

7. Мазкур Фармоннинг 1, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган маблағларнинг ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оилаларга, тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига мақсадли ва манзилли етказилиши юзасидан қўйидагилар масъул этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ж.А. Қўчкоров, мутасадди вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари — моддий

ёрдам, пенсия ва нафақа пулларини тўлиқ ва ўз вақтида ажратиш ва жойларга етказиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев, Соғлиқни сақлаш вазирлиги — тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларига бериладиган бир марталик моддий ёрдам пулларининг манзилли етказилиши бўйича;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарлари — пандемия даврида ёрдам ва кўмакка муҳтоҷ оиласалар рўйхатларининг шакллантирилиши ҳамда уларга моддий ёрдам пулларининг ўз вақтида ва манзилли етказилишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўз вақтида ажратилиши бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда — моддий ёрдам маблағларини тарқатиш учун нақд пул билан таъминлаш бўйича.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари Ҳисоб палатаси билан биргаликда бир марталик моддий ёрдамнинг ўз вақтида ва мақсадли амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчкоров, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль,
ПФ-6038-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

342 Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармонига мувофиқ:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг (кейинги ўринларда — Санитария-эпидемиология хизмати) асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

санитария-эпидемиология соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, республика ҳудудидаги юқумли касалликлар табиий ўчоқлари устидан эпидемиологик мониторинг ва эпидемияга қарши профилактик тадбирлар мажмунини амалга ошириш;

санитария-гигиена, радиацион гигиена, физик омиллар, бактериология, вирусология, паразитология ва ўта хавфли касалликлар ташхиси бўйича лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш;

инсон саломатлигига таъсир этувчи хавфли омилларни бошқариш, тизими мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилишнинг янги шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига доир давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, мазкур йўналишда давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

жамоат саломатлиги ва касалликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига оид фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар амалга ошириш, бу борадаги илмий изланишларни мувофиқлаштириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва макасини ошириш;

озик-овқат хавфсизлиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилиш, озик-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти устидан белгиланган тартибда назорат килиш;

соҳага оид давлат ва бошқа хизматларни кўрсатиш, маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган мажбурий талабларга тааллуқлилиги бўйича маҳсус экспертизалар тайинлаш ва ўтказиш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тибий маданияти-

* Ушбу карор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 июлда эълон қилинган.

ни ошириш ва тиббий профилактика бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

давлат ва идоравий тиббиёт статистикасини юритиш, тўплаш, таҳлил қилишига услубий раҳбарлик қилиш, ахоли саломатлигига салбий таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадида зарур текширишлар ва сўровлар ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш ва қонунбузилиш ҳолатлари аниқланганда қонунчиликда белгиланган чораларни қўллаш.

2. Белгилансинки, Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг тизими-даги ташкилотлар ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш доираси-да куйидаги ҳуқуқларга эга:

карантиныли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши курашиб қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсингдаги мажбурлов чорасини қўллаш;

юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қара-тилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартибини, ахоли, транспорт воситалари, юклар ва (ёки) товарлар харакатланишининг чекланишини назарда тутадиган тиббий-санитария чора-тадбирларини амалга ошириш;

инсон хаёти ва саломатлиги учун жиддий хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалиши ёхуд техноген ёки табиий хусусиятга эга ҳалокат содир бўлиши реал хавфи вужудга келганда мулкчилик шаклидан қатъи назар обьектларда текширишлар ўтказиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилганли-ги аниқланган ҳолатларда лицензиялар ва рухсат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзаси-дан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш;

юридик ва жисмоний шахсларга назорат обьектидаги ҳуқуқбузарлик-ларни бартараф қилиш учун мос равишда, аммо олтмиш кундан ортиқ бўлмаган муддатни белгилаган ҳолда, аниқланган ҳуқуқбузарликларни бар-тараф этиш бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини лаборатория-инструментал усулини қўллаган ҳолда ўн кундан кўп бўлмаган муддатгача текширувдан ўтказиш ҳамда текширувдан ўтка-зишга беғараз эксперт ёки мутахассис сифатида лаборатория ходимлари-ни жалб қилиш;

фавқулодда вазиятларда, эпидемиялар ҳамда ахолининг хаёти ва соғлиги учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келганда, оммавий заҳарланиш ва гурух-ли касалликлар қайд этилганда (даволаш муассасаси хабари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ва бошқа холларда) қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш;

бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига шартнома асосида кўшимча ходимлар жалб қилиш.

3. Қуйидагилар:

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг ташкилий тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг марказий аппарати тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тўғрисидаги низом 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Санитария-эпидемиология хизматининг марказий аппарати, худудий бошқармалари, туман (шахар) бўлимлари ходимларининг умумий чекланган сони 17 554 нафар этиб белгиланади;

Санитария-эпидемиология хизмати ахолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун жавобгар бўлган ваколатли давлат бошқаруви органи хисобланади;

Санитария-эпидемиология хизмати Соғлиқни сақлаш вазиригининг таркибида киради, Санитария-эпидемиология хизматининг бошлиғи бир вактнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари ҳамда Бош давлат санитария врачи ҳисобланади;

туман (шахар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимлари ўз фаолиятида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари эса — Санитария-эпидемиология хизматига бевосита бўйсунадилар ва уларнинг олдида хисобдордир;

Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг худудий бўлинмалари ўз ваколатларини барча давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширадилар;

Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, унинг ўринбосарлари эса соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига кўра Вазирлар Мажкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Л.М. Исаев номидаги филиали Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий тадқиқот институти ҳамда Л.М. Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тадқиқот институти негизида ташкил этилади;

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқум-

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази барча давлат юқумли касалликлар шифохоналари ва диспансерлари ҳамда давлат тиббиёт ташкилотларининг юқумли касалликлар бўлинмалари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарликни амалга оширади;

Вирусология илмий-тадқиқот институти юридик шахс мақоми сақланган ҳолда — Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази нинг ташкилий тузилмасига киради;

Вирусология илмий-тадқиқот институти директори бир вақтнинг ўзида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг биринчи ўринбосари хисобланади;

Л.М. Исаев номидаги тиббий паразитология илмий-тадқиқот институтининг клиникаси юридик шахс мақоми сақланган ҳолда — Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Л.М. Исаев номидаги филиалининг ташкилий тузилмасига киради;

Миллий референс лаборатория Лаборатория комплекси негизида ташкил қилинади. Бунда, уни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб колинади ва у Республика худудидаги барча санитария-гигиена, радиология, токсикология, бактериология, паразитология ҳамда вирусология лабораториялари натижаларини мувофиқлаштиради ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

5. Қуидагилар:

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузурида юридик мақомига эга бўлмаган Биологик хавфсизлик маркази ҳамда Ген технологиялари маркази;

Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмаларида тегишлича Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлили ва истиқболни белгилаш маркази ва унинг бўлинмалари ташкил қилинсин.

Белгилансинки:

соғлиқни сақлаш тизими ҳамда бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг таркибига кирувчи тиббиёт ва ёрдамчи ташкилотлардаги тиббий статистика маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шунингдек, ахоли соғлигининг ҳолатига ва касалликлар тарқалишига таъсир қилувчи тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш Соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлили ва истиқболни белгилаш марказининг асосий вазифалари хисобланади;

идоравий мансублигидан қатъи назар барча давлат тиббиёт ва ёрдамчи ташкилотлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган муддатлар ва шаклларда соғлиқни сақлаш кўрсаткичларига оид маълумотларни Санитария-эпидемиология хизмати ва унинг худудий бўлинмаларига тақдим этиб боради.

Вазирлар Махкамаси икки ой муддатда Соғлиқни сақлаш кўрсаткич-

лари таҳлили ва истиқболни белгилаш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қилсин.

6. Санитария-эпидемиология хизмати бошлиғига:

зарур ҳолларда Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва унинг худудий бўлинмалари тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини самарали ташкил этиш, унга юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун хорижий институтлар, компаниялар, мутахассислар ва эксперталарни, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш хуқуки берилсин.

7. Санитария-эпидемиология хизмати:

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармалари ва бўлимларининг намунавий тузилмаларини тасдиқласин;

бир ой муддатда Санитария-эпидемиология хизмати марказий аппарати ва таркибий тузилмаларни Санитария-эпидемиология хизматига юклangan вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган, зарур назарий билим ва амалий кўнікмаларга эга юқори малакали кадрлар билан тўлдирсан;

Миллий референс лаборатория базасида микроорганизмлар банки (биологик ва генетик коллекция) ҳамда маҳсус иммуноглобулин ва зардоблар банки, виварий ва генетик лаборатория сингари бўлимлар ташкил этилишини таъминласин.

8. Санитария-эпидемиология хизмати Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда хавфни таҳлил қилиш механизмини жорий қилиш учун назорат остидаги обьектларнинг ягона электрон базасини яратсин ва 2021 йил 1 январдан бошлаб, унинг тўлиқ ишга туширилиши ҳамда «Электрон хукумат» тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

Белгилансинки:

ягона электрон базани ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси, уни кейинчалик техник қўллаб-кувватлаш билан боғлиқ харажатлар эса — Санитария-эпидемиология хизматининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Санитария-эпидемиология хизмати ягона электрон базани шакллантириш, самарали фаолиятини таъминлаш ва кейинчалик ривожлантириш учун масъул ҳисобланади.

Санитария-эпидемиология хизмати назорат остидаги обьектларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини ўрганиш натижаларини ўзининг веб-сайти, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда жойлаштириб борсин ҳамда ушбу йўналишда жамоатчилик фикрини тизимли равишда таҳлил қилсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси (Б.А. Мусаев) Санитария-эпидемиология хизмати тузилиши муносабати билан барча зарур ташкилий масалаларни (қайта

ташкил этиш, жойлаштириш, таъминот, моддий-иктисодий масалалар ва бошқалар) тезкорлик билан ҳал этилишини таъминласин.

10. Санитария-эпидемиология хизмати Тошкент шахри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 46-уй манзили бўйича оператив бошқарув хукуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Соғлиқни саклаш вазирлиги уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Мажкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июль,
ПҚ-4790-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

343 Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида электр энергияси таъминоти барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш, аҳоли учун электр таъминоти барқарорлигини янада ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2020 — 2022 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4563-сон қарорига мувофиқ:

1. Куйидагилар:

а) 2020 — 2023 йилларда Тошкент вилояти Куйичирчиқ туманида «Янги 500 кВ кучланишли «Ҳалқа» нимстанцияси ҳамда 220 кВ ва 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини куриш» инвестиция лойиҳасини

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — лойиҳа) молиялаштириш юзасидан Жаҳон банки билан дастлабки келишувга эришилганлиги;

б) лойиҳани амалга ошириш доирасида:

куввати 1 400 МВА бўлган 500/220/10 кВ кучланишли, йиллик электр энергиясини тақсимловчи замонавий энергия тежамкор нимстанция қурилиши;

умумий узунлиги 410 км, жумладан, 322 км узунликдаги 220 кВ ва 88 км узунликдаги 500 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари қурилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда ишлаб чиқилган:

«Янги 500 кВ кучланишли «Ҳалқа» нимстанцияси ҳамда 220 кВ ва 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

«Янги 500 кВ кучланишли «Ҳалқа» нимстанцияси ҳамда 220 кВ ва 500 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоқларини қуриш» инвестиция лойиҳаси доирасида асбоб-ускуна ва материаллар харид қилиш, шунингдек, қурилиш-пудрат ишларини амалга ошириш учун ҳалқаро тендер савдолари ўтказиладиган пакет ва лотлар жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

3. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда лойиҳа доирасида электр энергетика обьектларини қуриш учун «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга Тошкент вилояти, Қуйичирчик тумани, «Пахтазор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан белгиланган тартибда доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер майдони ажратилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

истисно тариқасида, мазкур қарорнинг З-бандига мувофиқ ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари ундирилмайди;

loyiҳa доирасида электр энергетика обьектларини қуришда ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг кўрган зааралари, бой берилган фойда харажатлари ҳамда уларни баҳолаш харажатлари «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Энергетика вазирлиги «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда тўрт ой муддатда лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлаб, лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилиши ва улар бўйича белгиланган тартибда экспертиза хulosалари олинишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда лойиҳа хужжатлари ишлаб чиқилишида лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш нуқтаи назаридан унинг қийматини мақбуллаштириш чораларини кўрсинг.

* 1-2-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда:

икки ой муддатда лойиҳани амалга ошириш, жумладан, унинг молиялаштириш манбаларини аниқлаш юзасидан халқаро молия институтлари билан музокараларни якунласин;

ложиҳани амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда малакали хорижий консультантлар ва мустақил эксперталарнинг танлов асосида жалб этилишини таъминласин.

7. Кўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари С.Ў. Умурзаковга — лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари маблағларининг жалб этилиши ва ўз вақтида ҳамда самарали ўзлаштирилишини, лойиҳа доирасида халқаро тендер савдолари сифатли ўтказилишини таъминлаш, шунингдек, ҳар ойда лойиҳанинг амалга оширилиши холати юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисоботини эшлиши;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султановга — лойиҳа қийматининг мақбуллаштирилиши, унинг доирасида малакали хорижий консультантлар ва эксперталарнинг жалб қилиниши, қурилиш-пудрат ишлари тизимли назорат қилинишини таъминлаш, шунингдек, лойиҳа доирасида бажарилган ишларни доимий таҳлил қилиш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Тошкент вилояти ҳокими Р.К. Холматовга — лойиҳани амалга ошириш учун зарур ер майдонларини ўз вақтида ажратиш, улар эгаларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини тўлиқ таъминлаш;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ раиси Д.А. Исакуловга — лойиҳа ҳужжатлари пухта ишлаб чиқилиши, қурилиш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 29 июль,
ПҚ-4791-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

344 Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда аҳоли ва худудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш бўйича аниқ мақсадга каратилган чора-тадбирлар амалга оширилди, сейсмология ва сейсмик чидамли қурилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жаҳон талаблари даражасида ўtkазиш учун шарт-шароитлар яратилди, ер қобигининг кучланган-деформацияланган ҳолатини кузатувчи, сейсмик хавфни баҳолашда ва зилзилалар даракчиларини қайд қилишда фойдаланиладиган станциялар тармоғининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз худуди сейсмик фаол зоналарда жойлашганлиги сабабли сейсмик хавфнинг олдини олиш, аҳоли ва худудларни сейсмик хавфдан ҳимоя қилиш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, соҳада аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни ва илмий тадқиқотларни доимий амалга ошириб бориш зарурати мавжуд.

Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини жаҳон стандартлари асосида ривожлантириш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасида сейсмик хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Куйидагилар сейсмик хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ахолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш;

сейсмик хавф даражасини камайтириш чораларини кўриш;

фойдаланишда бўлган ва фойдаланишга топшириладиган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш;

республика ҳудудида жойлашган сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлигини назорат қилиш;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликни таъминлашнинг замонавий услугуб ва техник воситаларини амалиётга жорий этиш;

* Ушбу карор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сейсмик хавфсизлик ва мустаҳкамликини таъминлашнинг илмий асослари ва технологияларини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон қарори билан тасдиқланган Сейсмология, сейсмик чидамли курилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлиги бўйича идоралараро илмий-техник кенгашга (кейинги ўринларда — Кенгаш) Дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

3. Куйидагилар сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси — сейсмик хавфни турли миқёсда баҳолаш, худудларни сейсмик районлаштириш, зилзилаларни муддатлар кесимида прогноз қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш, турли сейсмик хавфнинг инженер-геологик асосларини ва баҳолаш технологияларини яратиш учун масъул бўлган давлат илмий муассасаси;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги — республика худудида қурилаётган обьектлардаги лойиҳалар ва қурилиш сифатини сейсмик хавфсизлик бўйича меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш ва назорат қилиш, шахарлардаги мавжуд биноларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш, иншоотларнинг сейсмик хавфини камайтириш бўйича зарур тадбирлар ишлаб чиқиш учун масъул бўлган давлат бошқаруви органи;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги — республика ва трансчегаравий худудларда, шунингдек, табиий ва техноген хавфли худудларда ҳамда муҳим обьектларда сейсмик хавфсизлик бўйича мониторингни ташкил этиш, кучли ва талафотли зилзилалар содир бўлиши хавфи мавжуд бўлганида уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур чораларни кўришга масъул бўлган давлат бошқаруви органи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамаси ижро этувчи тузилмасининг ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти таркибида қўшимча З та штат бирлигини ажратган холда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини мувофиқлаштириш шуъбаси (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштириш шуъбаси) ташкил этилсан.

Куйидагилар Мувофиқлаштириш шуъбасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масъул органлар ва ташкилотлар фаолиятини доимий мувофиқлаштириб бориш;

сейсмология соҳасида илм-фанни ривожлантириш, замонавий ахборот, шу жумладан, инновацион технологияларни кенг жорий этиш;

сейсмик хавфни прогнозлаш жараёнини ракамлаштириш чораларини кўриш;

республикада сейсмик хавф даражасини камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни доимий равишда мониторинг қилиб бориш;

аҳолининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

фойдаланишда бўлган бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда чоралар кўриш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган иншоотларнинг мониторинги натижаларига асосланиб, мустаҳкамлигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Вазирлар Маҳкамаси хузурида юридик шахс тузмаган ҳолда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-кувватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсан.

Куйидагилар:

а) Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари этиб белгилансин:

жорий йилда республика бюджетидан амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурлари учун ажратилган грант маблағлари хисобидан 20 млрд сўмгacha бўлган маблағлар, келгуси йилларда эса эҳтиёжга қараб, Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоб-китобларига асосан ажратилдиган маблағлар;

хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантлари;

Жамғарманинг бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида Жамғарма маблағлари сарфланадиган йўналишлар этиб белгилансин:

илмий тадқиқотларга кўмаклашиш, тадқиқот ишларини қўллаб-кувватлаш учун грантлар ажратиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини амалга ошириш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда ташкил қилиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

илмий лабораторияларни зарур асбоб-ускуналар, хисоблаш техника воситалари ҳамда бутловчи материаллар билан таъминлаш ва уларни ўрнатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасига рақамлаштирилган технологияларни жорий этиш, сейсмик чидамли қурилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик

хавфсизликни таъминлаш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларининг соҳага оид фаолият йўналиши бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотларнинг электрон техник паспортларини шакллантириш жараёни билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

юксак илмий натижаларга эришган ва фан ривожига муносиб ҳисса кўшган олимларни, шу жумладан, ёш илмий ходимларни қўллаб-куватлаш.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчиси хисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг:

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетини (кейинги ўринларда — Турин политехника университети) «Муҳандислик сейсмологияси» таълим йўналиши ва мутахассислиги, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини «Сейсмология ва сейсмометрия» таълим йўналиши ва мутахассислиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан базавий олий таълим муассасалари этиб белгилаш;

мазкур таълим муассасаларида 2021 / 2022 ўкув йилидан бошлаб тегишлилигига қараб «Муҳандислик сейсмологияси» ва «Сейсмология ва сейсмометрия» таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича бакалавриат ҳамда магистратура босқичларида ўкув жараёнларини йўлга қўйиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Турин политехника университети қошида Бино ва иншоотларни экспериментал тадқиқ қилиш илмий-техник лабораторияси (кейинги ўринларда — Лаборатория) ташкил этилсин ва Лаборатория томонидан ўтказиладиган тадқиқот синовларининг асосий йўналишлари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Белгилаб қўйилсинки:

Лаборатория Турин политехника университетининг Технопарки биносида ташкил этилади;

Лабораторияни ташкил этиш ва айрим асбоб-ускуналар билан жихозлаш бўйича ишлар Жамғарма маблағлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг техник кўмак маблағлари (грантлари) ҳамда қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади;

Лаборатория штат бирликлари Турин политехника университетининг профессор-ўқитувчилари, докторантуре изланувчилари ҳамда «Курилиш материаллари ва конструкциялари» лабораторияси ходимларини мақбуллаштириш хисобидан жамланади;

бино ва иншоотларнинг сейсмик чидамли қурилиши бўйича тадқиқотлар олиб бориш, сейсмик хавфни баҳолаш ва камайтириш учун масъул давлат илмий-тадқиқот муассасалари Лабораториядан беғараз фойдаланадилар.

* 2-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Белгилансинки:

а) қуйидагилар:

2021 йил 1 апрелдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган мавжуд бино ва иншоотлар, шунингдек, кўп қаватли турар жойларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш учун зарур бўлган маълумотларни назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш;

2021 йил 1 майдан бошлаб янги қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли бино ва иншоотларнинг конструктив тизими, қурилиш майдонининг сейсмик даражаси, юк кўтарувчи конструкциялар материалларининг мустахкамлик кўрсаткичларини назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантириш амалиёти йўлга қўйилади;

б) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Фанлар академияси билан биргаликда мазкур амалиёт жорий этилиши учун масъул бўлган ташкилотлар хисобланади;

в) шакллантирилган электрон техник паспортлардан сейсмик хавф прогнози мавжуд бўлган ҳолларда бинолар ва иншоотларнинг сейсмик мустахкамлигини ўрганиш, содир бўлиши кутилаётган зилзилага тайёргарлик кўриш ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида фойдаланилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 декабрга қадар бино ва иншоотларни электрон техник паспортлаштириш услубиётини ишлаб чиқсин;

б) 2021 йил 1 декабрга қадар:

минтақавий даражадаги сейсмик хавфни баҳолашнинг илмий-услубий асосларини, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудининг майда масштабли сейсмик риск харитасини ишлаб чиқсин;

кучли зилзилаларни ўз вақтида прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда тегишли профилактик чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида майда масштабли сейсмик риск харита базасида дастурий таъминотни яратсин ва аҳоли хабардорлигини доимий таъминлаб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг сейсмик ва комплекс прогностик станциялари билан прогноз маълумотлар алмашинуви жараёнига автоматлаштирилган тизимни жорий этсин;

б) Фанлар академияси ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар Марказий Осиё ҳудудида сейсмик хавф-хатарни прогноз қилиш масаласи юзасидан қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш бўйича Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин;

в) Фанлар академияси ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2021 йил 1 апрелга қадар фукаролар учун зилзила вақтида тегишли харакат ва тадбирларни амалга ошириш бўйича услубий қўлланмани;

маҳаллий хом ашёдан хусусий уйларни (индивидуал биноларни) куришда элементар сейсмик мустаҳкамлик чораларини кўриш бўйича услугубий қўлланмани ишлаб чиқсин ва ахоли ўртасида кенг тарғибот тадбирларини амалга оширсин;

г) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 апрелга қадар:

ахолига содир бўлган зилзила бўйича тўлиқ маълумотлар етказилишини таъминловчи мобиль иловани яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Сейсмопрогностик мониторинг республика марказининг расмий веб-сайти, маълумотлар базаси ва мобиль илова ўртасида тезкор маълумотлар алмашинуви интеграциясини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 ноябрга қадар барча сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик мустаҳкамлик ҳолатини баҳолаш бўйича экспресс услубиётни ишлаб чиқсин;

2021 йил 1 июнга қадар сув омборлари ва гидротехника иншоотларининг сейсмик заифлигини баҳолаш паспортларини шакллантирсун ва уларнинг аниқланган сейсмик заифлигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ҳамда мухокама қилиш ва тасдиқлаш учун Кенгашга киритсан.

12. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

а) Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 декабрга қадар соҳадаги малакали мутахассис ва олимларни жалб қилган холда «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва худудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

2021 йил 1 марта 2030 йилгача бўлган муддатда Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсан;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда икки ой муддатда сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасига халқаро ташкилотлар грантларини жалб қилиш, шунингдек, соҳа мутахассислари учун хорижий мамлакатларда ўқиш, стажировка ўташ ва малака оширишни ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда:

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш;

республиканинг сейсмик фаол ҳудудида жойлашган сув омборларида инструментал сейсмологик кузатувларини доимий амалга ошириш тизими-

ни яратишни ҳамда бунга масъул ташкилотларни зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаши назарда тутувчи Ҳукумат қарорларини қабул қилсин;

б) икки ой муддатда:

Лаборатория фаолиятини тўлиқ ташкил этиш учун зарур бўлган айрим асбоб-ускуналар билан;

Фанлар академияси М.Т. Уразбаев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустахкамлиги институтини бино билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

в) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига киритсан.

14. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари мазкур қарор ва Дастурда белгиланган вазифаларни ҳудудлар кесимида сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида масъул ижрочиларга яқиндан кўмаклашсан.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига З-илова-га* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсан.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фанлар академияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Курилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсан.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгashi котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль,
ПҚ-4794-сон

* З-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

345 Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Аграр соҳада илм-фан, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, худудларни ривожлантириш истиқболларини хисобга олган холда илфор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

аграр таълимда бакалавриат таълим йўналишларида таълимнинг кредит-модуль тизимини босқичма-босқич жорий этиш. Бунда, таълимнинг кредит тизимида талабалар учун хафтада беш кунлик ўқиш ҳамда хафтанинг шанба кунини мустақил ўзлаштириш куни деб белгилаш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари-ни аграр соҳа олий таълим муассасалари томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган холда мустақил тасдиқлаш;

кишлок хўжалиги ишлаб чиқариш соҳаси учун магистратура мутахассисликларида ўқиш муддатини 1 йил, илмий ва илмий-педагогик фаолият билан шуғулланувчи иқтидорли талабалар учун ўқиш муддатини 2 йил этиб белгилаш ҳамда тўлов-контракт микдорини кундузги таълим йўналишидаги тўлов-контракт (стипендиясиз) микдорига тенглаштириш;

таъжиби-синов тариқасида, Тошкент давлат аграр университетида бакалавриат таълим йўналишларининг сиртки таълим шакли бўйича масофа-вий таълим олиш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш;

хорижий фуқаролар учун тўлов-контракт микдорини, истисно тариқасида, икки баробарга камайтириш;

бакалавриат йўналишида касбий таълим (йўналишлар бўйича) бўйича кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидағи «АгроИнновация» давлат унитар корхонаси ва Тошкент давлат аграр университети хузуридаги «Ғўза уруғчилиги маркази» негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар Миллий маркази (кейинги ўринларда — Миллий марказ) ташкил этилсин.

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июлда эълон қилинган.

Куийдагилар Миллий марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегиясини амалга ошириш;

ишлаб чиқариш, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасида интеграцияни таъминлаш;

республикада агрохизматлар ва қишлоқ хўжалигида ахборот-маслаҳат (extension) марказлари фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашиш ва мувофиқлаштириш;

соҳага янги илмий ва инновацион ютуқларни, рақамли технологияларни жорий этиш;

вилоят ва туманларда янги ташкил этиладиган агрохизмат марказларига замонавий билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш ва муентазам ра-вишда уларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш;

халқаро сифат стандартларини худудий агрохизмат марказларида жорий қилинишига кўмаклашиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий эксперктларни жалб этган ҳолда уч ой муддатда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини тубдан такомиллаштиришни назарда тутувчи Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) стратегияси ва йўл харитасини ишлаб чиқсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази, Тошкент давлат аграр университетининг:

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази тизимига ўтказган ҳолда Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти сифатида ташкил этиш;

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини Тошкент вилояти Қиброй тумани, Университет кўчаси, 2-үй манзилидаги бинога бепул фойдаланиш хуқуқи билан жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтини томонидан қишлоқ хўжалигининг долзарб муаммолари бўйича давлат илмий техник дастурлари доирасида бажариладиган мақсадли фундаментал, илмий-амалий ва инновацион лойиҳаларни қонунчиликда белгиланган тартибида молиялаштириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси икки ой муддатда Аграр таълим тизимини 2030 йилгача бўлгган инновацион ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитасининг ишлаб чиқилиши ва тасдиqlанишини таъминласин.

6. Олий таълим муассасаларининг кафедраларига йўналишлар бўйича бириктириладиган агросаноат мажмууга кирувчи илмий-тадқиқот муассасаси

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 й.

лари, илмий марказлар ва ташкилотлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Андижон вилояти ҳокимлигининг 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб:

Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиали негизида Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари негизида олий мактаблар ўрнига агротехнологиялар техникумларини (кейинги ўринларда — Техникумлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Институт Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг, Техникумлар қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларининг барча хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Йиғозион ривожланиш вазирлигига:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги тизимидағи олий таълим муассасаларининг штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобидан Тошкент давлат аграр университети ва Институтда қишлоқ хўжалигини ракамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари ҳамда профессионал таълим муассасалари билан ишлаш бўйича проектор лавозимларини жорий этиш;

2020/2021 ўкув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университети қошида республика олий таълим муассасаларининг иқтидорли талабалари таркибидан танлаб олинган ёшлар учун «Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш ва уни раками трансформациялаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида махсус факультет ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

9. Куйидагилар:

2021/2022 ўкув йилидан бошлаб Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ташкил этиладиган янги бакалавриат таълим ўйналишлари ва магистратура мутахассисларни рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

2020/2021 ўкув йилидан бошлаб фаолият юритадиган агротехнологиялар техникумлари рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки:

Техникумларда юқори малакали педагог-ходимлар таркибини шакллантирища таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш мақсадида аграр соҳадаги олий таълим муассасалари ҳамда худудларда жойлашган олий

* 1 — 3-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таълим муассасаларининг турдош кафедралари профессор-ўқитувчиларига устуворлик берилади;

Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар якка тартибдаги сухбат асосида кириш имтиҳонларисиз қишлоқ хўжалиги олий таълим муассасаларининг мос бакалавриат таълим йўналишларида 2-босқичдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

бошқа олий таълим муассасаларидаги қишлоқ хўжалиги соҳасига оид турдош бакалавриат ва магистратура мутахассислиги таълим йўналишлари кафедра мудирларини лавозимга тайинлаш ҳамда озод этиш Тошкент давлат аграр университети билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети Андижон вилояти хокимлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда Институт ва Техникумларнинг тузилмаси ва Устави тасдиқланишини ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, тегишли йўналишлар бўйича ишлаб чиқариш корхоналарининг катта амалий тажрибага эга мутахассисларидан иборат бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

педагог-ходимларнинг ҳар йили Ўзбекистон ҳамда хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида, илмий-тадқиқот марказларида, агрокластерларда, кооперацияларда, йирик ишлаб чиқариш корхоналарида стажировка ўташларини;

ўкув-услубий жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўкув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилишини;

ахборот-ресурс марказларини зарур ўкув, илмий ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш чоралари кўрилишини;

янги авлод дарслклари ва ўкув қўлланмалари туркумининг қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни инобатга олиб, хорижий олимлар, олий таълим ва аграр соҳаларда самарали фаолият юритаётган мутахассисларни жалб этган ҳолда тайёрланишини;

мамлакатдаги ислоҳотларнинг замонавий босқичи эҳтиёjlари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ҳамда дастурларини янгилаш ва қайта кўриб чиқиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишини таъминласин.

12. Куйидагилар Институт ва Техникумларни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Белгилаб қўйилсинки, Институт ва Техникумларни жорий сақлаш харажатлари 2020 йилда «Маориф» соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2021 йилдан бошлаб мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги:

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университети Андижон филиалининг Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ қўчаси, 1-йй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли худуди, ўқув ва лаборатория жихозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулкини Институтга, қишлоқ хўжалиги касбхунар коллежларининг мол-мулкларини Техникумларга белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

қайта ташкил этилаётган Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида 2019/2020 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга уларнинг ўқишини тутатгунинг қадар Институтда ўқишини якунлаш имкониятини яратсин;

Институтга бошқа худудлардан ишга қабул қилинган профессор-ўқитувчиларни фаолият юритган даврида турар жой билан таъминлаш чоралари ни кўрсинг.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат солик қўмитасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида профессор-ўқитувчилар ва илмий-тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот натижаларини тиҷоратлаштириш ҳамда хўжалик шартномалари хисобидан тушган маблағлардан тўланадиган солик ставкаларини икки баробарга камайтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига:

таълим муассасаларини соҳа бўйича юксак билимларга эга бўлган, чет тилларини яхши биладиган, замонавий информацион технологиялардан хабардор малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;

хорижий тилни, хусусан, инглиз тилини яхши ўзлаштирганигини тасдиқловчи сертификатга эга бўлган (IELTS даражаси 6,5 ва ундан юқори) профессор-ўқитувчиларнинг (хорижий тиллар бўйича профессор-ўқитувчилар бундан мустасно) ойлик маошларига 10 фоиз устама белгилаш;

вазирлик тизимидағи олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий адабиётларни харид қилиш, профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган ўқув адабиётларини чоп этиш харажатларини қоплаш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилиш вазифалари юклатилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармасининг 2021 йил 1 январдан бошлаб профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларни «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда «Инновацион ривожланиш

ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш» жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижий давлатларнинг етакчи олий ва илмий-тадқиқот муассасаларига мақсадли стажировка ўташга юбориш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 июль,
ПҚ-4795-сон

БЕШИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

346 Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартла- ри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қиласди:

1. Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/1-сон қарорига
ИЛОВА

Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ банк фаолиятига рухсат бериш, банк

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

кузатув кенгашининг ва бошкарувининг аъзоларини, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларни баҳолаш ва уларни келишиб олиш, банкнинг алоҳида бўлинмаларини очиш ва ёпиш, банкнинг уставига киритилган ўзгариши ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банкларни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби ҳамда шартларини белгилайди.

I бўлим. Банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйилган талаблар

1. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига (бундан бўён матнда Марказий банк деб юритилади) мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган ариза ва бошқа ҳужжатлар қоғоз шаклида ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда тақдим этилади.

Бунда, қоғоз шаклида тақдим этиладиган ва ҳажми бир варакдан ортиқ бўлган ҳужжатлар варакма-варақ тавсифланган, тикилган, рақамланган ва имзоланган бўлиши лозим. Йиллик молиявий ҳисоботлар (шарҳларни ўз ичига олган жамланма баланс, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисобот ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари), шунингдек, молиявий ҳисоботларнинг тўғрилигини тасдиқловчи аудиторлик хуносаси босмахона усулида босилган брошюралар кўринишида тақдим этилиши мумкин.

Марказий банкнинг талабига асосан алоҳида ҳужжатлар электрон шаклда тақдим этилиши лозим.

Электрон шаклда тақдим этилган ариза юзасидан қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда юборилади.

2. Чет эллик ариза берувчилар томонидан мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлар ариза берувчи рўйхатга олинган ерда жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси ёки бошқа консуллик муассасалари томонидан тасдиқланади.

Марказий банкка мазкур Низомга мувофиқ ариза билан мурожаат килган шахс ариза берувчи ҳисобланади.

3. Мазкур Низомга мувофиқ тақдим этилган ариза чақириб олинган ёки уни қаноатлантириш рад этилган тақдирда ариза берувчи томонидан Марказий банкка тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

4. Мазкур Низомга мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни талабларига риоя этган ҳолда тақдим этилади.

**2-§. Банк муассислари ва акциядорлари.
Банкнинг устав капитали**

5. Юридик ва жисмоний шахс бўлган резидентлар, шунингдек, норезидентлар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин.

6. Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида бошқа давлат ташкилотлари номидан банк муассиси ва акциядори бўлиши мумкин. Устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғи давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас.

7. Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоизидан ошмаслиги керак.

Ушбу талаб мақсадларида бошқа кредит ташкилотлари деб қўйидагилар тушунилади:

мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган молиявий фаолият турлари ни амалга оширувчи компанияларни бошқариш мақсадида ташкил этилган холдинг компанияси (бошқарув компанияси);

ваколатли давлат органининг лицензияси (рухсатномаси) асосида мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган молиявий фаолият турларидан бирини амалга оширувчи ва жойлашган (рўйхатга олинган) давлатида консолидациялашган назорат мавжуд бўлган юридик шахслар.

8. Мазкур Низом мақсадларида қўйидаги фаолият турлари молиявий фаолият турлари хисобланади:

банк фаолияти;

микромолиялаш фаолияти;

сугурта фаолияти;

лизинг фаолияти;

ипотекани қайта молиялаш фаолиятини амалга ошириш.

9. Банк муассислари (акциядорлари) бўлган юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ва камида бир йил фаолият юритаётган бўлиши керак.

10. Кўйидаги шахслар банк муассислари, банк акцияларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчилар бўлиши мумкин эмас:

мазкур Низомнинг II бўлими 2-боби талабларига мувофиқ бўлмаган шахслар;

имтиёзли солик режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва худудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг акциядорлари (иштирокчилари) ва охирги бенефициар мулкдорлари;

банкнинг устав капиталини шакллантириш ёки акцияларини олиш учун йўналтириладиган пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлигини Марказий банк томонидан белгиланган тартибда тасдиқламаган жисмоний ва юридик шахслар;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ёки чет давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ банк акцияларига эгалик қилишига тақиқлар ёки чекловлар мавжуд бўлган жисмоний ва юридик шахслар;

жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, но давлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар.

11. Банк муассислари банк рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида банк акциядорлари таркибидан чиқишга ҳақли эмаслар.

12. Банк устав капиталининг энг кам микдори ва уни шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.

3-§. Банкнинг номига қўйиладиган талаблар

13. Банкнинг номи банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари ҳамда фирма номлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари-га мувофиқ бўлиши керак.

14. Банк ўзининг фирма номи сифатида уставида кўрсатилган номидан фойдаланади. Банк ҳар қандай хужжатларда, эълон ёки рекламаларда ўзини уставида кўрсатилган номдан фарқли номлашга ҳақли эмас.

15. Банкнинг фирма номида аҳоли пунктлари номларининг, шу жумладан, банкнинг бундай аҳоли пунктларига тўлиқ ёки қисман мансублигини билдирувчи сўзларнинг ишлатилишига қўйидаги холларда йўл қўйилади:

банк акцияларининг жами эллик фоизи ва ундан ортиғига эгалик қилувчи банк муассислари (акциядорлари) улар жойлашган давлатнинг қонун хужжатларига мувофиқ бундай аҳоли пунктлари номидан ҳар қандай ташкилотларда иш юритиш ва иштирок этиш ваколатига эга бўлсалар. Бунда улар жойлашган давлатнинг фирма номларидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан берилган ушбу аҳоли пунктлари номларининг, шу жумладан, банкнинг бундай аҳоли пунктларига тўлиқ ёки қисман мансублигини билдирувчи сўзларнинг ишлатилиши қонун хужжатларига мувофиқ рухсат этилганлигини тасдиқловчи ёзма тасдиқномаси ёхуд қонун хужжатларига мувофиқ бундай рухсатнома (тасдиқнома) талаб этилмаслиги тўғрисидаги ушбу органнинг ёзма тасдиқномаси.

ишлатилаётган ном жойлашган давлатининг қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатга олинган, муассис бўлган юридик шахснинг фирма номи ёки рўйхатга олинган товар белгиси билан мос бўлса.

Банкнинг фирма номида бошқа географик номларнинг (Евросиё, Европа, Осиё ва б.) ишлатилишига банк акцияларининг жами эллик фоизи ва ундан ортиғига эгалик қилувчи банк муассислари (акциядорлари) бўлган юридик шахсларнинг асосий иқтисодий фаолияти кўрсатилган ҳудуднинг катта қисмида амалга оширилаётган бўлса, йўл қўйилади.

Банк акциядорларининг таркиби, ҳолати ёки улуши ўзгариши оқибатида банк ушбу банд талабларини бажармаётган бўлса, Марказий банк банкнинг фирма номини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли.

**2-боб. Банкни ташкил этиш.
Банкни лицензиялаш тартиби**

1-§. Банкни таъсис этиш

16. Банкни ташкил этиш учун муассислар таъсис йиғилишини ўтказади ва ўзаро таъсис шартномасини имзолайди. Ушбу ҳаракатлар муассислар томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун хужжатлари талабларига риоя этган холда амалга оширилади.

17. Муассислар банкни ташкил этиш бўйича уларнинг манфаатларини Марказий банкда ифода этишга ваколатли бўлган бир ёки бир неча шахсларни тайинлайди. Ушбу шахсларнинг ваколатлари таъсис шартномаси билан белгиланади.

18. Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари ва устави, мазкур Низомга мувофиқ Марказий банк томонидан берилган банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга (бундан бўён матнда лицензия деб юритилади) асосан амалга оширади.

19. Банкларни лицензиялаш тартиб-таомили қўйидаги икки босқичдан иборат:

Марказий банк томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш;

бир вақтнинг ўзида лицензия берган холда банкни давлат рўйхатидан ўткизиш.

2-§. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар

20. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун ариза берувчи таъсис шартномаси имзоланганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ аризани қўйидагиларни уч нусхада илова қилган холда тақдим этади:

1) муассислар томонидан имзоланган таъсис шартномасини. Жисмоний шахсларнинг имзоси ва таъсис шартномасининг нусхалари нотариал идоралар томонидан тасдиқланади;

2) банкни ташкил этиш, устав капиталининг миқдори, банк уставини, ташкилий тузилмасини ва бизнес-режасини тасдиқлаш, банкнинг кузатув кенгашини ва бошқаруви раисини сайлаш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг баённомасини. Баённома нусхалари банкнинг кузатув кенгashi раиси томонидан тасдиқланади;

* 5-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3) муассислар томонидан тасдиқланган ва банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланган банк уставини;

4) мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан тасдиқланган муассислар рўйхатини;

5) муассис бўлган юридик шахснинг аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган охирги уч йил учун молиявий хисоботларини;

6) мазкур Низомнинг 43-банди 1 — 4 ва 6-кичик бандларига мувофиқ ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган бевосита ва билвосита муассислар, шу жумладан, охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги ахборотни. Ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган шахслар мавжуд бўлмаган тақдирда, банкнинг устав капиталида энг кўп улушларга эга бўлган, умумий улуши камида эллик фоизни ташкил этадиган бевосита ва билвосита муассислар, шу жумладан, охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги ахборотни.

7) ариза берувчининг банкни ташкил этишда муассисларнинг манфаатларини Марказий банкда ифода этиш бўйича ваколатларини тасдиқловчи хужжатни;

8) банкнинг устав капиталини шакллантириш учун киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги хужжатлар билан тасдиқланган ахборотни;

9) банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни;

10) банкнинг ташкилий тузилмасини;

11) банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низом лойиҳасини;

12) банк фаолиятининг стратегиясини, йўналишларини, кўламини, молиявий истиқболларини ва мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ бошқа маълумотларни кўзда тутувчи банкнинг кейинги уч йилга мўлжалланган бизнес-режасини;

13) кейинчалик банкнинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим бўлган, банкнинг кредит, инвестиция ва эмиссия сиёсати лойиҳаларининг, шунингдек, таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат сиёсати лойиҳаларининг нусхаларини;

14) аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни.

21. Агар ариза берувчи томонидан тақдим этилган, мазкур бобнинг 2 ва 3-параграфларида кўрсатилган хужжатлар ва ахборот банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, Марказий банк ариза берувчидан қўшимча хужжатлар ва ахборот сўрашга ҳақли.

3-§. Чет эллик муассисларга нисбатан улар томонидан банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш чоғида қўйиладиган талаблар

22. Банкни ташкил этишда ёки банкнинг устав капиталида чет эл бан-

* 2-3-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ки иштирок этганда мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган хужжатларга қўшимча равиша қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

1) чет эл банки ваколатли органининг банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш тўғрисидаги қарори;

2) чет эл банки банкни назорат қилиш органининг мазкур чет эл банки унинг консолидациялашган назорати остида туриши, пул маблағларини депозитларга қабул қилиш хуқуқига эга эканлиги ва унга банкни назорат қилиш органининг банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш учун рухсатномаси берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқномаси ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги тўғрисидаги тасдиқномаси;

3) чет эл банкининг устави;

4) чет эл банки капитали монандлигининг ва кредит рейтингининг қўйидаги талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат:

200 млн. евро эквивалентидан кам бўлмаган микдордаги устав капиталининг мавжудлиги;

«Standard & Poor's», «Moody's Investors Service» ёки «Fitch-IBCA» рейтинг агентликлари томонидан берилган инвестицион рейтинг баҳосидан кам бўлмаган узоқ муддатли кредит рейтинги мавжудлиги.

Чет эл банкининг капитал монандлиги ёки кредит рейтинги мазкур кичик бандда кўрсатилган талабларга номувофиқ бўлганда ёки унда кредит рейтинги мавжуд бўлмаганда, пруденциал талаблари Марказий банк томонидан миллий талабларга эквивалент деб топилган чет давлатнинг банк назорати органи томонидан чет эл банки молиявий салоҳиятига берилган баҳоси, агар ушбу орган томонидан Марказий банкка юборилган хужжатлар мавжуд бўлганда, эътиборга олинади.

23. Халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган, норезидент бўлган юридик шахсларнинг банкни ташкил этишида ёки банкнинг устав капиталида иштирок этишида мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган хужжатларга қўшимча равиша қўйидаги хужжатлар тақдим этилади:

1) юридик шахс ваколатли органининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этиш ёки унинг банк устав капиталида иштирок этиши тўғрисидаги қарори;

2) юридик шахс жойлашган давлатдаги назорат қилиш органининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк ташкил этишга ёки банк устав капиталида иштирок этишга розилигини тасдиқловчи хужжат ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги тўғрисидаги тасдиқномаси;

3) юридик шахс устави;

4) устав капиталидаги ўз улуши учун тўловни амалга оширишга маблағлари мавжудлигининг тасдири.

24. Юқори капитал ва кредит рейтинги кўрсаткичларига эга бўлган халқаро молия институтлари, чет эл банклари ҳамда бошқа кредит ташкилотлари томонидан банк ташкил этишда ёки банкнинг устав капиталида иштирок этишда ариза берувчи ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ аризани қўйидагиларни уч нусхада илова қилган ҳолда тақдим этади:

- 1) муассислар томонидан имзоланган таъсис шартномасини;
- 2) банкни ташкил этиш, устав капиталининг миқдори, банк уставини, ташкилий тузилмасини ва бизнес-режасини тасдиқлаш, банкнинг кузатув кенгашини ва бошқаруви раисини сайлаш тўғрисидаги қарорни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг баённомасини;
- 3) муассислар томонидан тасдиқланган ва банкнинг кузатув кенгashi раиси томонидан имзоланган банк уставини;
- 4) муассислар ваколатли органининг банкни ташкил этиш ёки банкнинг устав капиталида иштирок этиш тўғрисидаги қарорини;
- 5) банк устав капиталидаги улушлари миқдорини кўрсатган ҳолда муассислар рўйхатини;
- 6) муассисларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гуваҳномаси нусхасини ва тўлов реквизитларини;
- 7) капитал монандлигининг ва кредит рейтингининг мазкур Низомнинг 25-бандида келтирилган мезонлардан бирiga мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатни;
- 8) банкнинг кузатув кенгashi ва бошқаруви аъзоларининг мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур бўлган ахборотни;
- 9) банкнинг ташкилий тузилмасини;
- 10) банкнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низом лойиҳасини;
- 11) банкнинг кейинги уч йилга мўлжалланган бизнес-режасини. Унда банк фаолиятининг стратегиясини, йўналишларини, кўламини, молиявий истиқболларини ва мазкур Низомнинг З-иловасига мувофиқ бошқа маълумотларни ёритиш зарур.
- 12) кейинчалик банкнинг кузатув кенгashi томонидан тасдиқланиши лозим бўлган, банкнинг кредит, инвестиция ва эмиссия сиёсати лойиҳаларининг, шунингдек, таваккалчилкларни бошқариш ва ички назорат сиёсати лойиҳаларининг нусхаларини;
- 13) аризани кўриб чиққанлик учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжатни.

25. Мазкур Низом мақсадларида:

- 1) халқaro молия институтлари деганда Жаҳон банки гурухи (Халқaro тикланиш ва тараққиёт банки, Халқaro молия корпорацияси, Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик, Халқaro тараққиёт уюшмаси), Халқaro ҳисоб-китоблар банки, Халқaro валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Европа Кенгашининг тараққиёт банки, Европа марказий банки, Осиё тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестицияси банки, Ислом тараққиёт банки тушунилади;
- 2) юқори капитал ва кредит рейтинги кўрсаткичларига эга бўлган чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари деганда капитал монандлиги ва кредит рейтингининг куйидаги талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжати мавжуд бўлган шахслар тушунилади:

500 млн. евро эквивалентидан кам бўлмаган миқдордаги устав капиталининг мавжудлиги;

«Standard & Poor's», «Moody's Investors Service», «Fitch-IBCA» рейтинг агентликларининг мос равишда «A+», «A1», «A+» рейтинг баҳосидан кам бўлмаган узоқ муддатли кредит рейтингининг мавжудлиги.

4-§. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши

26. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 16-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиши Марказий банк:

банк капитали, шу жумладан, устав капитали миқдорини доимий кўпайтириб боришнинг режалаштирилганлиги, кўзда тутилаётган даромадлар ҳамда фонdlарни шакллантириш истиқболлари, шунингдек, муассисларнинг зарур ҳолларда қўшимча капитал кирита олиш қобилияти каби омиллар билан аниқланувчи ташкил этилаётган банк капиталининг етарлилик дарајасини;

Марказий банк билан чет эл банки бўлган муассиснинг банкни назорат қилиш органи ўртасида ахборот айирбошлаш тўғрисидаги келишув мавжудлигини;

норезидент жойлашган мамлакат ваколатли органларининг ахборотини ва фикрларини инобатга олади.

5-§. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия беришда тақдим этиладиган хужжатлар

28. Банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия олиш учун ариза берувчи банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатнома олинганидан кейин олти ойдан кечиктирмай Марказий банкка қўйидагиларни тақдим этиши керак:

банкни давлат рўйхатига олиш ва лицензия бериш тўғрисидаги ариза. Лицензия бериш тўғрисидаги аризада ариза берувчининг электрон почта манзилининг кўрсатилиши унинг қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарномани ахборот-коммуникация тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигидир;

банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари тўғрисида уларнинг мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқлигини баҳолашдан ўтказиш учун зарур бўлган уч нусхадаги ахборот;

ташкил этилаётган банк жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк бинолари, уларнинг муҳофаза қилиниши таъминланганилиги, ускуналар, ишларни ташкил этиш техника воситалари билан жи-

хозланганлигининг ва дастурий таъминотининг Марказий банкнинг мазкур Низомнинг 4-иловасида* белгиланган талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хуносаси;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан кам бўлмаган суммада банкнинг устав капитали шакллантирилганлигини тасдиқловчи хужжат, шунингдек, муассисларнинг рўйхати (уч нусхада);

мазкур Низомнинг 20 — 24-бандларига мувофиқ тақдим этилган хужжатларнинг электрон шаклдаги кўчирма нусхалари.

29. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия бериш учун тақдим этилган хужжатларнинг Марказий банк томонидан кўриб чиқилиши Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунинг 20-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-§. Лицензия дубликатини бериш ва лицензияни қайта расмийлаштириш

30. Лицензиянинг асл нусхаси йўқолган тақдирда, банк бир ҳафталик муддатда бу хақда Марказий банкка ёзма равишда хабардор қилиши ва уни қайта тиклаш учун қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

аввал берилган лицензиянинг йўқолганлиги сабаби кўрсатилган ҳамда лицензия дубликати берилишини сўраб, лицензияни сақлаш учун жавобгар бўлган мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар акс эттирилган ариза;

топилмалар бюроси томонидан лицензиянинг йўқотилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;

оммавий ахборот воситалари манбаларига йўқотилган лицензияни хақиқий эмас деб топиш тўғрисида берилган эълон нусхаси.

31. Марказий банк барча хужжатлар мазкур Низомнинг 30-бандига мувофиқ тақдим этилган тақдирда бир ой муддат ичida кўриб чиқади ва лицензияни йўқотган банкка унинг дубликатини беради.

Агар лицензия дубликати олингандан сўнг аввал йўқотилган лицензия топилса, банк 5 иш куни ичida лицензиянинг асл нусхасини бекор қилиш учун Марказий банкка топширади.

32. Лицензиянинг қайта расмийлаштирилиши Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

7-§. Банкни давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензияни ва унинг дубликатини бериш, шунингдек, лицензияни қайта расмийлаштириш учун тўлов

33. Банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғри-

* 4-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сидаги аризани кўриб чиқиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида йифум ундирилади.

34. Лицензия берилганлиги учун банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

35. Лицензия дубликатини бериш ва лицензияни қайта расмийлаштириш учун ушбу Низомнинг 33-бандида назарда тутилган йифум суммасининг ярми ундирилади.

36. Марказий банк томонидан банк ҳақидаги Банкларнинг давлат реестрида сақланувчи маълумотлар кўчирма кўринишида бепул тақдим этилади.

8-§. Ташкилий-техник тадбирларни молиялаштириш

37. Ташкилий-техник тадбирларни бажариш, банк биноларини тайёрлаш, уларнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш, ускуналар, ташкилий-техник воситалари билан жиҳозлаш ва дастурий таъминот билан таъминлаш бўйича харажатлар муассислар ҳисобидан қопланади. Бунинг учун муассислар томонидан банкни ташкил этиш бўйича харажатларнинг тахминий ҳисоб-китоби қилинади ҳамда бир ёки бир неча муассис томонидан харажатларни амалга ошириш тўғрисида ўзаро шартнома тузилади, ушбу хужжатлар банк рўйхатга олингунга қадар Марказий банкка тақдим этилади.

38. Банк давлат рўйхатига олинган ва унга лицензия берилгандан сўнг муассислар акциядорлар умуний йиғилишида банкни ташкил этиш бўйича харажатларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномага мувофиқ қилинган харажатлар хақида ҳисобот беради. Уларнинг харакати акциядорлар умуний йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирда, уларнинг қилган харажатлари банк томонидан шартномага мувофиқ қайтариб берилади.

II бўлим. Банк акцияларини сотиб олишга дастлабки рухсатномани олиш

1-боб. Банк акцияларини сотиб олишга дастлабки рухсатномани олиш тартиби

39. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан, норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;

йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;

эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

40. Биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 22-моддасида назарда тутилган шахслар ҳисобланади.

41. Банклар бошқа банкнинг акцияларини бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банклар бошқа банкнинг устав капиталидаги улушкини кўпайтириш учун Марказий банкнинг такрорий дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

42. Банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини сотиб олишда рухсат беришга доир мажбурий талаблар ва шартларга банкнинг барқарор молиявий ҳолати, шунингдек, сотиб олиш натижасида пруденциал нормативларга риоя этилиши киради. Ушбу банд талаблари банклар томонидан ўз акцияларини сотиб олиш ҳолатларига ҳам татбиқ этилади.

43. Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун Марказий банкка қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда мазкур Низомнинг 5-иловасига^{*} мувофиқ ариза тақдим этилади:

1) потенциал олувчи — жисмоний шахс томонидан:

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжатнинг нусхаси;

банк акцияларини олиш учун фойдаланиладиган маблағларнинг келиб чиқиш манбалари ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар;

мазкур Низомнинг 6-иловасида^{*} келтирилган шаклга мувофиқ маълумотлар;

монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги, агар акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конун хужжатларига мувофиқ банк акцияларини сотиб олишда бундай розилик талаб этилса;

2) потенциал олувчи — юридик шахс томонидан:

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва таъсис хужжатлари (устав ва таъсис шартномаси);

барча иштирокчилар (акциядорлар) тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ маълумотлар;

ушбу юридик шахсада ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган охирги бенефициар мулкдорлар тўғрисида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ маълумотлар;

потенциал олувчи тўғрисида мазкур Низомнинг 7-иловасига^{*} мувофиқ маълумотлар;

банкда ҳал қилувчи эгаликни олиш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарори;

аудиторлик хulosаси билан тасдиқланган охирги 3 йил учун йиллик молиявий ҳисоботлар, фаолият уч йилдан кам муддатга амалга оширилган тақдирда — амалда фаолият олиб борилган ҳисобот йиллари учун;

банк акцияларини олиш учун фойдаланиладиган маблағларнинг келиб чиқиш манбалари ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи хужжатлар;

мазкур Низомнинг 8-иловасида^{*} келтирилган шаклга мувофиқ анкета; кузатув кенгashi ва ижро этувчи орган аъзоларининг мазкур Низом-

* 5 — 8-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг 50-бандида белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотлар;

монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги, агар акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ банк акцияларини олишда бундай розилик талаб этилса;

3) потенциал олувчи — банк томонидан, агар банк сотиб олиш натижасида банклар гурухининг бир қисмига айланса:

мазкур банднинг 2-кичик бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар;

банклар гурухи тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;

банклар гурухи иштирокчилари тўғрисидаги ахборот, шу жумладан, гурухга кирувчи иштирокчиларнинг асосий фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

банклар гурухининг таваккалчиликларни бошқариш ва ички назорат бўйича сиёсати;

банклар гурухида назоратни амалга оширувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

гурух иштирокчиларининг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, ариза берувчининг охирги З молиявий йил учун аудитдан ўтказилган консолидациялашган ҳисоботи, шунингдек, очик бўлган охирги консолидациялашган баланс ҳисоботи ҳамда фойда ва заарлар тўғрисидаги консолидациялашган ҳисоботи (маълумот ариза топшириш санасига қадар 90 кундан кеч бўлмаган санага бўлиши лозим);

4) потенциал олувчи — чет эл банки томонидан:

мазкур банднинг 2-кичик бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар;

мазкур Низомнинг 22-банди 2 — 4-кичик бандларида кўрсатилган хужжатлар;

5) потенциал олувчи — юқори капитал ва кредит рейтинги кўрсаткичларига эга бўлган халқаро молия институти, чет эл банки ҳамда бошқа кредит ташкилоти томонидан:

мазкур банднинг 2-кичик банди иккинчи, учинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошиларида кўрсатилган хужжатлар;

капитал монандлиги ва кредит рейтингининг мазкур Низомнинг 25-банди 2-кичик бандида кўрсатилган мезонлардан бирига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжат;

6) потенциал олувчи — халқаро молия институти, чет эл банки ва бошқа кредит ташкилоти бўлмаган норезидент томонидан:

мазкур банднинг 2-кичик бандида кўрсатилган хужжатлар ва маълумотлар;

мазкур Низомнинг 23-банди 2-кичик бандида кўрсатилган хужжат.

44. Ҳал қилувчи эгаликка билвосита эгалик қилувчи, шу жумладан, охирги бенефициар мулкдор томонидан мазкур Низомнинг 43-бандида назарда тутилган хужжатлар тақдим этилади, бундан 1-кичик банднинг учинчи

хатбошисида ва 2-кичик бандининг саккизинчи хатбошисида кўрсатилган ҳужжатлар мустасно.

45. Шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда, хусусан, ҳуқукий ворислик, мерос, хадя тартибида ёки банк устав капиталининг камайтирилиши натижасида мазкур Низомнинг 39-бандида кўрсатилган ҳажмдаги банк акцияларига эгалик қилишга Марказий банкнинг рухсатномасини олиши учун мазкур Низомнинг 43-бандида кўрсатилган ҳужжатларни банк акцияларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олган кунидан эътиборан 60 кун ичидан тақдим этади.

46. Ҳал қилувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи, шу жумладан, охириги бенефициар мулкдор қўйидаги ҳолларда Марказий банкни ва банкни 10 кунлик муддатда ушбу Низомнинг 9-иловасига* мувофик ёзма шаклда, шу жумладан, электрон шаклда хабардор қилиши шарт:

банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома олинган битим амалга оширилганда;

дастлабки рухсатнома олинган, ушбу Низомнинг 39-бандида белгилangan акциялар улуши кўпайганда;

банк устав капиталидаги ҳал қилувчи эгаликни бошқа шахсга бериш ёки камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш натижасида ҳал қилувчи эгалик тегишлича эллик фоиздан, йигирма фоиздан ёки беш фоиздан кам бўлиб қолганда;

ушбу Низомнинг 39-бандида белгилangan ҳажмдаги банк акциялари шахс томонидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинганда.

47. Потенциал олувчини баҳолашни якунлаш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилиш ва тақдим этиш, банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш ёки шахс томонидан ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда банк акцияларини олишга Марказий банкнинг рухсатномасини олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни Марказий банк томонидан кўриб чиқиш, ҳал қилувчи эгалик сотиб олинганлиги, ўзгартирилганлиги ёки бошқаларга берилганлиги тўғрисида хабарнома бериш, шунингдек, Марказий банкни хабардор килиш Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни билан ўрнатилган тартибида амалга оширилади.

48. Банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома қўйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ариза берувчининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бекор қилиш тўғрисидаги мурожаатига кўра;

банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

2-боб. Потенциал олувчини баҳолаш

49. Потенциал олувчининг сифатини баҳолаш банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

* 9-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг тузилиши ва мураккаблигига, шунингдек, баҳолаш жараёнига татбиқ этиладиган мутаносиблик тамойилига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

50. Марказий банк потенциал олувчининг сифатини қўйидаги мезонларни биргаликда қўриб чиқиш йўли билан:

потенциал олувчининг ишчанлик обрўсини;

мўлжалланган олиш амалга оширилганидан кейин тайинланиши назарда тутилаётган банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ишчанлик обрўси, билими, малакаси ва тажрибасини;

потенциал олувчининг молиявий салоҳиятини, хусусан, акцияларини олиш мўлжалланилаётган банк фаолиятининг кўлами ва ихтисослашуви жихатидан салоҳиятини;

мўлжалланган сотиб олиш амалга оширилганидан кейин банкнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган пруденциал талабларни бажара олиш имкониятини;

мўлжалланган сотиб олиш борасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга доир амалга оширилган ёки амалга оширилаётган уринишлар мавжудлиги ҳақидаги шубхалар, шунингдек, мўлжалланган олиш амалга оширилганидан кейин шундай таваккалчиликнинг ортиши тўғрисидаги тахмин мавжуд эмаслигини;

потенциал олувчи фаолиятининг банк фаолияти билан уйғунлашуви эҳтимолини ва бунинг банк фаолиятининг ривожланишига таъсирини;

потенциал олувчи корпоратив бошқаруви ташкилий тузилмасининг ва унга алоқадор бўлган шахсларнинг банкни тартибга солишга ҳамда унинг устидан назорат қилишга доир таъсирини баҳолайди.

51. Марказий банк потенциал олувчини баҳолашни амалга оширишда бошқа ваколатли органлар ёки чет давлатларнинг тегишли органлари билан маслаҳатлашишга ҳақли.

52. Потенциал олувчининг ишчанлик обрўси мезонига мувофиқлигини баҳолашда қўйидагилар ҳисобга олинади:

1) потенциал олувчининг ахлокий фазилатлари ва виждонлилиги (мутаносиблик тамойилини қўлламаган ҳолда):

потенциал олувчига нисбатан иқтисодиёт соҳасидаги, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганликнинг мавжуд эмаслиги;

потенциал олувчи юридик шахсни банкротлик ҳолатига ёки танг молиявий ахволга олиб келган ҳаракатлар учун жавобгар бўлганлиги тўғрисидаги далилларнинг йўқлиги;

потенциал олувчини молия соҳасида профессионал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги суд қарорининг мавжуд эмаслиги;

ваколатли назорат органи томонидан потенциал олувчига нисбатан

юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) эгалик қилишни чеклайдиган санкцияларнинг ўтмишда қўлланилганлиги;

Марказий банкка ҳаққоний бўлган маълумотларни тақдим этганлиги; потенциал оловчи баҳолашдан ўтмасликка уринганлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд эмаслиги;

2) касбий лаёқати (мутаносиблик тамойилини қўллаган ҳолда): потенциал оловчи томонидан юридик шахсларнинг улушларини (акцияларини) эҳтиёткорлик билан бошқариш амалга оширилганлиги;

молия бозорида фаолият юритувчи юридик шахсларнинг назоратни амалга оширувчи иштирокчиси (акциядори) ва (ёки) раҳбари сифатида тўплланган эҳтиёткорлик билан бошқариш тажрибаси.

53. Агар потенциал оловчи юридик шахс бўлса, ишchanлик обрўси мезонига мувофиқлигини баҳолаш юридик шахснинг ўзини, шунингдек, унинг иштирокчилари (акциядорлари) ва бошқарув органлари аъзоларини қамраб олади.

54. Марказий банк потенциал оловчининг ахлоқий фазилатлари ва виждонлилигини баҳолашда унга алоқадор шахсларнинг, хусусан, потенциал оловчи билан амалий иш ёки қариндошлик муносабатларига эга бўлган ёки бундай муносабатларга эга бўлганлиги тахмин қилинган шахсларнинг ахлоқий фазилатлари ва виждонлилиги тўғрисидаги маълумотларни кўриб чиқиши мумкин.

55. Марказий банк банк устидан назоратни амалга оширадиган потенциал оловчи томонидан ушбу Низомнинг III бўлимiga мувофиқ тақдим этилган хужжатлар асосида мўлжалланган олишдан кейин тайинланиши кўзда тутилган банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ишchanлик обрўси, билим, кўнишка ва тажрибаларини дастлабки баҳолашдан ўтказади.

56. Потенциал оловчи томонидан мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқ келмайдиган банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларининг тайинлаш учун тақдим этилиши банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

57. Мўлжалланган олиш амалга оширилганидан сўнг тайинланадиган банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларини, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларини келишиб олиш тўғрисидаги якуний қарор, уларни мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқ деб топиш ёки топмаслик асосида, Марказий банк томонидан банкнинг ваколатли органи уларни тасдиқлаганидан ва мазкур бўлимда белгилangan хужжатлар тўпلامини тақдим этганидан кейин қабул қилинади.

58. Потенциал оловчининг молиявий салоҳият мезонига мувофиқлигини баҳолаш мазкур Низомнинг 6 ёки 8-иловаларига мувофиқ тақдим этилган хужжатлар асосида, унинг банк акцияларини сотиб олишни молиялаштириш, банкнинг барқарор молиявий холатини сақлаб туриш, шунингдек, яқин уч йил мобайнида банкни самарали ва оқилона бошқариш имкониятини хисобга олган ҳолда амалга оширилади.

59. Потенциал олувчининг молиявий салоҳиятини баҳолашда унинг банк акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун хужжатлар тақдим этгунига қадар иқтисодий, молиявий ва бошқа турдаги фаолиятларда фаоллиги ва самарадорлиги хисобга олинади.

60. Марказий банк потенциал олувчи ва банк ўртасидаги молиявий муносабатларни, шунингдек, бу муносабатларнинг банкнинг барқарор молиявий ҳолатини бекарорлаштириши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқаришга қўриб чиқади.

61. Агар потенциал олувчи пруденциал талаблари Марказий банк томонидан миллий талабларга эквивалент деб топилган чет давлатнинг банк назорати органи томонидан тартибга солинадиган ва назорат қилинадиган норезидент юридик шахс бўлса, Марказий банк чет давлатнинг банк назорати органи томонидан потенциал олувчининг молиявий салоҳиятига берилган баҳосини, агар ушбу орган томонидан Марказий банкка юборилган хужжатлар мавжуд бўлганда, эътиборга олишга ҳақли.

62. Марказий банкда мўлжалланган олиш амалга оширилгунга қадар потенциал олувчининг молиявий салоҳияти келгусида ёмонлашувига олиб келишини тасдиқладиган маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ушбу маълумотлар банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатнома беришни рад этиш учун асос бўлиши мумкин.

63. Потенциал олувчининг сифатини баҳолаш банк устидан назоратни амалга оширадиган потенциал олувчи томонидан банк акциялари олинганидан кейин банкнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган пруденциал талабларни бажара олиш имкониятини қўриб чиқади.

64. Мўлжалланган олиш банкнинг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган пруденциал талабларга мувофиқлигига салбий таъсир қўрсатмаслиги керак.

65. Банк томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган пруденциал талабларни бажара олиш имкониятларини баҳолаш нафакат мўлжалланган олишни амалга оширгунга қадар, балки доимий тарзда ўтказилади. Шу мақсадда потенциал олувчи Марказий банкка яқин З йил учун бизнес-режасини тақдим этади.

66. Мўлжалланган олиш орқали жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тероризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин куролининг тарқатилишини молиялаштиришга уринишларни амалга оширганлиги ёки амалга ошираётганлиги ҳақида шубҳаларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги мезонга потенциал олувчининг мувофиқлигини, шунингдек, мўлжалланган олиш амалга оширилганидан кейин бундай таваккалчиликнинг ортиши ҳақидаги таҳминларни баҳолаш мўлжалланган олишнинг мидоридан қатъи назар ахлоқий фазилатлар ва виждонлиликни баҳолаш билан уйғунликда амалга оширилади.

67. Мўлжалланган олиш учун ишлатиладиган маблағлар қонуний маблағлардан ташкил топиши, молиялаштириш механизми эса, шаффоф бўлиши лозим. Ушбу мақсадлар учун потенциал олувчи Марказий банкка қўйидагиларни тақсикловчи маълумотларни тақдим этади:

маблағларнинг келиб чиқиш манбалари;
ушбу маблағларнинг ҳаракати схемаси;
имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охирги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказиши чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ёки худуднинг ваколатли органлари назорати остидаги молиявий ташкилотлар орқали ушбу маблағларнинг ҳаракатланмаганлиги.

68. Агар потенциал олувчи мамлакат ичидаги ёки чет элда ваколатли органлар томонидан қўйидагилар сифатида гумон қилинган ёки танилган бўлса, Марказий банк банк акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани беришни рад этади:

мўлжалланган олишга уларнинг алоқасидан қатъи назар, жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш операцияларида ёки шунга ўхшаш уринишларда иштирок этган шахс;

террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахс;

ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошларида кўрсатилган шахслар билан алоқадор бўлган шахс.

69. Мўлжалланган олишни амалга ошириш натижасида банкда бошқа шахслар билан юзага келадиган яқин алоқалар, банк билан яқин алоқада бўлган бир ёки бир нечта шахснинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ёки норматив ҳужжатлар, бошқа давлатнинг ваколатли органлари томонидан ушбу шахсларга тақиқ ва чекловлар қўлланилиши Марказий банкнинг назорат функцияларини амалга оширишга тўсқинлик қиласлиги кепрак.

70. Марказий банк потенциал олувчига дастлабки рухсатномани қўйидаги холларда беради:

потенциал олувчи ушбу Низомнинг 50-бандида кўрсатилган мезонларга тўлиқ мос келса;

потенциал олувчи мўлжалланган олишнинг охирги бенефициар мулкдори эмаслиги хусусида шубҳа мавжуд бўлмаса;

акциядорлар бўлган юридик шахсларнинг ҳаддан ташқари (потенциал олувчидан охирги бенефициар мулкдоргача учта поғонадан кўп) даражаларга табақалаштирилиши мавжуд бўлмаса;

хужжатлар тўлиқ ҳажмда топширилган бўлса;

потенциал олувчи тақдим этган ҳужжатларда ва ахборотда нотўғри ёки бузуб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлмаса.

71. Акциядор бўлган юридик шахсларнинг даражаларга табақалаштирилишини баҳолашда қўйидагилар инобатга олинади:

табақалаштирилиш занжирида иштирок этувчи шахсларнинг шаффоғлиги ва уларнинг Марказий банк билан ҳамкорлик қилиши;

табақалаштирилиш занжирида иштирок этувчи барча шахслар тўғрисида банк назорати органлари ва бошқа ваколатли органлар билан самарали маълумот алмашинуви имконияти;

табақалаштирилиш занжирида иштирок этувчи шахсларнинг келиб чиқиш мамлакатидаги банк назорати органи ёки бошқа ваколатли органнинг ушбу шахсларга Ўзбекистон Республикасида банк акцияларини олишга рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиқномаси, агар буни ушбу мамлакатлар қонун хужжатлари талаб этса.

72. Ҳал қилувчи өгаликка бевосита ёки билвосита өгалик қилувчи, шу жумладан, охирги бенефициар мулкдор банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига номувофик бўлган ҳолларда Марказий банк уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 25-моддасида назарда тутилган чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли.

73. Ушбу бобнинг талаблари ариза берувчи томонидан банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани бериш учун хужжатлар тақдим этилган пайтда муассисларни баҳолашга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

3-боб. Банк томонидан ўз акцияларини сотиб олиш учун марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини бериш тартиби

74. Банк ўз акцияларини сотиб олиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт. Банк томонидан сотиб олинадиган ўз акцияларининг суммаси банк устав капиталининг 10 фоизидан ошиши мумкин эмас.

75. Банк томонидан ўз акцияларини сотиб олишга доир Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиш учун ариза берувчи Марказий банкка:

банкнинг кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланган, ушбу Низомнинг 10-иловасига* мувофик шаклдаги банк томонидан ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги аризани;

ўз акцияларини сотиб олиш сабабларини кўрсатган ҳолда банк акциядорлари умумий йиғилишининг қарорини тақдим этади.

76. Банк ўз акцияларини сотиб олишга доир дастлабки рухсатномани олгандан сўнг уставига ўзгартириш киритади.

III бўлим. Банкларнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзоларини, шунингдек, муҳим аҳамиятга эга ходимларини баҳолаш шартлари ва келишиб олиш тартиби

1-боб. Умумий қоидалар

77. Қўйидаги раҳбар ходимлар лавозимига киришишидан олдин Марказий банк билан келишиб олиниши лозим:

- 1) банк кузатув кенгаши аъзолари, шу жумладан, раиси;

* 10-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2) банк бошқаруви аъзолари, шу жумладан, раиси ва унинг ўринбосарлари;

3) банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари, агар улар бир пайтнинг ўзида банк бошқаруви аъзолари бўлмаса:

банкнинг бош бухгалтери;

ички аудит таркиби бўлинмаси раҳбари;

таваккалчиликларни бошқаришга масъул таркиби бўлинма раҳбари;

ички назорат хизмати раҳбари;

банк активлари ва пассивларини (ғазначиликни) бошқаришга масъул бўлган таркиби тузилма раҳбари;

жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризми ва оммавий кирғин қуроллари тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашишга масъул таркиби бўлинма раҳбари;

4) банкнинг вактинчалик бошқарувчиси;

5) банкнинг тугатиш комиссияси аъзолари, шу жумладан, раиси.

Ўз лавозим мажбуриятларидан келиб чиқиб, мазкур банднинг 1 — 5-кичик бандларида келтирилган шахсларга тенглаштирилган ёки мазкур банднинг 3-кичик бандида кўрсатилган таркиби бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи шахслар ҳам Марказий банк билан келишиб олиниши лозим. Бунда ушбу шахсларга нисбатан вазифалари мазкур шахсларнинг вазифаларига тенглаштирилган раҳбарлар учун ёки фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи таркиби бўлинма раҳбарлари учун мазкур низом билан белгиланган талаблар кўлланилади.

78. Банк раҳбарликка номзодни (бундан бўён матнда номзод деб юритилади) мазкур Низом талабларига мувофиқлигини дастлабки баҳолаш учун жавобгардир. Бунда банк номзоднинг ишчанлик обрёси, тажрибаси, билим ва қўнималари, мустақил мулоҳаза юритиши, вақтининг етарлилиги ва жамоавий яроқлилигини мазкур Низом ва банкнинг ички талабларига мувофиқлигини, шунингдек, номзод томонидан баҳолаш учун тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текширади.

79. Мазкур Низомнинг 78-бандида назарда тутилган баҳолаш, банк томонидан номзодни сайдаш ёки тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинишидан олдин амалга оширилади.

80. Мазкур Низомнинг 78-бандига асосан банк томонидан ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра номзод мазкур Низом талабларига жавоб бермаслигини кўрсатган тақдирда, у раҳбар сифатида сайдланмаслиги ёки тайинланмаслиги лозим.

81. Банк доимий равища раҳбар ходимларнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлигини қайта баҳолаб бориши лозим.

82. Агарда банк томонидан мазкур Низомнинг 81-бандига мувофиқ амалга оширилган қайта баҳолаш натижалари раҳбар мазкур Низом талабларига эндиликда мувофиқ эмаслигини кўрсатган тақдирда, банк номувофиқлик аниқланган кундан эътиборан 3 иш куни ичida Марказий банкни бу ҳақда ёзма хабардор қиласи ва юзага келган ҳолатни яхшилаш учун энг камида кўйидагиларни ўз ичига олган чораларни кўради:

тeng даражадаги раҳбарлар ўртасида мажбуриятларни қайта тақсимлаш;

раҳбарни касбий тайёрлаш;
манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш;
раҳбарни алмаштириш.

83. Номзодни ва (ёки) раҳбарни баҳолаш ва келишиб олиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

банкни ташкил этишга доир дастлабки рухсатномани олиш ва банкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза бериш доирасида;

раҳбарни лавозимига киришишдан олдин, бундан мазкур Низомнинг 84-бандида кўрсатилган ҳолатлар мустасно;

раҳбарнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлилигига таъсир кўрсатувчи янги ҳолатлар вужудга келганда.

84. Раҳбарнинг мазкур Низом талабларига мувофиқлилигига таъсир кўрсатувчи янги ҳолатлар мавжуд бўлмаганда, қўйидагиларни қайта келишиб олиш талаб этилмайди:

шу банкнинг ўзида янги муддатга сайлананаётган кузатув кенгаши аъзосини;

келишиб олинган кунидан бошлаб 12 ой мобайнода шу банкда ўша талаблар кўйилган бошқа лавозимга сайланган ёки тайинланган раҳбарни;

шу банкнинг ўзида, ўша талаблар ёки камроқ талаблар кўйилган қўйироқ даражадаги бошқа лавозимга тайинланган раҳбарни.

85. Раҳбар лавозимга факатгина банк унинг номзодини Марказий банк билан келишиб олгандан сўнггина киришиши мумкин.

Агар мухим аҳамиятга эга ходимларни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиб олишнинг имкони бўлмаса, банк унинг лавозимга тайинланган кундан бошлаб 30 иш куни ичida Марказий банкка кейинги келишиб олиш тартибидан ўтиш учун ариза юбориши зарур.

86. Банк бошқаруви раиси, унинг ўринбосарлари ва бошқарув аъзоларининг вазифаларини улар йўқлигига вактинча бажариш келишиб олиш тартибидан ўтган раис ўринбосарлари ёки бошқарув аъзолари зиммаларига юкланди.

87. Номзод банкни самарали ва тадбирли бошқариши учун мазкур Низом талаблари билан белгиланган ишчанлик обрўси, тажриба, билим ва қўникмалар, мустақил мулоҳаза юритиш, вактининг етарлилиги мезонларига мувофиқ бўлиши лозим.

Банкнинг кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари мазкур бандда келирилган мезонларга кўшимча равишда, жамоавий яроқлилик мезонига ҳам мос бўлишлари лозим.

88. Марказий банк номзодни алоҳида баҳолашни амалга оширади ва уни мазкур Низом талабларига мувофиқлигини, жумладан, асослантирилган мулоҳазадан фойдаланган холда аниқлайди.

2-боб. Номзодни баҳолаш мезонлари

1-§. Ишчанлик обрўси

89. Номзод эгаллаган лавозимидан, шунингдек, банкнинг тизимли ахамиятга моликлиги, хусусияти, кўлами, фаолияти муракаблилигидан катъи назар, бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиши лозим.

90. Номзоднинг ишчанлик обрўсини баҳолашда қўйидагилар эътиборга олинади:

расмий маълумотларда номзоднинг профессионаллигини, виждонлилигини, тартиблилигини ва бошқа сифатларини тасдиқловчи, номзод қонун хужжатлари асосида иш юритиши ва банкни хатарга ва унга нисбатан ишончнинг йўқотилишига олиб келувчи харакатларни қилмайди, деб хисоблашга асос бўлувчи бенуқсон ишчанлик обрўсининг мавжудлиги;

номзодда иқтисодиёт соҳасида, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ёхуд жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, тероризмни ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганинг мавжуд эмаслиги;

номзод юридик шахснинг лицензияси чақириб олиниши ва (ёки) унда вақтингчалик бошқарув режими жорий қилинишига, шунингдек, ўзи масъул бўлган фаолият йўналишларида молиявий ва (ёки) маъмурий муаммолари юзага келишига олиб келган харакатлар учун масъул эканлигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

Марказий банк талабига кўра номзоднинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ёки уни эгаллаб турган лавозимидан четлатиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

номзоднинг Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатлар молиявий секторни назорат қилувчи органлари билан очиқ ва шаффоф бўлмаганлиги, ёлғон маълумот тақдим этганлиги, ҳамкорлик қилишдан бош тортганлиги ҳолатларини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

Марказий банкнинг ёки чет давлат ваколатли органининг номзоднинг раҳбар лавозимига келишилишига (тайинланиши, тасдиқланиши) унинг ишчанлик обрўси номувофиқлиги сабабли рад этганлигининг мавжуд эмаслиги;

Марказий банк ёки чет давлат ваколатли органи томонидан номзоднинг раҳбарлик лавозимига келишилганлиги (тайинланганлиги, тасдиқланланлиги) чақириб олинганлиги ҳолати мавжуд эмаслиги;

Марказий банк ёки чет давлат ваколатли органи томонидан лавозимига киришишидан олдин келишиб олиниши (тайинланиши, тасдиқланиши) талаб қилинадиган номзоднинг раҳбар лавозимига, олдиндан келишиб олинмасдан (тайинланмасдан, тасдиқланмасдан) киришганлиги ҳолатининг мавжуд эмаслиги;

номзод ушбу юридик шахсда ёки унинг алоҳида бўлинмаларида раҳбар сифатида, шахсий ёки гурух манфаатларини кўзлаб, мазкур юридик шахс ёки унинг алоҳида бўлинмасига зарар келтирадиган қарорлар қабул қилганини ёки қарор қабул қилишда иштирок этганини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмаслиги;

номзодга нисбатан олиб борилаётган суриштирув, дастлабки тергов, суд жараёнининг мавжуд эмаслиги;

номзод харакатлари ёки харакатсизлиги оқибатида ўзи ҳозирда ёки олдин ижро органи, кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёки ҳал қилувчи эгаси (акционери) бўлган ёхуд бошқа усулда назорат қилган ёки қилаётган юридик шахсни банкротлик ва мажбурий ликвидация шароитига олиб келганигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

номзод раҳбар бўлиб ишлаётган (ишлаган) юридик шахс ёки унинг алоҳида бўлинмасининг ташки ёхуд бошқа объектив омиллар билан асосланмаган салбий молиявий кўрсаткичларга эгалигини (эга бўлганлигини) тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эмаслиги;

номзод ҳозирда ёки олдин ижро органи, кузатув кенгаши аъзоси бўлган ёки ҳал қилувчи эгаси (акционери) бўлган ёхуд бошқа усулда назорат қилган ёки қилаётган юридик шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлат молиявий сектор назорат органи томонидан қўпол ва жиддий қоидабузарликлар учун қўлланилган чора ва санкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

ички ва ташки аудитнинг номзодга нисбатан мазкур Низомнинг 77-бандида келтирилган, аввалги раҳбарлик лавозимларида номувофиқ фаолият юритганлиги тўғрисида хужжатларининг мавжуд эмаслиги;

номзодга нисбатан қўлланилган интизомий чоралар ёки индивидуал чора ва санкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

номзод келишилган тақдирда банкнинг имиджи ва обрўсига салбий таъсири мумкин бўлган бошқа омилларнинг мавжуд эмаслиги.

2-§. Малака, билим ва қўникмалари

91. Номзоднинг малака, билим ва қўникмалари банкнинг тизимли аҳамиятга моликлиги, хусусияти, кўлами ва фаолияти мураккаблиги ҳамда унинг зиммасига юкланадиган мажбуриятларини инобатга олган холда баҳоланади.

92. Марказий банк номзоднинг малака, билим ва қўникмаларига нисбатан ўрнатилган мезонларга мувофиқлигини баҳолашда қўйидагиларни эътиборга олади:

банкнинг сўнгги ҳисобот давридаги бизнес-режаси, жами активлари ҳажми, мижозларнинг депозитлари ва (ёки) банкнинг жами айланмалари;

банкнинг банклар гурухига тегишли бўлиши;

банкнинг географик жойлашуви, филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалари тармоғи;

банк фаолиятини сўнгги уч йил ичida Марказий банк томонидан ўтказилган текшириш ва баҳолаш натижалари;

банкнинг молиявий воситалари, шартномалари ва маҳсулотларининг хусусияти ва мураккаблиги.

93. Номзод билим ва кўнилмаларга нисбатан ўрнатилган мезонларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун банкнинг тизимли аҳамиятга моликлигига, хусусиятига, масштабига ва мураккаблигига, шунингдек, унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларга мувофиқ келувчи билимга эгалигини намоён этиши ва камида қўйидаги олий маълумотга эга бўлиши лозим:

кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек, унинг раиси учун — молия-иктисод ёки юридик, шунингдек, банкнинг асосий йўналиши ва хусусиятидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ва бошқа мутахассисликлар;

банк бошқаруви аъзолари, шунингдек, унинг раиси ва ўринбосарлари учун — молия-иктисод ёки юридик ёки ахборот технологиялари йўналиши, бунда бошқарув аъзоларининг кўпчилиги молия-иктисод йўналиши бўйича олий маълумотга эга бўлиши лозим;

муҳим аҳамиятга эга ходимлари, банкнинг тугатиш комиссияси аъзоси ёки вақтинчалик бошқарувчиси учун — молия-иктисод йўналиши ҳамда банкнинг асосий йўналиши ва хусусиятидан келиб чиқиб бошқа мутахассисликлар.

94. Малакага нисбатан ўрнатилган мезонларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун, номзод сўнгти 10 йилда банкнинг тизимли аҳамиятга моликлиги, хусусияти, кўлами ва мураккаблиги, шунингдек, унинг зиммасига юклатилган мажбуриятларга мувофиқ келувчи тажрибага эга бўлиши лозим. Бунда номзоднинг аввалги иш жойидаги мажбурияти ва унинг давомийлиги, уни иш билан таъминлаган ташкилотнинг кўлами, кўл остидаги ходимлари, амалга оширилган фаолиятнинг хусусияти ва мураккаблиги қўйида-гича хисобланади:

банк кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек, унинг раиси учун — камида 5 йил иш тажрибасига, шу жумладан, камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида ва (ёки) ҳуқук, ахборот технологиялари ва молия-иктисод фанлари бўйича академик тажрибага эга бўлиши;

банк бошқаруви раиси учун — банк ва (ёки) молия тизимида камида 10 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, камида 5 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

банк бошқаруви аъзолари учун — банк ва (ёки) молия тизимида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари учун, бош бухгалтер бундан мустасно — банк ва (ёки) молия тизимида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, номзод тавсия этилаётган ташкилий тузилмада камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

бош бухгалтер учун — бухгалтерия хисоби ва (ёки) молиявий ҳисоботи тузиш соҳасида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, банкнинг бухгалтерия хисоби ва (ёки) молиявий ҳисботини тузиш учун масъул бўлган ташкилий тузилмаси раҳбарлик ёки унинг ўринбосари лавозимида камида 3 йиллик иш тажрибасига ва (ёки) кредит ташкилотларини ауди-

торлик текширувидан ўтказувчи ташкилотларда аудитор сифатидаги иш тажрибасига эга бўлиши;

банкнинг тугатиш комиссияси аъзоси ёки вақтинчалик бошқарувчиси учун — банк ва (ёки) молия тизимида камида 10 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, камида 5 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши.

Малакага нисбатан ўрнатилган талаб мақсадларида раҳбарлик лавозими деганда, ўзига юклатилган мажбуриятларга асосан, бир вақтнинг ўзида белгиланган миқдордаги ходимларини ва жараёнини бошқариш учун масъул шахснинг фаолияти тушунилади.

Бунда, хавфсизликни таъминлаш ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш ишлари иш тажрибаси сифатида инобатга олинмайди.

95. Банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига тавсия этилаётган номзодлар банк фаолиятини ва банк дучор бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни яхши тушунишини намоён этиши лозим. Бунда номзоднинг бошқа банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари билан жамоавий масъул бўлган соҳалар бўйича билимлари инобатга олинади, бундан якка тартибда масъул бўлган соҳалари мустасно.

3-§. Мулоҳазанинг мустақиллиги

96. Банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари ўз мажбуриятларини амалга оширишда асосланган, объектив ва мустақил қарорлар қабул қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

97. Номзод мулоҳазаларининг мустақиллигини баҳолашда кўйидаги хақиқий ёки потенциал манфаатлар тўқнашувининг мавжудлигига ва унинг даражасига эътибор қаратилади:

а) шахсий манфаатлар тўқнашуви. Номзод кузатув кенгаши ёки бошқаруви аъзолари, муҳим аҳамиятга эга ходимлар ёки ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядорнинг яқин қариндоши ёки улар билан яқин алоқаларга эга бўлса;

б) қасбий манфаатлар тўқнашуви. Номзод ёки унинг яқин қариндошлари охирги 2 йил давомида мазкур низомнинг 77-банди 1 — 4-кичик бандларида кўрсатилган раҳбарлик лавозимларини рақобатчи банкларда ёки банк ёки унинг исталган рақобатчиси билан сезиларли тижорат алоқалари мавжуд бўлган ташкилотларда тенглаштирилган лавозимларни эгаллаган ёки эгаллаб турган бўлса;

в) молиявий манфаатлар тўқнашуви. Номзод ёки унга алокадор шахслар ҳозирда қўйидагилар билан муҳим молиявий манфаатларга ёки мажбуриятларга эга бўлса:

банк;

ҳал қилувчи эгаликка эга бўлган акциядор;

банк устунлик қиладиган улушларга эга бўлган ташкилотлар;

банкнинг ҳар қандай рақобатчилари;

банкнинг ҳар қандай мижозлари;

г) сиёсий манфаатлар тўқнашуви. Номзод ёки унга алоқадор шахслар охирги икки йилда юқори сиёсий лавозимни эгаллаган ёки эгаллаб турган бўлса.

4-§. Вақтнинг етарлилиги

98. Номзод ўз мажбуриятларини бажариши, шу жумладан, банк фаолиятини, унинг асосий таваккалчиликларини ва уларни бошқариш стратегияларини ҳамда бизнес стратегияларини тушуниши учун етарли микдордаги вақтга эга бўлиши лозим.

99. Номзоднинг вақти етарлилигини баҳолашда қўйидагилар эътиборга олинади:

номзод кузатув кенгаши ёки ижро этувчи органи аъзоси, вақтингчалик бошқарувчи ёки тугатиш комиссияси аъзоси ҳисобланган ташкилотлари сони;

номзод кузатув кенгаши ёки ижро этувчи органи аъзоси, вақтингчалик бошқарувчи ёки тугатиш комиссияси аъзоси ҳисобланган ташкилотларнинг хажми, хусусияти, масштаби, фаолиятининг мураккаблиги ва географик жойлашуви;

номзод кузатув кенгаши аъзоси сифатида сайланган ташкилотларда ўтказиладиган кузатув кенгаши йиғилишлари ва акциядорлар умумий йиғилишларининг сони;

нотижорат ёки бир гурухга мансуб бўлган ташкилотларнинг кузатув кенгашлари таркибидаги аъзолиги;

номзоднинг Ўзбекистон Республикаси худудида ёки унинг ташқарисидаги бошқа касбий ёки сиёсий мажбуриятлари;

номзоднинг мажбурий тусдаги касбни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслардаги иштироки.

100. Номзод бир вақтнинг ўзида молиявий ёки номолиявий ташкилотларнинг мазкур Низомнинг 77-бандида кўрсатилган ёки уларга тенглаштирилган раҳбарлик лавозимларининг бир нечтасини эгаллаши, ҳар бир ташкилотнинг хажми, хусусияти, масштаби ва фаолиятининг мураккаблиги ҳамда сиёсий ёки касбий мажбуриятларнинг мураккаблиги ва хусусиятидан келиб чиқиб сиёсий ёки касбий мажбуриятларини бажариши мумкин. Агар номзод мазкур Низомнинг 77-банди 2 — 5-кичик бандларида келтирилган ёки унга тенглаштирилган молиявий ёки номолиявий ташкилотларда раҳбарлик лавозимларидан бирини эгаллаб турган ёки бошқа касбий ёки сиёсий мажбуриятларни бажараётган бўлса, бунда номзод бир вақтнинг ўзида тўртдан ортиқ ташкилотларнинг кузатув кенгаши аъзоси ёки иккidan ортиқ ташкилотларнинг ижро этувчи органи бўлиши мумкин эмас.

101. Номзод бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас, бундан мазкур банклар бир банк гурухига тегишли бўлган ҳоллар мустасно.

5-§. Жамоавий яроқлилик

102. Банкнинг кузатув кенгаши ёки бошқаруви аъзосининг ишчанлик обрўси, тажриба, билим ва кўникмалари, муроҳазаларнинг мустақиллиги ва индивидуал даражадаги вактининг етарлилигини баҳолаш билан бир пайтда унинг жамоавий яроқлилиги ҳам баҳоланади.

103. Жамоавий яроқлиликни баҳолаш банк Кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари учун алоҳида, мазкур параграфда белгиланган тартибда амалга оширилади.

104. Банк кузатуви кенгаши ва бошқаруви аъзоларининг тажриба, билим ва кўникмалари банкни самарали ва тадбирли бошқариш учун қўйидагиларни жамоавий равишда камраб олиши лозим:

банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва уларга боғлиқ бўлган таваккалчиликларни;

молиявий бозорларни, жумладан, пул бозори ва қимматли қоғозларни; бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини;

банк асосий таваккалчилик турларини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва юмшатишни ўз ичига олувчи таваккалчиликларни бошқаришни;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин куролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашишни;

ички аудитни;

ахборот технологиялари ва хавфсизликни;

Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукуқий хужжатларини;

стратегик режалаштириш қобилиятини, шунингдек, банкнинг бизнес-режаси ва бизнес-стратегиясини тушуниш ва уларни амалга оширишни;

бошқарувчилик тажрибаси ва кўникмаларини.

105. Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно. Агар кузатув кенгаши аъзолигига тавсия этилган номзод охирги 2 йил давомида Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунининг 24-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган шахслардан бири бўлган бўлса, мазкур шахс ушбу талабга мувофиқ эмас деб ҳисобланади.

106. Банк кузатув кенгашининг камида бир нафар ва бошқарувининг камида икки нафар аъзоси давлат тилини билишлари лозим.

3-боб. Номзодни келишиб олиш учун тақдим этиладиган хужжатлар

107. Банк номзодни келишиб олиш учун Марказий банкка қўйидагиларни тақдим этади:

1) банк бошқаруви раиси томонидан имзоланган ариза;

2) банк масъул органининг номзодни тайинлаш ёки сайдаш тўғрисида қарор қабул қилган йиғилиши баёнидан кўчирма;

3) номзоднинг хуқуқи, мажбурияти ва масъулияти батафсил кўрсатилган ва уларни белгиловчи банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган хужжатдан кўчирма, бундан кузатув кенгаши аъзолари мустасно;

4) номзод мазкур Низом талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги банкнинг баҳолаш натижалари;

5) мазкур Низомнинг 11-иловасига* мувофик номзод томонидан тўлдирилган анкета;

6) мазкур Низомнинг 12-иловасига* мувофик тўлдирилган номзоднинг обьективка-маълумотномаси;

7) номзоднинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси;

8) номзоднинг тажрибасига қўйилган талабларга мувофиқлигини аниқлаш учун унинг меҳнат тажрибасини тасдиқловчи хужжат нусхаси;

9) мазкур Низомда назарда тутилган таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотининг мавжудлигини, таълим олаётганлигини ва (ёки) сўнгги уч йил ичida малакасини оширганлигини (агар мавжуд бўлса) тасдиқловчи хужжат нусхаси;

10) номзод доимий яшаш жойига эга бўлган, 90 кундан ортиқ яшаган ёки яшаётган барча давлатларнинг масъул органлари томонидан сўнгги 90 кун ичida берилган номзоднинг судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома;

11) давлат бюджети олдидаги қарздорликнинг йўқлиги ёки мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.

108. Вақтинчалик бошқарувчи лавозимига ёки банкни тугатиш жараёнида тугатиш комиссияси аъзолигига тавсия этилаётган шахслар Марказий банкка мазкур Низомнинг 107-банди 1 ва 5 — 10-кичик бандларида кўрсатилган хужжатлар билан бирга қўйидагиларни тақдим этади:

1) номзод ёки унинг яқин қариндошлари ва тугатилаётган банк ўртасида манфаатлар тўқнашувининг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома, хусусан:

тугатилаётган банк олдидаги мажбурияти, эгалик хуқуқи ёки ундаги иш фаолияти тўғрисида;

сўнгги 5 йил давомида бошқа банкларнинг ҳал қилувчи эгаликка эга акциядори ёки ишчиси сифатидаги муносабатлари тўғрисида;

банкнинг кўчмас мулкига, агар тугатиш жараёнида мазкур мулкни баҳолаш, тасарруф этиш ёки бошқариш кўзда тутилган бўлса, рақобатчи бўлган мулкка эгалик қилиши тўғрисида;

тугатиш жараёнида банк тугатувчиси ёки маҳсус бошқарувчи вазифасини холис бажариш учун тўскинлик қилувчи ҳар қандай молиявий ва ишбилармонлик манфаатлари ёки ҳолатлари тўғрисида;

2) ўзининг шахсий манфаатлари ва Марказий банк билан муносабатлари натижасида манфаатлар тўқнашувининг мавжуд эмаслиги, агар тўқнашув мавжуд бўлса, ушбу тўқнашув тўғрисидаги маълумот.

109. Банк мазкур Низомнинг 107-бандида кўрсатилган хужжатларнинг

* 11-12-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нусхасини номзодни баҳолаш учун масъул бўлган органнинг имзоси билан тасдиқлайди.

110. Тақдим этилган хужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган ва (ёки) тўлиқ бўлмаган хужжатлар тўплами тақдим этилган ҳолларда Марказий банк мазкур хужжатлар тақдим этилган кундан эътиборан 10 иш куни ичida банкка бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар ва (ёки) тақдим этилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати тўғрисида хабарнома юборади.

111. Номзоднинг хужжатларини кўриб чиқиш жараёнида, тақдим этилган хужжатларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, банк Марказий банкни хабардор қилишга ва тегишли ўзгартиришлар киритилган хужжатларни тақдим этишга мажбур.

4-боб. Номзодни келишиб олиш тўғрисидаги қарор

112. Хужжатлар тўплами белгиланган тартибда тасдиқланиб, тўлиқ равища Марказий банкка тақдим этилган кундан эътиборан 30 кун ичida номзодни келишиб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

113. Тақдим этилган хужжатлар номзодни келишиб олиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаса, Марказий банк банкдан қўшимча хужжатларни сўраб олишга, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа юридик шахслар билан номзоднинг фаолияти юзасидан маслаҳатлашишга ҳақли.

Банк қўшимча сўралган хужжатларни 20 кундан ошмаган муддатда, норезидентлар билан боғлиқ ҳолатда эса, 30 кундан ошмаган муддатда Марказий банкка тақдим этиши лозим. Бунда номзодни келишиб олиш муддати тўхтатиб турилади.

114. Номзоднинг ўз мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур бўлган банк фаолияти соҳасидаги амалий ва назарий билимлари даражасини, шунингдек, банк фаолиятини ва у дучор бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни тушуниш даражасини баҳолаш мақсадида Марказий банк номзод билан сухбат ўтказишга ҳақли.

115. Марказий банк номзод билан сухбат ўтказилиши ва уни ўтказиш санаси тўғрисида банкни хабардор қиласи. Банк номзоднинг сухбатдан ўтказиш учун белгиланган кунда ва вақтда Марказий банкда ҳозир бўлишини таъминлайди.

116. Номзод билан сухбат шахси тасдиқловчи хужжатга мувофиқ номзоднинг шахси аниқланганидан сўнг, Марказий банк томонидан номзод шахсан иштирок этган ҳолда амалга оширилади.

117. Марказий банк куйидаги ҳолларда тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқмасдан қайтаради:

банкнинг кузатув кенгashi аъзолигига тақдим этилган номзоднинг келишиб олиниши мазкур Низомнинг 101 ва 105-бандлари талабларининг бузилишига олиб келса;

номзодга нисбатан қўзратилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда; Марказий банк томонидан мазкур Низомнинг 113-бандига мувофиқ

сўралган қўшимча хужжатлар белгиланган муддат ичидаги тақдим этилмагандан;

номзод белгиланган вақтда сухбатга келмаса ва унинг сухбатга келмаслик сабабларини асословчи аризаси мавжуд бўлмаса ёки Марказий банк томонидан аризада келтирилган сабаблар узрли деб топилмаса.

118. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатлар, ўтказилган сухбат натижалари ва (ёки) номзод ҳақидаги Марказий банкда мавжуд бўлган бошқа маълумотларга кўра номзодни келишиб олиш ёки келишиб олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

119. Номзодни келишиб олиш ёки келишиб олишни рад этиш тўғрисидаги қарор, мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 кун ичидаги банкка ёзма равишда, шунингдек, ахборот коммуникациялар тизими орқали электрон шаклда юборилади.

120. Марказий банк номзодни келишиб олишни рад этиш тўғрисидаги қарорни қўйидаги асосларга кўра қабул қиласди:

номзод мазкур Низом билан ўрнатилган бир ёки бир нечта мезонларга ва талабларга мувофиқ бўлмаса;

ёлғон маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар тақдим этилса.

121. Номзод малака, билим ва кўникма, мулоҳазанинг мустақиллиги ёки вақтнинг етарлилиги мезонларига номувофиқ бўлганда, Марказий банк номзодни маълум шартлар асосида келишиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бундай холатда номзодни келишиб олиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган шартлар бажарилгандан сўнг номзод лавозимига киришишга ҳақли.

122. Объектив сабабларга кўра Марказий банк билан олдиндан келишиб олинмаган ва банкнинг муҳим аҳамиятга эга ходими лавозимига тайинланган шахс келишиб олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганини ҳақидаги Марказий банкнинг хабарномаси банк томонидан олинган кундан эътиборан 10 иш куни ичидаги эгаллаб турган лавозимидан озод этилади.

123. Келишиш жараёнидан ўтган раҳбар, ўз фаолиятининг кейинги даврида Марказий банк томонидан мазкур Низом талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида қўшимча сухбат ўтказиш учун таклиф этилиши мумкин.

5-боб. Хабарнома ва ҳисобдорлик

124. Банк 5 иш куни ичидаги Марказий банк билан келишиб олинган номзоднинг ўз мажбуриятларини бажаришга киришганлиги тўғрисида Марказий банкни ёзма равишда хабардор этади. Мазкур талаб тугатиш комиссияси аъзолари ва вақтинчалик бошқарувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

125. Банк Марказий банкни 5 иш куни ичидаги мазкур Низомга мувофиқ раҳбар Марказий банк билан қайта келишиб олиш талаб этилмайдиган бошқа лавозимига ўтказилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қиласди. Хабарнома мазкур ўзгаришларнинг сабабини, шунингдек, масъул

орган томонидан тасдиқланган шахсни бошқа лавозимга ўтказиш тўғриси-даги қарордан кўчирмани ўз ичига олиши лозим.

126. Банк 2 иш куни ичидаги раҳбарни мазкур Низом талабларига энди-ликда мувофиқ эмаслиги ҳамда банкни самарали ва тадбирли бошқариш учун унинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи маълумотлар мавжудлиги тўғри-сида Марказий банкни ёзма равишда хабардор қиласди.

127. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколати муддатидан олдин тугатил-ганида, бошқаруви аъзоси ёки бош бухгалтернинг меҳнат шартномаси бекор қилинганида ва (ёки) бошқа лавозимга ўтказилганда, банк сабаблари-ни кўрсатган ҳолда мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичидаги Марказий банкни ёзма равишда хабардор қилиши лозим. Му-хим аҳамиятга эга ходимлар билан боғлиқ ҳолларда мазкур муддат 5 иш кунини ташкил этади, бундан бош бухгалтер мустасно.

128. Банкнинг ташаббуси билан, меҳнат қонун ҳужжатлари талабла-ри бузилиши оқибатида молиявий операцияларни амалга оширишда ишти-рок этувчи бошқа ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолларда, банк сабабларини кўрсатган ҳолда мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 иш куни ичидаги Марказий банкни ёзма ра-вишда хабардор қилиши лозим. Мазкур Низомда молиявий операцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этувчи ходимлар деганда, молиявий операцияларни амалга оширишнинг ҳар қандай босқичида жалб этилади-ган банкнинг ходимлари тушунилади.

129. Банк, бошқарув аъзоси ҳамда муҳим аҳамиятга эга ходимларнинг бошқа лавозимга ўтказилиши ва (ёки) улар билан тузилган меҳнат шарт-номаси бекор қилиниши натижасида бўшаб қолган лавозимларга мазкур Низом талабларига мувофиқ келувчи номзодларни 30 кун ичидаги Марказий банкка келишиб олиш учун тақдим этиши лозим. Мазкур тартиб кузатув кенгаши аъзоларига қўйидаги ҳолларда татбиқ этилади:

уларнинг сони банк Уставида белгиланган микордан 75 фоиз ёки ун-дан камини ташкил этса ва (ёки) банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган энг минимал талабдан камроқни ташкил этса;

қисқариш натижасида уларнинг миқдори жуфт сонни ташкил этса; банк томонидан кузатув кенгаши аъзолари таркибида банкка алоқадор бўлмаган шахсларнинг сонига нисбатан ўрнатилган талаблар бузилса, бун-дан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.

IV бўлим. Банкларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва алоҳида бўлинмалари

1-боб. Банк филиалларини ташкил этиш ва ёпиш тартиби

130. Банклар Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Респуб-ликасида филиаллар ташкил этиши мумкин. Банкларнинг филиаллари банк-

нинг кузатув кенгаши қарорига мувофиқ ташкил қилинади ёки ёпилади ва филиал тўғрисидаги низом ва банкка берилган лицензия асосида фаолият юритади.

131. Банк филиали Марказий банкда рўйхатдан ўтиши лозим. Рўйхатга олингунига қадар филиал томонидан амалга оширилган фаолият қонунга хилофдир.

132. Банк томонидан филиални ташкил этишга доир рухсатнома олиш ва уни рўйхатдан ўтказиш учун Марказий банкка мазкур Низомнинг 13-илювасига* мувофиқ ариза топширилади. Аризага илова қилинувчи хужжатларнинг рўйхати, шунингдек, уларни кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуенинг 29-модда сига мувофиқ амалга оширилади.

133. Филиалга банк мол-мулки бириктирилади ва «филиал» сўзи қўшимча қилинган ҳолда банкнинг номи билан тўлиқ мос бўлган номга эга бўлади.

134. Филиал раҳбари банк уставига мувофиқ ваколатли бошқарув органи томонидан тайинланади ва белгиланган тартибда берилган ишончномага асосан фаолият юритади. Ишончномада филал раҳбарининг ваколатлари рўйхати кўрсатилиши лозим.

135. Банк филиалининг жойлашган ери (почта манзили) ёки номи ўзгариши хақидаги тегишли қарор қабул қилингандан сўнг 10 кун муддатда Марказий банкка қўйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда банк филиалининг жойлашган ери (почта манзили) ёки номини ўзгартириш учун аризани тақдим этади:

банк филиали жойлашган ери (янги манзилни кўрсатган ҳолда) ёки номини ўзгартириш хақидаги банк кузатув кенгаши қарорининг баённомаси;

филиал жойлашган ердаги Марказий банк ҳудудий бош бошқармасининг банк филиалининг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жихозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси (банк филиали номининг ўзариши бундан мустасно);

филиаллар манзилининг ўзариши омонатчиларга таъсир этиши эҳтимоли тўғрисида ахборот, шунингдек, ушбу ўзариш натижасида банк стратегиясининг исталган кўзда тутилган ўзаришлари тўғрисида ахборот.

136. Марказий банк қўйидаги ҳолларда банк филиалининг янги жойлашган ерини рўйхатга олишни рад этади:

мазкур Низомнинг 135-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

банк филиалининг биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жихозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига номувофиқ бўлганда;

филиал жойлашган ерининг ўзариши натижасида омонатчилар ва кредиторлар маблағларининг сақланишига таҳдид мавжудлигини кўрсатувчи асослар бўлганда;

137. Банк томонидан филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган

* 13-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тақдирда, банк мижозларни филиал ёпилишидан 15 кун олдин хабардор қилиши ва уларнинг олдидағи мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш чораларини кўриши ёки бу мажбуриятларни мижоз билан келишилган ҳолда бошка филиалга ўтказиши шарт.

138. Банк филиални ёпиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 2 иш куни ичида Марказий банкка қўйидагиларни тақдим қиласди:

филиалнинг ёпилиш сабаблари ва муддатлари кўрсатилган хабарнома;

банк кузатув кенгашининг филиални ёпиш тўғрисидаги қарори;

мижозлар олдидағи мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга доир режа.

139. Филиалнинг ёпилиш жараёни якунлангандан сўнг банк Марказий банкка қўйидагиларни тақдим қиласди:

филиалнинг ёпилиш жараёни якунланганлиги ҳақидаги хабарнома;

филиалнинг тугатиш комиссиясини тузиш ҳақидаги қарор;

охирги иш кунидаги банк филиалининг баланси;

тугатиш (ноль) баланси;

балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича тугатиш (ноль) баланси;

банк филиалининг ҳужжатлари ва йифмажиллари йўқ қилиш учун ажратилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

хужжатларнинг архивга сакланиш учун топшириш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома;

банк филиалининг муҳрлари ва штампларининг йўқ қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

банкнинг расмий веб-сайтида қўйилган филиалнинг ёпилиши ҳақидаги эълон нусхаси.

140. Банк филиали тўғрисидаги маълумотлар банк уставида акс эттирилган бўлиши лозим. Банк филиали ташкил этилгандан ёки ёпилганидан сўнг, бўлиб ўтадиган акциядорларнинг умумий йиғилишида банкнинг уставига киритиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаши зарур.

2-боб. Банкнинг чет элдаги шуъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналари

141. Банклар Марказий банкнинг рухсатномаси билан Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 31-моддасида белгиланган ҳолларда чет элда шуъба банклар очиши ва филиаллар ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиши мумкин.

142. Чет элда шуъба банкини очиш, филиални ташкил этиш, банкларнинг капиталида иштирок этиш, шу жумладан, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиш учун банк Марказий банкка ушбу Низомнинг 14-илювасига* мувофиқ аризани қўйидагиларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

банк кузатув кенгашининг чет элда шуъба банкини очиш, филиални

* 14-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкил этиш, банкларнинг капиталида иштирок этиш, шу жумладан, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этиш тўғрисидаги қарори;

чет элда шуъба банкини очиш, филиални ташкил этиш, банкларнинг капиталида иштирок этиш, шу жумладан, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этишнинг иқтисодий асосланиши;

раҳбарлик лавозимига (банк бошқарув органларининг аъзолари, филиал раҳбари) тайинланаётган номзодлар ҳақидаги маълумотлар;

қабул қилаётган давлатда назорат режими бўйича маълумотлар.

143. Марказий банк тақдим этилган ҳужжатларни улар тўлиқ ҳажмда тақдим қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқади.

144. Марказий банк банк томонидан мазкур Низомнинг 141-бандида белгиланган талабларга риоя қилинмаган, шунингдек, Марказий банк томонидан қўйидагилар аниқланган тақдирда чет элда шуъба банкини очиш, филиални ташкил этиш, банкларнинг капиталида иштирок этиш, шу жумладан, чет эл банкларини ташкил этишда иштирок этишни рад этиши мумкин:

қабул қилаётган давлатда банк назорати етарлича ва самарали, шу жумладан, консолидациялашган асосда таъминланмаганлиги;

қабул қилаётган давлатнинг назорат қилувчи органлари билан самара-ли ҳамкорлик қилиш имконияти, шу жумладан, ахборот алмашиш бўйича имконияти мавжуд эмаслиги.

145. Банкнинг чет элдаги шуъба банки ёки филиалининг раҳбари, жойлашган манзили ўзгарган тақдирда, банк Марказий банкни банкнинг бошқарув органи томонидан тегишли қарори қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни давомида ёзма равишда хабардор қиласди.

146. Банкнинг шуъба банклари ҳамда ваколатхоналари улар очиладиган ва (ёки) ташкил этиладиган мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ очилади ва (ёки) филиаллари ташкил этилади.

147. Банк томонидан чет элда ваколатхона очиш, шуъба банкни, ваколатхонани ёки филиални ёпиш, шунингдек, чет эл банки акцияларини сотиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, банк бундай қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кун ичida Марказий банкни хабардор қилиши ва ушбу қарор банкнинг молиявий барқарорлигига қандай таъсир кўрса-тиши тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3-боб. Банкларнинг бошқа бўлинмалари

148. Банк мижозларга тезкор хизмат кўрсатиши мақсадида Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари офисларини ташкил қилишга ҳақли.

149. Банк хизматлари оғиси банк ёки банк филиали биносидан таш-қарида жойлашган банкнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва банк ёки унинг филиали билан ягона бўлган банк (филиал) баланси ва кодига эга бўлади.

150. Банк хизматлари оғиси «минибанк», «чакана хизматлар маркази», «банк хизматлари маркази» ва бошқа сўз ва сўз бирикмалари қўлланилган ҳолда турли хил номланиши мумкин.

151. Банк хизматлари оғисларида, қоидага таріқасида, банк ҳисобва-рақларини очиш, омонатлар (депозитлар)га пул маблағларини жалб қилиш, тұловлар ва халқаро пул үтказмаларини амалға ошириш, валюта айирбош-лаш, истеъмол кредити ва микроқарзларни бериш каби асосий молиявий операциялар (банк хизматлари) күсатилади.

152. Банк хизматлари оғисларида мазкур Низомнинг 151-бандыда күрса-тилган молиявий операциялардан ташқари, улар жойлашган худуд ахоли-сининг эхтиёжларидан келиб чиқкан ҳолда банк лицензияси доирасыда күшимча равишда бошқа операциялар ҳам күрсатилиши мүмкін.

153. Банк хизматлари оғиси ташкил этилаёттан худудда банкнинг филиали мавжуд бўлиши талаб этилмайди.

154. Банк хизматлари оғислари пул омбори билан ёки пул омборисиз (қимматликларни сақлаш бўйича шартнома тузилган ҳолларда) ташкил этилиши мүмкін.

155. Банк хизматлари оғисининг умумий майдони 30 кв.м.дан кам бўлмаслиги лозим.

156. Банк хизматлари оғислари Марказий банкда ҳисобга қўйилади.

157. Банк хизматлари оғисини ҳисобга қўйиш учун банк уни ташкил қилиш тўғрисидаги банк бошқаруви қарори қабул қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида Марказий банкка, ушбу қарор нусхасини ва банк хизматлари оғиси тўғрисидаги Низомни, шунингдек, ташкил этилаётган банк хизматлари оғиси жойлашган ердаги Марказий банкнинг худудий бош бошқармасининг банк хизматлари оғисининг биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини илова қилган ҳолда ёзма хабар юборади.

158. Банклар қўйидаги ҳолларда банк хизматлари оғисларини ташкил этишга хақли:

банкнинг молиявий ҳолати барқарор бўлганда;

пруденциал талаблар бажарилганда;

банк хизматлари оғисининг биноси, унинг муҳофаза қилиниши, уску-налар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъми-ноти Марказий банк талабларига мувофиқ бўлганда.

159. Банк бошқаруви томонидан банк хизматлари оғисини ёпиш тўғри-сида қарор қабул қилинганда, банк ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичida Марказий банкка тугатиш сабаблари ва муддатлари-ни кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади. Хабарномага банк хизматла-ри оғисини ёпиш тўғрисидаги тегишли қарордан кўчирма илова қилинади.

160. Банк хизматлари оғисини ёпиш тўғрисидаги ахборот унинг туга-тилишидан камида 15 кун олдин банкнинг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

161. Банк банк хизматлари оғиси манзили (шахар, туман, кўча ном-лари ва бошқалар) ўзгарған кундан бошлаб, Марказий банкка ўзгаришлар хақидаги хабарномани йўллайди.

162. Банк хизматлари оғиси манзилининг ўзгариши унинг жойлашган

ери билан боғлиқ бўлган тақдирда, банк Марказий банкка мазкур Низомнинг 157-бандига мувофиқ хабарнома йўллади.

V бўлим. Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тартиби

1-боб. Умумий қоидалар

163. Банк уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Марказий банкда рўйхатга олиниши лозим.

164. Банк уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан умумий йиғилишда иштирок этувчи овозга эга акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг кўпчилик тўртдан уч қисми овоз берган ҳолда қабул қилинади.

Устав капиталини кўпайтириш, шунингдек, банк уставига устав капиталини кўпайтириш ва эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш масалалари акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига ёки банк уставига кўра банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилиши мумкин.

Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган банкда, банк уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар ушбу акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, банкнинг имтиёзли акциялари қонун хужжатларига мувофиқ овоз бериш хукуқини олиш ҳоллари бундан мустасно.

165. Уставига киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш учун банк тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнода Марказий банкка қўйидаги хужжатларни уч нусхада илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги банкнинг тегишли ваколатли бошқарув органининг қарори (йиғилиш баённомаси) нусхаси;

банк кузатув кенгashi раиси имзолаган банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матни.

166. Тақдим этилган хужжатлар қонун хужжатларига ва мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлса, Марказий банк банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқади, акс ҳолда, хужжатлар банкка қайта кўриб чиқиш учун қайтарилади.

Уставига киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларни кўриб чиқиш ва рўйхатга олиш 30 кун ичida амалга оширилади.

167. Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ҳажми катта бўлиб, улар устав билан ишлашни мураккаблаштируса, Марказий банк ушбу банкдан мазкур Низомнинг 165-бандига кўрсатилган хужжатларга қўшимча равишда уч нусхада уставнинг янги таҳририни тақдим этишини талаб қилиш хукуқига эга. Бунда Марказий банк банкнинг янги таҳрирдаги уставини рўйхатга олади.

168. Банк уставига киритиладиган ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар улар Марказий банкда рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради. Рўйхатга олинган банк уставига киритилган ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2-боб. Банк устав капитали миқдорининг кўпайтирилиши билан боғлиқ банк уставига киритилган ўзгартериш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш

169. Банк устав капитали миқдорининг ўзгариши устав капитали миқдорининг кўпайтирилиши ёки камайтирилиши шаклларида амалга оширилиши мумкин.

170. Банк устав капитали қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат банк уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида банк томонидан жойлаштирилиши мумкин.

171. Устав капиталини кўпайтириш учун ушбу Низомнинг 164-бандида белгиланган ваколатли бошқарув органи томонидан, зарур ҳолларда банк уставига эълон қилинган акциялар, шу жумладан, уларнинг миқдори, номинал қиймати ва турлари хақида ўзгартериш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

172. Устав капиталининг кўпайтирилиши жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида амалга оширилади. Шу билан бирга, банк уставида белгиланган айрим турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акциялар сонига камайтирилиши лозим.

173. Банк устав капитали кўпайтирилишини, шунингдек, эълон қилинган акциялари тўғрисидаги ўзгартериш ва (ёки) қўшимчаларнинг рўйхатга олиниши мазкур Низомнинг 165 ва 166-бандларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3-боб. Банк устав капитали миқдорининг камайтирилиши билан боғлиқ банк уставига киритилган ўзгартериш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш

174. Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда банк томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Банкнинг устав капиталини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга, агар бундай имконият банкнинг уставида назарда тутилган бўлса, йўл қўйилади.

175. Банк устав капитали камайтирилиши натижасида унинг миқдори

банк уставидаги тегишли ўзгаришларни рўйхатга олиш санасида, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, банк устав капитали миқдорини камайтиришга рухсат этилмайди.

176. Устав капиталини камайтириш ҳамда банк уставига тегишли ўзгариши ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Шу билан бирга, қарорда устав капиталининг камайтирилиши сабаблари кўрсатилади ва уни камайтириш тартиби белгиланилади.

Жойлаштирилган акцияларни сотиб олиш йўли билан устав капиталини камайтириш акциядорлар умумий йиғилишининг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги қарорида банк томонидан сотиб олинадиган акциялар турлари, сотиб олинадиган хар бир турдаги акциялар сони, сотиб олиш нархи, тўлов шакли ва муддати, шунингдек, акцияларни харид қилиш муддати белгиланиши лозим.

177. Банк устав капитали камайтирилиши тўғрисидаги ўзгариши ва (ёки) қўшичаларнинг рўйхатга олиниши мазкур Низомнинг 165 ва 166-банларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Банк номини ўзгариши билан боғлик банк уставига киритилган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш

178. Банкнинг мўлжалланаётган янги номи ушбу Низомнинг I бўлими 1-боби учинчи параграфи талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

179. Банкни қайта номлаш учун акциядорлар умумий йиғилиши томонидан банк номини ўзгариши ва шу муносабат билан уставга ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

180. Банк номини ўзгариши ва уставга ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилинанидан сўнг банк 30 кундан кечиктирмаган муддатда Марказий банкка ушбу Низомнинг 165-бандида кўрсатилган хужжатларни тақдим этади.

181. Марказий банк банк уставига банкнинг фирма номи ўзгариши билан боғлик киритилган ўзгаришларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда янги ном билан лицензияни қайта расмийлаштириб бериш масаласи юзасидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади.

182. Банк номининг ўзгариши билан боғлик банк уставига киритилган ўзгаришлар рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, Марказий банк томонидан Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилади ва янги ном билан лицензия берилади.

183. Янги ном билан лицензия берилган кундан бошлаб, банкнинг янги номи кучга киради.

184. Банк ўзининг расмий веб-сайтида банк номи ўзгаришларни тўғрисидаги ахборотни жойлаштириши шарт. Бундай ахборотни жойлаштириш банкнинг янги номи кучга кирган кундан бошлаб 2 иш куни давомида амалга оширилади.

185. Банк номининг ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

**5-боб. Банк жойлашган ерининг (почта манзилининг)
ўзгариши билан боғлиқ банк уставига киритилган
ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш**

186. Банк жойлашган ерининг (почта манзилининг) ўзгариши лицензияни қайта расмийлаштиришни талаб этади.

187. Банк жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан банк уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги ваколатли бошқарув органининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида Марказий банкка қўйидаги хужжатларни уч нусхада илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

банкнинг жойлашган ерини (почта манзили) ўзгартириш тўғрисида банкнинг ваколатли бошқарув органининг асосланган қарори;

хизмат қўрсатиш кўзда тутилаётган жойдаги Марказий банк худудий бosh бошқармасининг банкнинг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хulosаси;

банк жойлашган ерининг (почта манзилининг) ўзгариши банк омонатчиларига таъсир этиши эҳтимоли ва бундай ўзгариш натижасида банк стратегиясида кутилаётган (аҳоли пункти ўзгарган тақдирда) ҳар қандай ўзгартиришлар тўғрисида маълумот.

188. Марказий банк қўйидаги сабабларга кўра банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан банк уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатга олишни рад этиши мумкин:

мазкур Низомнинг 187-бандида кўрсатилган хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

банкнинг янги биноси, унинг муҳофаза қилиниши, ускуналар, ташкилий-техник воситалар билан жиҳозланиши ва дастурий таъминоти Марказий банк талабларига номувофиқ бўлганда;

банк биноси жойлашган ерининг ўзгариши натижасида омонатчилар ва кредиторлар маблағларининг сақланишига таҳдид мавжудлигини кўрсатувчи асослар бўлганда.

189. Банк ўзининг расмий веб-сайтида банк жойлашган ери (почта манзили) ўзгартирилганлиги тўғрисида ахборотни жойлаштириши шарт. Бундай ахборотнинг жойлаштирилиши банк жойлашган ери (почта манзили) ўзгарганлиги муносабати билан банк уставига киритилган ўзгартиришлар рўйхатга олинган санадан бошлаб 2 иш куни давомида амалга оширилади.

190. Банк манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

VI бўлим. Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш**1-боб. Банкни қайта ташкил этиш****1-§. Марказий банк томонидан банкни қайта ташкил этиш учун рухсатнома бериш тартиби**

191. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларининг талаблари хисобга олинган холда, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.

192. Банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

193. Банкни қайта ташкил этишда рухсат беришга доир мажбурий талаблар ва шартларга қўйидагилар киради:

қайта ташкил этиш натижасида омонатчиларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларининг химоя қилиниши;

қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келадиган ва (ёки) қоладиган банклар томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида ўрнатилган пруденциал нормативлар ва бошқа талабларга риоя этилиши;

қайта ташкил этиш жараёнда рақобат тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши;

қайта ташкил этилаётган банкнинг топшириш ҳужжати ёки тақсимлаш балансида хукуқий вориснинг хукуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги қоидаларнинг мавжудлиги.

194. Ариза берувчи банкни қайта ташкил этишга доир рухсатнома олиш учун Марказий банкка қўйидагиларни тақдим этади:

банк акциядорларининг умумий йиғилиши ваколат берган шахс томонидан имзоланган, мазкур Низомнинг 15-иловасига* мувофиқ банкни қайта ташкил этишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги ариза.

қайта ташкил этилаётган банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори;

қайта ташкил этишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигининг асосланганлиги ва оқибатларининг молиявий тахминлари, шу жумладан, қайта ташкил этилгандан сўнг янгидан вужудга келадиган ва қоладиган ҳар бир банкнинг тахминий баланси, бундан банкни ўзгартириш мустасно;

қайта ташкил этишда иштирок этаётган ва ушбу жараён натижасида юзага келаётган банкларнинг қайта ташкил этиш натижасида хосил бўла-

* 15-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

диган тахминий баланслари асосида хисобланган пруденциал нормативлар кўрсаткичлари, бундан банкни ўзгартириш мустасно;

банкнинг акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган банкнинг янги таҳирдаги устави, бундан банкни ўзгартириш шаклидаги қайта ташкил этиш мустасно.

195. Марказий банк банкни қайта ташкил этишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани, мазкур ариза қабул қилинган кундан эътиборан 30 иш кунидан ошмаган муддатда кўриб чиқади. Банкни қайта ташкил этишга доир рухсатнома бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун Марказий банк томонидан йиғим ундирилмайди.

196. Банкни қайта ташкил этишга доир рухсатномани беришни рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

банкни қайта ташкил этишга доир рухсатномани бериш учун талаб этиладиган хужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда;

ариза берувчи рухсат беришга доир мажбурий талаблар ва шартларга мувофиқ бўлмаганда;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган хужжатларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлганда.

197. Марказий банк банкни қайта ташкил этишни рад этган тақдирда, акциядорлар умумий йиғилишининг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

198. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин қайта ташкил этилаётган банк 30 кундан кеч бўлмаган муддатда ёзма равища маълум қилиш ва банкнинг расмий веб-сайтида тегишли эълон бериш йўли билан ўз кредиторларини келгусидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиши шарт.

199. Ариза берувчи Марказий банкдан белгиланган тартибда рухсатнома олганидан сўнг, рақобат тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиши лозим.

200. Банкни қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишга доир Марказий банк рухсатномаси олинганидан сўнг, мазкур Низомга мувофиқ янгидан вужудга келадиган хар бир банкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва лицензия олиш учун зарур ташкилий-техник тадбирлар бажарилади.

201. Банкни қўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келадиган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

202. Банкни қайта ташкил этиш учун Марказий банкнинг рухсатномаси олингандиги қайта ташкил этилиши натижасида вужудга келадиган банкларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш учун кафолат бўла олмайди.

203. Банкни қайта ташкил этиш билан боғлиқ банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Низомнинг V бўлим 1-бобига мувофиқ амалга оширилади.

204. Банкни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартириш шаклида банкларни қайта ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қайта ташкил этишда иштирок этаётган банклар хисобидан амалга оширилади.

Банкни бўлиш ва ажратиб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келадиган банклар томонидан тўланади.

205. Қайта ташкил этилаётган банк зарур ҳолларда Марказий банк томонидан белгиланган тартибда банк мижозларининг барча хисобвараклашни қайта рўйхатга олиши лозим.

206. Қайта ташкил этилаётган банк қайта ташкил этиш жараёнини Марказий банкнинг қайта ташкил этиш учун рухсатномаси олинган кундан эътиборан олти ой ичida тамомлаши шарт.

207. Банкни қайта ташкил этишга доир рухсатнома куйидаги асосларда бекор қилинади:

ариза берувчининг рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бекор килиш тўғрисидаги мурожаатига кўра;

рухсат этиш хусусиятига эга хужжат қалбаки хужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

2-§. Банкни қўшиб юбориш

208. Банкларни қўшиб юбориш деганда икки ёки бир неча банклар фаолияти тўхтатилиб, уларнинг хуқук ва мажбуриятларини бериш йўли билан янги банкнинг ташкил бўлиши тушунилади.

209. Қўшиб юборишда иштирок этувчи банклар ўртасида, қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек, ҳар бир банк акцияларини янгидан вужудга келадиган банк акцияларига алмаштириш тартиби белгиланишини назарда тутувчи қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома тузадилар. Қўшилишда иштирок этаётган ҳар бир банк кузатув кенгаши қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига кўяди.

210. Янгидан вужудга келадиган банкнинг уставини тасдиқлаш ва кузатув кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган барча банклар акциядорларининг умумий қўшма йиғилишида амалга оширилиб, бу йиғилиш таъсис йиғилиши хисобланади. Акциядорлар умумий қўшма йиғилишида овоз бериш тартиби банкларни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада белгиланиши мумкин.

211. Янгидан вужудга келган банк рўйхатдан ўтган ва Банкларнинг давлат реестрида қайта ташкил этилаётган банклар фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилган вақтдан бошлаб қўшиб юборишда иштирок этаётган банклар қайта ташкил этилган хисобланади.

212. Банкларни қўшиб юбориш натижасида янгидан вужудга келган банкнинг юридик йиғмажилдига қўшиб юборишда иштирок этган банкларнинг қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномаси ва топшириш далолатномалари киритиб қўйилади.

213. Банклар қўшиб юборилганда ҳар бир банкнинг хуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ янгидан вужудга келган банкка ўтади.

214. Марказий банк қўшиб юбориш натижасида янгидан банк вужудга келгани ва қайта ташкил этилган банклар фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

3-§. Банкларни қўшиб олиш

215. Банкларни қўшиб олиш деганда бир ёки бир неча банкнинг хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа банкка берган ҳолда уларнинг фаолиятини тўхтатиш тушунилади.

216. Қўшиб олинаётган банк ва у қўшилаётган банк қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек, қўшиб олинаётган банк акцияларини қўшиб олиш амалга оширилаётган банк акцияларига алмаштириш тартибини белгилашни назарда тутивчи шартнома тузадилар. Ҳар бир банк кузатув кенгаши қўшиб олишда иштирок этаётган банклар акциядорлари умумий йиғилиши муҳокамасига қўшиб олиш шаклида банкни қайта ташкил этиш ва қўшиб олиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш масаласини қўяди. Қўшиб олинаётган банк кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига топшириш далолатномасини тасдиқлаш масаласини ҳам киритади.

217. Қўшиб олишда иштирок этаётган банклар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ва банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Акциядорлар қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

218. Қўшиб олишда иштирок этаётган банклар Банкларнинг давлат реестрида қўшиб олинаётган банк фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзув киритилган вақтдан бошлаб қайта ташкил этилган хисобланади (хуқукий вориси ва қайта ташкил этиш шакли кўрсатилган ҳолда). Марказий банк мазкур Низомнинг V бўлим 1-бобига мувофиқ қўшиб олаётган банкнинг устравига киритилган тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатга олади.

219. Марказий банкка тақдим этилган хужжатларнинг бир нусхаси қўшиб олинаётган банк юридик йифмажилдига киритилади.

220. Қўшиб олинаётган банкнинг барча хуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ қўшиб олинаётган банкка ўтади.

221. Марказий банк қўшиб олинган банкнинг қайта ташкил этилгани ва унинг фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

4-§. Банкни бўлиш

222. Банкни бўлиш деганда унинг хуқуқ ва мажбуриятларини янги вужудга келадиган банкларга берган ҳолда фаолиятининг тўхтатилиши тушунилади.

223. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган банк кузатув кенгаши

акциядорлар умумий йиғилиши мухокамасига банкни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, ушбу қайта ташкил этишининг тартиби ва шартлари, янги банкларни ташкил этиш ва қайта ташкил этилаётган банк акцияларини янгидан вужудга келаётган банклар акцияларига алмаштириш тартиби каби масалаларни киритади.

224. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган банк акциядорлари умумий йиғилиши бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, янги банкларни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган банк акцияларини янгидан вужудга келаётган банк акцияларига алмаштириш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда тақсимлаш балансини тасдиқлади.

225. Бўлиш натижасида вужудга келадиган ҳар бир банк акциядорлари таъсис йиғилиши банк уставини тасдиқлади ва кузатув кенгashi аъзолари ва бошқарув раисини сайдайди.

226. Янгидан вужудга келган банклар рўйхатдан ўтказилиши ва бир вақтнинг ўзида уларга лицензия берилиши ҳамда қайта ташкил этилган банк фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ёзув (хукукий ворислар ва қайта ташкил этиш шакллари кўрсатилган ҳолда) Банкларнинг давлат реестрига киритилиши билан бир пайтда банк қайта ташкил этилган хисобланади.

227. Банк бўлинганда унинг хукуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ янги вужудга келган икки ёки ундан ортиқ банкларга берилади.

228. Марказий банк бўлиш натижасида янгидан банк вужудга келгани ва қайта ташкил этилган банк фаолияти тўхтатилгани тўғрисидаги ахборотни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қиласи.

5-§. Банкни ажратиб чиқариш

229. Банкни ажратиб чиқариш деганда қайта ташкил этилаётган банк фаолияти тўхтатилмаган ҳолда унинг хукуқ ва мажбуриятларининг бир кисмини бир ёки бир неча банклар ташкил этилиб, уларга берилиши тушунилади.

230. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган банк кузатув кенгashi акциядорлар умумий йиғилиши мухокамасига ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги банкни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган банк акцияларини ажратиб чиқарилаётган банк акцияларига алмаштириш ва бундай алмаштириш тартиби, банк уставига ажратиб чиқариш шаклида банк қайта ташкил этилгани, банк устав капитали тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган ўзгартиришлар киритиш ва шунингдек, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритади.

231. Ажралиб чиқиш шаклида қайта ташкил этилаётган банк акциядорлари умумий йиғилиши банкни қайта ташкил этиш, қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари, банк акцияларини ажралиб чиқаётган банк акцияларига алмаштириш ва бундай алмаштириш тартиби, ажралиб чиқиш шаклида банк қайта ташкил этилгани тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган банк уставига ўзгартиришлар киритиш ва қайта ташкил этиш натижасида

камайтирилган банк устав капитали, шунингдек, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.

232. Ажратиб чиқариш натижасида юзага келган банк акциядорлари таъсис йигилиши банкларнинг кузатув кенгаши аъзолари ва бошқарув раисини сайлайди ҳамда банкнинг уставини тасдиқлади.

233. Янгидан вужудга келган банклар Банкларнинг давлар реестрига рўйхатга олинган (ажратилган банк кўрсатилгани ҳолда) ва бир пайтда уларга лицензия берилган вақтдан бошлаб банк қайта ташкил этилган ҳисобланади.

234. Банк таркибидан бир ёки бир неча банклар ажратиб чиқарилганди, қайта ташкил этилган банкнинг хукуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ, уларнинг хар бирига ўтади.

235. Марказий банк ажратиб чиқариш натижасида янгидан банклар вужудга келгани тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

6-§. Марказий банкнинг талабига биноан банкни қайта ташкил этиш

236. Банк томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатлари бузилган ва банкнинг олиб бораётган фаолияти республика банк тизимида рақобатнинг пасайишига сабаб бўлган тақдирда, Марказий банк мазкур банкдан банкни қайта ташкил этишини талаб қилиш хукуқига эга.

237. Марказий банкнинг банкни қайта ташкил этиш тўғрисидаги талаби қабул қилинганидан сўнг 30 кундан ошмаган муддатда банк кузатув кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши чакирилади.

238. Акциядорлар умумий йигилиши Марказий банк талабига асосан банкни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қиласди ва қайта ташкил этиш режасини тасдиқлади. Банкни қайта ташкил этиш режаси банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ёки банк кредиторлари ва омонатчилари манфаатларига хавф солувчи ва (ёки) соладиган қоидабузилишларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўз ичига олиши лозим.

239. Агар банк Марказий банк талабида белгиланган муддатда банкни қайта ташкил этмаса ёки қайта ташкил этиш режаси банкнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ёки қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича етарли чора-тадбирларни ўз ичига олмаса, Марказий банк қонун хужжатларига мувофиқ ҳар қандай тўғриловчи чора-тадбирлар қўллаш, шу жумладан, банкка вақтинчалик бошқарувчини тайинлаш ёки банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш хукуқига эга.

2-боб. Банкни тугатиш

1-§. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш тартиби

240. Банклар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида

белгиланган тартибда, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларида белгиланган хусусиятларни хисобга олган ҳолда тугатилади.

241. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш ихтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда амалга оширилиши мумкин.

242. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш учун: банк акциядорлари умумий йиғилишининг банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;

Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.

243. Банк тугатилганда Марказий банк банкнинг лицензиясини чақириб олади.

244. Банкни тугатиш жараёни Марказий банк бошқаруви томонидан лицензияни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошланган хисобланади. Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради. Марказий банк бошқарувининг қарори ушбу қарор қабул қилинган куни банк раҳбариятига имзо кўйдирилган ҳолда топширилади.

245. Лицензияни чақириб олиш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг, Банкларнинг давлат реестрига банк тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисида ёзув киритилади.

246. Банкнинг лицензияси чақириб олинганлиги тўғрисидаги ахборот мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир кун ичida оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

247. Банкка Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофик банклар учун рухсат этилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади, бундан банкнинг тугатилиши билан боғлиқ харакатлар мустасно.

248. Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб банкни тугатиш жараёни якунлангунига қадар қуйидаги чекловлар ўрнатилади:

акциядорлар умумий йиғилиши, бошқа органлар ва банк мансабдор шахсларининг ваколатлари, жумладан, мулкни тасарруф этиш ва мажбуриятларни сўндириш бўйича ваколатлари, шунингдек, уларнинг банкни бошқариш хукуқлари тўхтатиб кўйилади. Банк ихтиёрий равища тугатилган тақдирда, тугатиш комиссиясининг хисоботларини мухокама қилиш, тугатиш балансларини тасдиқлаш, шунингдек, тугатиш комиссияси аъзоларини тайинлаш ва қайта тайинлаш хукуқини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзида сақлаб қолади;

тугатилаётган банк номидан ёки унинг хисобидан амалга оширилган харакатлар улар фақат тугатиш комиссияси томонидан бажарилган ҳолдагина юридик кучга эга бўлиши мумкин;

банкнинг барча қарз мажбуриятлари муддати ўтган хисобланади;

тугатилаётган банкнинг мажбуриятлари, жумладан, банк омонатлари ва (ёки) банк ҳисобваракларига оид шартномалар бўйича фоизларни, шунингдек, неустойкаларни ҳисоблаш тўхтатилади;

тугатилаётган банк иштирокида судда кўрилаётган мулкий хусусиятга эга бўлган тортишувлар агар уларга доир қабул қилинган қарорлар қонуний кучга киритилмаган бўлса, тўхтатилади;

банкка тегишли мулкий хусусиятга эга бўлган барча талаблар фақат тугатиш комиссияси номига билдирилиши ҳамда мазкур низом ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган тартибда кўриб чиқилиши мумкин;

тугатиш жараёни бошлангунга қадар суд томонидан қабул қилинган қарорлар ва тугатилаётган банкка нисбатан мулкий талабларга оид суднинг ижро ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида ижро этилиши учун тугатиш комиссиясига топширилади.

249. Банкни тугатиш жараёни қуидаги босқичлардан иборат:

моддий назорат ва инвентаризациялаш;

активларни текшириш;

активларни баҳолаш ва сотиш;

сотувдан тушган тушумларни жойлаштириш;

тугатиш жараёнини якунлаш.

250. Марказий банк банкни тугатиш жараёнини назорат қилиб туриши шарт. Ушбу мақсадларда Марказий банк мунтазам равишда банк активларини баҳолаш, бу активларни тугатиш ва даромадларни тақсимлаш тўғрисида ҳисботлар олиб туради.

251. Тугатиш комиссияси, эксперталар ва тугатиш жараёнидаги иштирок этадиган бошқа шахсларнинг фаолияти учун ҳақ тўлаш шартлари тугатиш комиссияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқилган тугатиш режасида акс эттирилади.

252. Банкни тугатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар мазкур банк ҳисобидан амалга оширилади. Банкни тугатишга доир харажатларни Марказий банк томонидан молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Тугатилаётган банк мажбуриятларига доир ҳисоб-китобларни бажаришда тугатиш билан боғлиқ харажатлар навбатдан ташқари тартибда амалга оширилади.

253. Банк тугатилгунига қадар Марказий банк назорати остида бўлади ва Марказий банк уни текшириб турish хуқуқига эгадир.

254. Банкни тугатиш жараёни тугалланиб, Банклар давлат реестрига киритилган кундан бошлаб тўлиқ тугатилган деб ҳисобланади.

2-§. Ихтиёрий тугатиш тартиби

255. Ихтиёрий тугатиш банк акциядорлари умумий ўифилишининг ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори асосида, кредиторлар ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш имконияти мавжуд бўлганда ҳамда Марказий банкнинг рухсати олинганда амалга оширилади.

256. Банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг

умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар овозларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

257. Банк Марказий банкка акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида дархол ёзма шаклда хабар бериши шарт.

258. Банкни ихтиёрий тугатишга рухсатнома олиш учун банк акциядорлар умумий йиғилишининг мазкур қарори қабул қилинганидан кейин 5 кундан кечиктирмай Марказий банкка қўйидаги хужжатларни илова қилган холда мазкур Низомнинг 16-иловасига* мувофиқ ариза беради:

банкни тугатиш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатиш сабаблари кўрсатилган холда қабул қилинган қарор;

акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган, тугатиш жараёнини, кредиторларнинг ва омонатчиларнинг талабларини қаноатлантириш тартиб-таомиллари ва муддатлари доирасидаги ташкилий-амалий чора-тадбирларни ўз ичига олган тугатиш режаси;

ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисида Марказий банкка ариза билан мурожаат этилган пайтдаги талабларни қаноатлантириш учун маблағлар етарли эканлигини тасдиқловчи баланс хисоботи;

тугатиш комиссиясининг таркиби тўғрисидаги ахборот ва бошқа зарур маълумотлар.

259. Марказий банк банкни ихтиёрий тугатишга рухсат бериш тўғрисидаги аризани олган кундан эътиборан 60 кун ичидан тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва банкни ихтиёрий тугатиш учун рухсат беради, agar:

банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор қонун хужжатларига мувофиқ қабул қилинган бўлса;

банк тўловга лаёқатли бўлса;

банк томонидан тақдим этилган хужжатларда тўлиқ ва етарли маълумотлар мавжуд бўлса;

тақдим этилган тугатиш режаси кредиторлар ва омонатчиларнинг талаблари тўлиқ қаноатлантирилиши учун имкониятлар бўлишини таъминласа;

банк Марказий банкнинг сўровномасига кўра банкни ихтиёрий тугатишга рухсат бериш шартлари бажарилганлигини аниқлаш учун зарур бўлган кўшимча хужжатларни белгиланган муддатда тақдим этган бўлса.

260. Марказий банк ихтиёрий тугатишга рухсат беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда ихтиёрий тугатишга рухсат бериш рад этилгани тўғрисидаги асослантирилган қарорни банкнинг кузатув кенгашига етказади. Зарур холларда Марказий банк тугатиш режаси ва жадвалининг қайта кўриб чиқилишини ёки кўшимча хужжатлар ва ахборот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

261. Марказий банк ихтиёрий тугатиш учун рухсат берганидан кейин банк лицензиясини чақириб олади.

* 16-илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

262. Агар ихтиёрий тугатиш жараёнида банкнинг тўловга лаёқатсиз эканлиги аниқланса, тугатиш комиссияси зудлик билан Марказий банкка хабар бериши ҳамда банкнинг молиявий ахволини тасдиқловчи тегишли хисобот ва ҳужжатларни тақдим этиши керак.

263. Марказий банк ушбу Низомнинг 262-бандида кўрсатилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ушбу Низомнинг 267-бандида кўрсатилган асослардан биронтаси мавжуд бўлган тақдирда, банкнинг тўловга лаёқатсизлиги тўғрисида қарор қабул қиласи ва мажбурий тугатиш жараёнини бошлайди.

264. Марказий банкнинг банкни ихтиёрий равишда тугатишни рад этиши, шунингдек, банкни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

3-§. Мажбурий тугатиш тартиби

265. Банк Марказий банк бошқарувининг лицензияни чақириб олиш тўғрисидаги қарорига асосан мажбурий тугатилади.

266. Марказий банк куйидаги ҳолларда лицензияни чақириб олишга ҳақли:

агар банк лицензияни олганидан кейин 12 ой ичida банк фаолиятини амалга оширишни бошламаган, бу фаолиятдан тўғридан-тўғри воз кечган ёки молиявий операцияларни 3 ойдан ортиқроқ муддат давомида амалга оширгмаган бўлса;

лицензия бериш шартлари банк томонидан бажарилмаганда;

банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида кўрсатилган қўпол қоидабузарликлардан бири банк томонидан содир этилганда;

агар банк кетма-кет келувчи 3 чоракнинг ҳар бирида банк регулятив капиталининг 10 фоизидан ортиқ ёки муддатидан қатъи назар, регулятив капиталнинг 50 фоизидан ортиқ микдорда зарар кўрган бўлса ёки зарар кўриш эҳтимоли мавжуд бўлса;

Ўзбекистон Республикасида банк ташкил этган чет давлат банкидан лицензия чақириб олинганда;

банк тўловга қобилиятындан бўлиб қолганда.

267. Банкнинг тўловга қобилиятындан деганда қуйидаги ҳоллар тушиналади:

банк мижозларнинг ўзига нисбатан қўйган талабларини 15 кун ичida тўлашга қодир бўлmas;

банкнинг мажбуриятлари унинг активларидан ортиб кетса;

омонатчилар ва кредиторлар томонидан банкка ишониб топширилган маблағларнинг бутлигига хавф солувчи ҳар қандай бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса.

268. Банк бошқаруви банкнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолларда дарҳол Марказий банкка хабар бериши керак.

4-§. Тугатиш комиссияси

269. Банкни ихтиёрий тугатишда банкнинг тугатиш комиссияси олдиндан Марказий банк билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тайинланади. Агар тугатиш комиссияси тайинланмаган бўлса, банкни тугатиш бўйича комиссия Марказий банк бошқарувининг карори билан ташкил этилади.

270. Банкни мажбурий тугатиш чоғида тугатиш комиссияси Марказий банк томонидан тайинланади.

271. Марказий банк тугатиш комиссияси таркибига Марказий банк ходимларини киритишга ҳақли.

272. Тугатиш комиссияси раҳбари ва аъзолари мазкур Низомнинг III бўлими талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

273. Тугатиш комиссияси тайинланган вақтдан бошлаб, унинг зиммасига қўйидаги мажбуриятлар юклатилади:

банк активлари ва пассивларини тўлиқ назорат қилиш;

банкни бошқариш билан боғлиқ жавобгарлик;

банк активларини кредиторлар талабларини максимал қондирилишини таъминловчи нархда сотиш;

хар З ойда камида бир марта тугатиш жараёни, жумладан, сотилаётган активлар тўғрисидаги маълумотларни батафсил акс эттирадиган мунтазам хисоботларни тузиш ҳамда бу хисоботларни Марказий банкка тақдим этиш.

274. Тугатиш комиссияси ноқонуний ёки атайн нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида банкка келтирилган зарар учун жавобгардир.

275. Тугатиш комиссияси тугатиш билан боғлиқ нормал операцион таваккалчилик тоифасига кирувчи заарлар учун жавоб бермайди.

276. Тугатиш комиссия қўйидаги хукуқларга эга:

банк активларини аниқлаш ҳамда тугатиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда мулк эгаси ва банк бошқаруви органлари ваколатлари доирасида уларни тасарруф этиш;

тугатиш ишлари ва банк фаолиятини тугатиш мақсадларига мувофиқ банк номидан унинг раҳбарияти вазифаларини бажариш;

банк активлари ва мулкини захирага олиш;

банк хужжатлари ва мулки, шунингдек, гаров таъминоти сифатида берилилган бошқа мол-мулк бутлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

тугатиш жараёнини амалга ошириш учун мустақил мутахассислар таркибидан ходимларни, шунингдек, ўз хоҳишига кўра банк ходимларини (коровуллардан тортиб малакали маслаҳатчиларгача) шартнома асосида ёллаш (бундан банк кредиторлари мустасно);

тугатилаётган банкнинг молиявий ахволини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат қонун хужжатларига мувофиқ ходимларга иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

тугатилаётган банк номидан судда иштирок этади;

омонатчилар ва кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағлар етишмаса тугатиш комиссияси банк мулкини сотиш хуқуқига эга;

банк номидан талаблар кўйиш, банк кредиторлари талабларининг қонунийлигини аниқлаш ва қонуний деб топилган талабларни қондириш.

277. Тугатиш комиссияси томонидан амалдаги қонун хужжатлари бузилган тақдирда Марказий банк бошқа тугатиш комиссияси аъзолари тайинланишини талаб қилишга ҳакли.

278. Тугатиш комиссияси тайинлангунга қадар охирги уч ой давомида кредиторларнинг бирига ёки банкка алоқадор исталган шахсга имтиёз бериш мақсадида амалга оширилган тўловлар ва бошқа актив операциялар тугатиш комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, бундан омонатларни олиш, иш ҳақига доир оддий тўловлар ёки бошқа мукофотлар мустасно. Бу ҳолда тугатиш комиссияси амалга оширилган тўлов ёки банкнинг бошқа актив операциялари ҳақиқий эмас деб тан олиниши тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қиласди.

5-§. Моддий назорат ва инвентаризациялаш

279. Банк тугатилаётганда, келиб тушаётган барча депозитлар ва гаров хатлари ижро этилмай, банк тугатилаётгани ҳақидаги хабарнома билан жўнатувчига қайталиши шарт.

280. Тугатиш жараёни бошлангач, тугатиш комиссияси банк мулкини инвентаризациялашни ташкил этиши ва оралиқ балансни тузиши шарт.

281. Марказий банк томонидан банкни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб тугатиш комиссияси банк активлари устидан қўйидагиларни назарда тутувчи жисмоний назоратни таъминлаши шарт:

хавфсизлик хизмати, қўриқлаш хизмати ва бошқа мавжуд воситалардан фойдаланган ҳолда банк бинолари ва жихозлари бутлигини таъминлаш;

қимматбаҳо буюмлар, шу жумладан, нақд пул, қимматли қофозлар, автомобиллар ва санъат асарларини тугатиш комиссияси ихтиёрига ўтиши; эшик қулфларини алмаштириш;

банк хужжатлари ва мулкидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадида қўриқлаш хизматини алмаштириш.

282. Фирибгарлик ёки жиноий фаолият тўғрисида шубҳа туғдираётган ҳоллар (айниқса ҳорижий валютадаги ҳисобваракларда) аниқланса, тугатиш комиссияси зарур чоралар кўриш учун бу ҳақда зудлик билан Марказий банкка маълум қилиши зарур.

283. Расмийлаштирилиши тугалланмаган депозитлар ва кредитларни қоплаш учун тугатиш жараёни бошлангунга қадар олинган маблағларга доир ишлар ниҳоясига етказилиши ҳамда ва мижозларнинг тегишли ҳисобваракларида акс эттирилиши лозим.

284. Банкнинг сўнгги иш кунига яқуний баланс тайёрланиши лозим.

285. Тугатиш комиссияси Марказий банкнинг банк жойлашган ердаги Бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказида маҳсус тугатиш ҳисобвара-

тини очади. Ҳорижий валюта улар учун мўлжалланган алоҳида тугатиш ҳисобваракларида сақланиши зарур. Банк ресурслари ушбу ҳисобваракларга ўтказилади. Фақат тугатиш комиссияси тугатиш ҳисобваракларидан фойдаланишнинг мутлақ ҳукуқига эга.

286. Активларни сотишдан тушган барча тушумлар тугатиш ҳисобваракларида сақланади.

287. Тугатиш комиссияси банкнинг вакиллик ҳисобвараклари, айниқса чет эл банкларидағи ҳисобвараклар устидан алоҳида назорат ўрнатиши зарур.

288. Тугатиш комиссияси банк маблағлари сақланаётган Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисидаги барча молия муассасаларига банк тугатилаётгани ҳамда уларнинг маблағларини ўтказиш фақат тугатиш комиссиясининг рухсати билангина амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисида хабар бериши керак.

Бундай хабарлар ёзма, шу жумладан, электрон шаклда юборилади. Тугатиш комиссияси тугатиш ҳисобварагига банкнинг Ўзбекистон Республикаси ёки чет эл банклари ҳисобваракларидаги маблағларини ўтказиш чораларини кўриши лозим.

289. Активларни текшириб, зарур бўлган хабарномаларни жўнатгандан сўнг, тугатиш комиссияси қўйидагилар асосида тугатиш ҳисботини тайёрлаши лозим:

- якуний баланс;
- вакиллик ҳисобвараклари ҳолати тўғрисидаги ҳисботларни қиёслаш;
- валютадаги пул маблағлари ҳисобини юритиш;
- банк инвентарлаш рўйхатлари бўйича жиҳозларни текшириш;
- баланс ва кредит портфели бўйича кредиторлик қарзларини текшириш.

6-§. Активларни баҳолаш ва сотиш

290. Банкнинг молиявий активлари қўйидагилардан иборат:

- пул маблағлари;
- кредитлар;
- кимматли қоғозлар;
- валюта қимматликлари.

291. Миллий ва чет эл валюталаридаги банкноталар, тангалар ва банк вакиллик ҳисобваракларидаги маблағлар шаклидаги молиявий активлар номинал қиймати бўйича баҳоланади.

292. Банкнинг кредит портфели ажратилган кредитларни учинчи томонга сотиш ёки бу қарзлар бўйича маблағларни олиш имконини берадиган бошқа йўл билан тугатилади.

293. «Стандарт» сифатида тавсифланган кредитлар бозор нархида сотилиши керак. «Стандарт» сифатида тавсифланган кредитлар ўз номинал қийматидан паст нархда сотилганда тугатиш комиссияси тугатиш тўғрисидаги ҳисботда ушбу нархларни асослашга мажбур. Бунда кредитнинг номинал қиймати у сотилган санага қараб белгиланади ва кредитнинг сўнди-

рилмаган қисми, шунингдек, у бўйича ҳисобланган ва олинмаган фоизлар суммасидан таркиб топади.

294. Номолиявий активларга қўйидагилар киради:
бинолар ва иншоотлар;
транспорт воситалари;
санъат асарлари;
оргтехника;
мебель, жихозлар ва банкнинг бошқа мулки.

295. Номолиявий активлар тугатиш комиссияси томонидан баҳоловчи ташкилот иштирокида баҳоланади. Тугатиш комиссияси номолиявий активлар нархига таъсир этувчи барча ахборот ва омилларни ўрганади ва шулар асосида тахминий сотув нархини белгилайди. Бинолар, иншоотлар ва транспорт воситалари кўчмас мулкни баҳолашга доир белгиланган талабларга мувофиқ баҳоланади.

296. Номолиявий активлар баҳоланганидан кейин тугатиш комиссияси потенциал харидорларга активлар сотилиши кўзда тутилаётганлиги хақида хабар беради ёки қонун ҳужжатлари ва мазкур Низомда кўзда тутилган ҳолларда банк мулкини сотади.

297. Харидорлар билан музокаралар давомида сотилаётган номолиявий активларнинг дастлабки нархи ўзгариши мумкин. Агарда актив ҳисоб-китоб қийматидан анча паст нархда сотилса, тугатиш комиссияси ушбу ҳолат сабабларини ҳужжатлаштириши шарт. Кўрсатилган ҳужжатлар ҳисботда акс эттирилади ва унга илова қилинади.

7-§. Омонатчилар ва кредиторлар талабларини қондириш

298. Тугатиш комиссияси тайинланган санадан эътиборан 2 кун ичida оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, банкнинг расмий веб-сайтида банк тугатилганлиги, шу жумладан, унинг омонатчилари ва кредиторлари томонидан талабларни каноатлантириш тўғрисидаги аризаларни бериш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги эълонни чоп этиши шарт. Талабларни тақдим этиш муддати банк тугатилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинган кундан эътиборан икки ойни ташкил этади ва мазкур муддат тугаганидан сўнг тугатиш комиссияси томонидан талаблар қабул қилинмайди.

299. Тугатиш комиссияси қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ахборотни ҳам ошкор қилиши керак.

300. Тугатиш комиссияси банкни тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида барча кредиторлар ва омонатчиларни ёзма равишда хабардор қиласи. Бунда тугатиш комиссияси хабарномада уларнинг шахсий ҳисобваракларида қайд этилган қарз ёки омонат миқдорини, шунингдек, талбларни тақдим этиш мудаттини, ушбу муддат тугаганидан кейин талаблар қабул қилинмаслигини ва кўриб чиқилмаслигини кўрсатади.

301. Кредиторлар ва тугатилаётган банкнинг ўзаро мажбуриятлари мавжуд бўлса, улар ўзаро қопланишига йўл қўйилади.

302. Ўзаро қопланиш қўйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

ўзаро қопланишга фақат тўлов муддати етиб келган мажбуриятлар бўйича рухсат этилади;

бирон бир мажбурият бўйича эътиroz билдирилмайди;

иккала томон ҳам қарзни инкассо қилиш ва тўлаш хукуқига эга бўлиши шарт;

автоматик равишда ўзаро қоплашга йўл қўйилмайди, томонлар бирбирига ариза билан мурожаат қилишлари шарт;

турли валюталардаги мажбуриятларнинг ўзаро қопланиши уни бажариш кунидаги Марказий банкнинг курси бўйича амалга оширилади;

банкка алоқадор шахслар банк олдидаги мажбуриятларини бажармаса, уларга банкнинг бошқа қарздорларига қўйилаётган талаблар қўйилади;

банкка алоқадор шахсларга берилган қарзларга оид мажбуриятларнинг ўзаро қопланишига рухсат этилмайди;

акциядорнинг акциядорлик капиталини тўлашга доир банк олдидаги мажбуриятлари банкнинг ушбу акциядор олдидаги бошқа мажбуриятлари билан қопланиши мумкин эмас.

Ўзаро қоплашда омонатчилар ва кредиторлар талабларини қондириш навбати хисобга олинади.

303. Банк тугатилаётганда унинг кредиторлари талаблари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қондирилади.

Жисмоний шахс бўлган омонатчилар тугатишдан келиб тушган тушумлар хисобига ўз омонатларини олишда устуворликка эгадирлар, бундан банкка алоқадор бўлган шахслар мустасно.

304. Тугатилаётган банкнинг мулки бир навбатдаги барча талабларни тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, мавжуд маблағлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

305. Қўйидаги ҳолларда кредиторларнинг талабларини қондириш рад этилиши мумкин:

талабномалар белгиланган муддат ўтганидан сўнг олинган бўлса;

тугатиш комиссияси томонидан асоссиз деб топилган бўлса.

306. Кредиторлар томонидан талабларни тақдим этиш муддати тугаганидан сўнг тугатиш комиссияси кредиторлар талабларини қондиришга доир қўйидаги чораларни кўриши лозим:

қабул қилинган талаблар рўйхатини тузиш;

тугатиш комиссияси тасдиқламаган талабларни рад этиш;

хар бир кредитор қарзи миқдори ва талабларни тўлаш кетма-кетлигини белгилаш;

кредиторга уларнинг талаблари қабул қилинганлиги ёки рад этилганини тўғрисида маълум қилиш;

оралиқ балансни тузиш.

307. Кредиторлар талабларини қондириш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома ёзма тарзда жўнатилиши лозим.

308. Кредитор талабларини қондириш рад этилган ёки уни кўриб чи-

кишдан бош тортилган ҳолда у тугатиш комиссиясига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

309. Тугатилаётган банкнинг мулки етарли бўлмаганлиги туфайли кредиторнинг қондирилмаган талаблари тўланган хисобланади.

Кредитор даъво билан судга мурожаат қилмаган бўлса, тугатиш комиссияси томонидан тан олинмаган ҳамда суд қарори билан кредиторнинг талаблари қондирилиши рад этилган талаблар тўланган хисобланади.

310. Кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг тугатилаётган банкнинг қолган мулки қонун хужжатларида белгиланган тартибда тақсимлаш учун банк акциядорларига берилади.

8-§. Тугатиш жараёнини якунлаш

311. Тугатиш ишлари якунланганидан сўнг тугатиш комиссияси бажарилган ишлар тўғрисидаги якуний ҳисботни ва тугатиш балансини тузади.

312. Тугатиш комиссияси Марказий банкка қўйидаги хужжатларни тақдим этади:

тугатиш комиссиясининг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисботи;

акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг банкни тугатиш тўғрисидаги қарори (ихтиёрий равишда тугатилганда);

оммавий ахборот воситаларида чоп этилган банкни тугатиш тўғрисидаги эълонлар нусхалари;

тугатиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарор;

банкнинг охирги иш кунидаги баланси;

тугатиш (ноль) баланси;

балансдан ташқари ҳисобвараклар бўйича тугатиш (ноль) баланси;

банк хужжатлари ва йиғмажиллари йўқ қилиш учун ажратилганлиги тўғрисидаги далолатнома;

банк электрон базасидаги хужжатлар ва маълумотларни архивда саклаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси;

банк муҳрлари ва штамплари йўқ қилинганлигини тасдиқловчи хужжат.

313. Марказий банк тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, банкни Банкларнинг давлат реестридан чиқариб ташлаш тўғрисидаги қарорни қабул қиласи.

314. Марказий банк давлат статистикаси органларига қонунчиликка мувофиқ банк тугатилганлиги тўғрисида хабарнома юборади.

315. Банк тугатилганидан сўнг унинг архиви, шу жумладан, тугатиш комиссиясининг операциялари бўйича хужжатлар, тугатувчи томонидан банк жойлашган жойдаги давлат архивига белгиланган тартибда топширилади.

VII бўлим. Якуний қоидалар

316. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

317. Банк фаолиятига рухсат беришга доир низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

318. Марказий банкнинг қарорлари устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

347 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-хукукий хужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3253*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-хукукий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган норматив-
хуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 28 мартағи 396-сон қарори билан тасдиқланган Банкларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 456, 1998 йил 23 июль).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/12-сон «Банкларни қайта ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 456-1, 2014 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 233-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 426-сон билан тасдиқланган Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 573, 1998 йил 19 декабрь).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1999 йил 2 апрелда 6/5-сон билан тасдиқланган Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 573-1, 1999 йил 10 июнь).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 19 мартағи 5/3-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-2, 2005 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 17-18-сон, 134-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/4-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-3, 2011 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 536-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/16-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-4, 2014 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 238-модда).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 25 июндаги 18/4-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-5, 2016 йил 19 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 29-сон, 352-модда).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/19-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 4.10-бандини ўз кучини йўқотган деб топиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-6, 2017 йил 6 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2017 й., 10/17/573-6/0384-сон).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 14 апрелдаги 14/20-сон «Банк устав капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 573-7, 2018 йил 2 май) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.05.2018 й., 10/18/573-7/1152-сон).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 9 ноябрдаги 240-сон қарори билан тасдиқланган Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида низом (рўйхат рақами 626, 1999 йил 11 февраль).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2005 йил 12 марта 3-А/2-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-1, 2005 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 12-13-сон, 93-модда).

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/13-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-2, 2010 йил 8 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 409-модда).

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/15-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-3, 2014 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 232-модда).

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 9 августдаги 25/4-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-4, 2014 йил

10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 477-модда).

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 мартағи 8/12-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-5, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 166-модда).

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/21-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1.5-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-6, 2017 йил 6 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.12.2017 й., 10/17/626-6/0385-сон).

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/11-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 626-7, 2019 йил 28 февраль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2019 й., 10/19/626-7/2687-сон).

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда).

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 24 апрелдаги 16/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-1, 2010 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 168-модда).

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 19 февралдаги 6/1-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-2, 2011 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 10-11-сон, 112-модда).

22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 5 ноябрдаги 34/5-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-3, 2011 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 534-модда).

23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2012 йил 18 августдаги 24/11-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-4, 2012 йил 19 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 439-модда).

24. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил

23 мартағи 7/3-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-5, 2013 йил 9 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 209-модда).

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 12 октябрдаги 18/1-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-6, 2013 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 44-сон, 583-модда).

26. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 апрелдаги 12/14-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-7, 2014 йил 20 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 21-сон, 248-модда).

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 27 декабрдаги 46/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-8, 2015 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 2-сон, 23-модда).

28. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/9-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-9, 2015 йил 30 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 30-сон, 405-модда).

29. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/10-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-10, 2015 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 37-сон, 495-модда).

30. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 мартағи 8/9-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-11, 2016 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 16-сон, 163-модда).

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-12, 2017 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 1025-модда).

32. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил

30 июндаги 22/5-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-13, 2018 йил 31 июль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.08.2018 й., 10/18/2014-13/1606-сон).

33. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/8-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-14, 2018 йил 14 сентябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.09.2018 й., 10/18/2014-14/1881-сон).

34. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-15, 2019 йил 12 март) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.03.2019 й., 10/19/2014-15/2763-сон).

35. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 13 июлдаги 15/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-16, 2019 йил 30 июль) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.07.2019 й., 10/19/2014-16/3490-сон).

36. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/6-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2014-17, 2019 йил 31 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 10/19/2014-17/3982-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИНГ
ҚАРОРИ

348 Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади**:

1. Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини ўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 июнь,
15/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
27 июндаги 15/9-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини
юритиш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилоти деб юритилади) учун бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Йўриқномада бухгалтерия операцияларини амалга ошириш, расмийлаштириш, ҳисобини юритиш ва назорат қилиш бўйича белгиланган талаблар барча микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари (бундан буён матнда ипотека ташкилоти деб юритилади) учун мажбурийdir.

2. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва мазкур Йўриқномага, ипотека ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва мазкур Йўриқномага мувофиқ ўз ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ва амалда қўллаши, шунингдек, иш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар айланиш тартибини белгилаши лозим.

3. Нобанк кредит ташкилотининг ва ипотека ташкилотининг бухгалтерия операцияларини ҳисобваракларда акс эттириш мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида* келтирилган Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобвараклари режасига (бундан буён матнда Ҳисобвараклар режаси деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Бухгалтерия хизмати ва унда бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларини юритишни ташкил этиш

1-§. Бухгалтерия хизматини ташкил этиш

4. Нобанк кредит ташкилотининг раҳбари (бундан буён матнда раҳбар деб юритилади) ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилишини, ички назорат тартибini, бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва ишончли юритилишини, ҳисоб ҳужжатларининг бут сақланишини ташкил этиш, молиявий ҳисоботнинг тайёрланнишини, солиқ ҳисоботининг ва бошқа молиявий ҳужжатларнинг тайёрланнишини, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан белгиланган талабларга риоя этилишини таъминлаши шарт.

5. Нобанк кредит ташкилотининг бухгалтерия ҳисоби хизматига бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс (бундан буён матнда бош бухгалтер деб юритилади) раҳбарлик қиласи.

6. Бош бухгалтер лавозимга раҳбар томонидан тайинланади ва озод қилинади.

7. Бош бухгалтер лавозимга тайинланади ёки лавозимидан озод қилинаётганда, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи ахволини акс эттирувчи қабул қилиш-топшириш далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қабул қилувчи ва топширувчи бош бухгалтерлар томонидан имзоланади ва раҳбар томонидан тасдиқланади. Агар ишлаб турган бош бухгалтер вафот этган ёки бошқа сабабларга кўра қабул қилиш-топшириш жараёнида иштирок эта олмаса, қабул қилиш-топшириш далолатномаси раҳбар ва ишни янги қабул қилувчи бош бухгалтер томонидан имзоланади.

8. Нобанк кредит ташкилотида пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, шунингдек, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятномалари раҳбар ва бош бухгалтер ёки шундай ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Бу ваколатли шахсларга ҳужжатларни имзолаш хуқуқининг берилиши раҳбарнинг бўйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Бош бухгалтери зиммасига пул маблағлари ва моддий бойликлар учун бевосита моддий жавобгарлик билан боғлиқ вазифалар, шунингдек, раҳбар вақтинча ишда бўлмаганда унинг вазифаларини бажариб туриш юклатилиши мумкин эмас.

10. Бош бухгалтер вақтинча ишда бўлмаганда (хизмат сафарида, таътилда, касаллик ва шу кабиларда) бош бухгалтернинг вазифаларини бажариш бош бухгалтер ўринбосари зиммасига, ўринбосар ҳам ишда бўлмаганда раҳбарнинг бўйруғига асосан молиявий операцияларни билувчи малакали бошқа ходим зиммасига юклатилади.

11. Бош бухгалтер вазифаларига қўйидагилар киради:

бухгалтерия ҳисоби ҳисобваракларида операцияларнинг кунлик ўз вақтида ва тўғри акс этирилиши;

молиявий ва назоратга оид ҳисоботларнинг тўғри, ҳаққоний ва ўз вақтида тузилишини ҳамда белгиланган муддатларда тегишли органларга тақдим этилишини таъминлаш;

бухгалтерия ҳужжатларининг бут сақланиши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ва архивга топширилишини таъминлаш;

бошқа бўлинмалари билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида молиявий фаолиятни таҳлил қилиш;

моддий ва молиявий ресурслардан оқилона, тежамкорлик билан фойдаланилиши ҳамда мулкнинг бут сақланиши устидан доимий назорат олиб бориш;

нобанк кредит ташкилоти фаолиятида унинг молиявий ҳолатига таъсир этувчи юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товар-моддий бойликлардан самарасиз ёки ноқонуний фойдаланилиши, амалдаги қонунчилик талабларининг бузилиши ҳолатлари бўйича раҳбарга ахборот бериш;

раҳбарнинг бўйруғига асосан манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмайдиган бошқа вазифалар.

12. Нобанк кредит ташкилотининг бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимларининг лавозим вазифалари ишлаб чиқилиб, раҳбар томонидан тасдиқланган бўлиши зарур. Бухгалтерия хизмати ходимларига унинг лавозим мажбуриятларига мувофиқ маълум вазифаларни бажариш юклатилади.

13. Бош бухгалтер муҳрлар, штамплар ва қатъий ҳисобда турувчи

бланклардан фойдаланишда уларнинг йўқолиши ёки суюистеъмолчилик мақсадларида фойдаланиш шароитига имкон бермаслик учун сейфда сақланишини таъминлаши шарт.

2-§. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳужжатлари

14. Жамланма ва таҳлилий ҳисоб операциялари алоҳида бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд этилади. Синтетик ҳисоб юритишда бош китобдан ва аналитик ҳисоб юритишда ёрдамчи китоблардан фойдаланилади.

15. Бош китоб бу иккинчи тартибли баланс ҳисобвараклари режаси номенклатурасига мос иккинчи тартибли ҳисобвараклари гурухи бўлиб, у молиявий ҳисботларни тайёрлашда ишлатиладиган йиғма маълумотларни акс эттиради. Бош китобда ҳар бир ҳисобварак бўйича кун бошига қолдик, кун давомида амалга оширган операцияларнинг дебет ва кредит айланмаси ва кун охирига қолдиқ суммалари акс эттирилади.

16. Ёрдамчи китоб ҳисобваракларига нисбатан олганда бош китоб ҳисобвараклари назорат ҳисобвараклари ҳисобланади.

17. Ёрдамчи китоблар бош китоб ҳисобваракларига очиладиган шахсий ҳисобвараклар, шунингдек, алоҳида маблағлар тури ва қимматликлар бўйича юритиладиган карточка, китоб ёки журнallар ҳисобланади ва уларда бухгалтерия операциялари батафсил ва тўлиқ акс эттирилади. Ёрдамчи китобларнинг шакли ва турлари ташкилот томонидан мустақил белгиланади ҳамда дастурий йўл билан юритилиши мумкин.

18. Барча кунлик операциялар ёрдамчи китобда хронологик тартибда акс эттирилади. Ёрдамчи китоб учун манба бўлиб, пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқа бухгалтерия бирламчи ҳужжатлар ҳисобланади.

19. Ёрдамчи китоблар Ҳисобвараклар режаси номенклатурасига мос иккинчи тартибли баланс ҳисобвараклари бўйича ҳар ой учун алоҳида юритилиши лозим.

20. Бош ва ёрдамчи китобларда хеч қандай тузатишлар қилинишига рухsat этилмайди. Ўчирувчи суюқликлар ёрдамида, шунингдек, суммаларни ўчириб ёзиш ва тузатиш йўли билан тузатишлар киритиш тақиқланади.

21. Ички операцияларни амалга оширишда мазкур йўриқноманинг 2-иловасига^{*} мувофиқ мемориал ордердан фойдаланилади.

Аниқланган хато ёзувлар ушбу хато ёзувлар киритилган ҳисобваракларга тескари ёзувлар киритиш йўли билан (сторно усулида) тузатиш мемориал ордерларини тузиш асосида тузатилади.

Тузатиш мемориал ордери матнида қачон ва қайси ҳужжатда хатога йўл кўйилгани кўрсатилиши керак, асос бўлган ҳужжатга (ариза, билдиришнома, хат ва бошқалар) ҳавола берилиши ва илова қилиниши керак.

22. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ҳамда бухгалтерия ҳисоби регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда электрон ҳужжат тарзida яратилиши, ишлов берилиши, тақдим этилиши ва сақланиши мумкин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

23. Хисоб регистрлари техника воситаларидан, ахборот тизимларидан ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда юритилганда, кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш бўйича ёрдамчи китоб ҳар бир иш куни учун, бош китоб ҳар ой учун алоҳида қофозга чоп этилиб, хронологик тартибда тикилади, ўсиб бориш тартибida рақамланади ҳамда вараклар сони кўрсатилган ҳолда раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади.

24. Ёрдамчи китобларда акс эттирилган молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳар ой охирида ҳар бир хисобваракнинг дебет ва кредити бўйича айланма суммаси жамланади ва ҳисбот даврининг охирига қолдиқ чиқарилади.

3-§. Ҳисобга олиш даври

25. Ҳисобга олиш даври молиявий операциялар амалга оширилган вақтдан бошланиб, молиявий ҳисботларни тузиш ва ҳисобваракларни ёпишгача бўлган ҳисоб жараёнининг кетма-кет босқичини ўз ичига олади.

26. Ҳисобга олиш даври қўйидаги босқичлардан иборат:
бирламчи хужжатларни расмийлаштириш (пул ҳисоб-китоб хужжатлари ва бошқа хужжатлар);
ёрдамчи китобларда операцияларни рўйхатга олиш;
ёрдамчи китоблардаги жами суммани кунлик бош китобга ўтказиш;
бош китоб асосида молиявий ҳисботни тайёрлаш.

3-боб. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардларда бухгалтерия операциялари ҳисоби

1-§. Касса операцияларининг бухгалтерия ҳисоби

27. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардларда касса операциялари Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига (рўйхат рақами 1719, 2007 йил 24 сентябрь) мувофиқ амалга оширилади.

28. Кирим ва чиқим касса операциялари устидан назорат қилиш бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари томонидан ёки раҳбар буйруғига асосан ташкилотнинг бошқа масъул шахси томонидан амалга оширилади.

29. Накд пул маблағларини кассадан беришда, мазкур Йўриқноманинг З-иловасига* мувофиқ шаклда бир нусхада чиқим касса ордери расмийлаштирилади, чиқим касса ордерларини қайд этиш бўйича ёрдамчи китобга тегишли ёзувлар киритилади, ташкилот раҳбари ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ҳамда кассага топширилади.

30. Накд пул маблағларини кассага кирим қилишда, мазкур Йўриқноманинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда бир нусхада кирим касса ордери расмийлаштирилади, кирим касса ордерларини қайд этиш бўйича ёрдамчи китобга тегишли ёзувлар киритилади. Кирим касса ордери пул маблағла-

* 3-4-иловалар «Конун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

рини топширувчи ва бош бухгалтер томонидан имзоланиб, кассага топширилади.

31. Кирим ва чиқим касса ордерлари масъул шахснинг кирим ва чиқим бўйича маҳсус штамплари билан тасдиқланади.

32. Кассир кун охирига касса қолдигини чиқариб, бош бухгалтерга кассир ҳисоботи сифатида йиртиб олинган иккинчи варагни (касса дафтирадаги бир кунлик ёзувлар нусхасини) кирим ва чиқим касса ордерлари билан биргаликда тақдим қиласди.

Ўз навбатида, бош бухгалтер томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини қайд этиш журналларидаги ёзувлар кассир ҳисоботидаги маълумотлар билан ҳамда кун охирига чиқарилган касса қолдиги кассада ҳақиқатда мавжуд бўлган нақд пул маблағлари суммаси билан солиширилади.

Солишириш натижаси тўла мос келганда бош бухгалтер касса дафтирига имзо чекади. Шундан сўнг, кун давомида амалга оширилган касса операциялари бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида акс эттирилади.

Солишириш натижаси мос келмаганда, камомад суммаси «Ходимлар билан бўладиган ҳисоб-китоблардаги ундириб олиниши лозим бўлган маблағлар» ҳисобварағининг дебетига, ортиқча пул маблағлари «Бошқа фоизсиз даромадлар» ҳисобварағининг кредитига олиб борилади.

2-§. Кредит операциялари ҳисоби

33. Микрокредит ташкилоти, ломбард ва мижоз ўртасида кредит (шунингдек, микрокредит, микроқарз, микролизинг) шартномаси имзоланган санада мижозга кредит ҳисобварафи очилади.

34. Амалдаги кредит шартномалари бухгалтерияда бош бухгалтер жавобгарлиги остида сақланади. Сўндирилган шартномалар жорий архивда қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида сақланади.

35. Микрокредит ташкилоти, ломбард томонидан берилган кредит маблағлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизлар ҳисоби ҳисобварақлар режасига асосан юритилади.

36. Кредит бўйича фоизларни ҳисоблаш микрокредит ташкилоти, ломбард ҳамда мижоз ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан қолдиқ миқдорига нисбатан кунлик ҳисобланади.

37. Кредитлар бўйича фоизлар кредит берилган кундан бошлаб ҳисобланади ҳамда кредит сўндирилган кун учун фоизлар ҳисобланмайди. Фоизларни тўлаш тартиби ва муддатлари кредит шартномаси билан белгиланади.

38. Микрокредит ташкилоти, ломбард томонидан берилган кредитнинг асосий суммаси ёки фоизлар қайтарилиши 60 ва ундан ортиқ кунга кечиктирилганда ушбу кредитларга ўстирмаслик мақоми берилади, раҳбар бўйруғига асосан бундай кредитлар бўйича фоизларни баланс ҳисобварақларида ҳисоблаш тўхтатилади ҳамда улар бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган барча фоизлар тескари бухгалтерия ўтказмаси берилган ҳолда, фоизларни ҳисоблаш кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига ўтказилади.

39. Фоизлар балансдан ҳисобдан чиқарилганидан сўнг, фоизларни ке-

йинги ҳисоблаш факат балансдан ташқари ҳисобваракларда кредит шартномасида белгиланган муддат давомида амалга оширилади.

40. Микрокредит ташкилотининг активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захиралари Микрокредит ташкилотлари томонидан активлар сифатини таснифлаш, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захираларини яратиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат раками 2378, 2012 йил 16 июль) талаблари асосида шакллантирилади.

41. Ломбард томонидан ажратилган кредит гаров билан таъминланмаган ҳолатга келганда (гаров нарсаси йўқотилганда, ўғирланганда, форс-мажор ҳолатларда) мазкур кредитлар ўз таъминотини йўқотган деб ҳисобланади ва улар бўйича 100 фоиз микдорида қўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш захираси шакллантирилади.

42. Активлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш захирасига ўтказмалар тегишли харажатлар ҳисобвараклари орқали амалга оширилади.

43. Активлар бўйича қўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш захирасини камайтириш харажат ҳисобваракларини камайтириш (захира ҳисбот давридан олдинги даврида шакллантирилган бўлса даромад ҳисобварагини ошириш) орқали амалга оширилади.

44. Юқори бошқарув органи қарори асосида тегишли захиралар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар ҳисоби «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобваракларда юритилади.

45. Активлар балансдан ташқари «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобваракларида камида 3 йил мобайнида юритилади.

Балансдан ташқари ҳисобваракларда ҳисоби юритилаётган актив ва унга ҳисобланган фоизлар юқори бошқарув органининг қарори асосида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

46. Ҳисобдан чиқарилган активлар мижоз томонидан тўлов амалга оширилганда, ушбу суммалар тегишли даромад ҳисобваракларида акс этирилади.

Бунда, барча кейинги тўловлар, бошқа келишув бўлмаса, биринчи навбатда кредит бўйича пенялар, сўнгра фоизлар ва кредитнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилади.

3-§. Кредит таъминоти сифатида гаровга ҳамда сақловга қабул қилинган мулклар ҳисоби

47. Кредит таъминоти сифатида гаровга ёки сақловга қабул қилинган мол-мулклар, мулкий ҳуқуқлар ҳамда қимматли қофозлар ҳисоби балансдан ташқари ҳисобваракларда юритилади.

48. Гаровга кўйилган ёки сақловга қабул қилинган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар, бошқа келишув бўлмаса, биринчи навбатда кредит бўйича пенялар, сўнгра фоизлар ва кредитнинг асосий қарзини қоплашга йўналтирилиши лозим.

49. Гаровга қўйилган мол-мулк сотилишидан тушган маблағлар кредит бўйича талабни қондиришга етарли бўлмаса, етмаган сумма миқдорида шакллантирилган кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш захираси ҳисобидан хисобдан чиқарилади.

50. Агар, кредитни сўндириш гаровга олинган мулк ҳисобидан, ушбу мулкка эгалик ҳуқуқини олиш орқали амалга оширилса, кредитнинг баланс қиймати ёки гаровга олинган мулкнинг ҳаққоний қийматидан (уни сотиш билан боғлиқ харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда) энг ками бўйича ҳисобга олинади.

4-§. Асосий воситалар ҳисоби

51. Ўз фаолиятида молиявий хизматларни кўрсатиш жараёнида, ижарага бериш учун ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган, шунингдек, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиш кўзда тутилган моддий активлар асосий воситалар бўлиб ҳисобланади.

Рахбар ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

52. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, компьютерлар, мебель, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, фойдаланиш ҳуқукларида харид қилинган ер, кутубхона фонди ва бошқалар киритилади.

Балансда асосий воситалар баланс (қолдик) қиймати бўйича акс эттирилади. Асосий воситалар кирим қилинганда балансда бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади.

Бошланғич қийматга асосий воситани сотиб олиш ёки уни барпо этиш (бино қуриш ва қурилишни тугаллаш) билан боғлиқ барча харажатлар, шу жумладан, тўланган соликлар, божхона божлари ва йифимлари ҳамда етказиб бериш, монтаж, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ бевосита активдан белгиланган мақсадда фойдалана олиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа барча харажатларнинг суммаси киритилади.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қонунчиликда белгиланган муддатларда қайта баҳоланади. Асосий воситаларни қайта баҳолаш билан ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тикланиш қиймати дейилади.

53. Асосий воситаларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган тўловлар олдиндан тўлиқ ёки қисман ўтказилганда, ўтказилган сумма 19909 — «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар» ҳисобварафида ҳисобга олинади.

Асосий воситалар келиб тушганда асосий воситаларнинг тегишли ҳисобварафи дебетланади, 19909 — «Олиниши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар» ҳисобварафи кредитланади.

54. Асосий воситалар кирим қилгандан сўнг тўлов амалга оширилса, асосий воситалар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳисоби 29802 — «Тўланиши лозим бўлган маблағлар — Товар-моддий қимматликлар ва хизматлар учун» ҳисобварафида юритилади.

55. Текинга олинган асосий воситалар таъсисчилардан олинганда 30905 — «Текинга олинган мулклар» хисобваракда ёки бошқа шахслардан олинганда ҳамда инвентаризация натижасида ортиқча аниқланган тақдирда 45994 — «Бошқа фоизсиз даромадлар» хисобваракда юритилади.

56. Асосий воситаларга амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг фойдалилик хизмати муддати ичидаги унинг бошланғич қиймати асосида тугатиш қийматини айриши билан эскириш хисобланади.

Тугатиш қиймати деганда асосий воситанинг фойдалилик хизмати муддати тугаш вақтида уни тугатиш билан боғлиқ харажатларни айргандан сўнг олинадиган қиймат хисобланади.

Эскиришни хисоблаш қўйидаги усувларда амалга оширилиши мумкин: тўғри чизиқли хисоблаш усули; бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда хисоблаш усули; тезлаштирилган усул (камайиб борувчи қолдик усули ва йиллар йиғинди усули).

57. Эскиришни хисоблашнинг танланган усули хисоб сиёсатида белгиланиши ва хисбот ўили давомида ўзгармаслиги лозим.

58. Асосий восита объектларининг бошланғич қийматини уларнинг ҳақиқий қийматига мослаштириш мақсадида қайта баҳоланади.

Агар ҳақиқий қийматни етарлича даражада аниқлаш имконияти мавжуд бўлса, барча асосий воситалар битта гурух доирасида қайта баҳоланган қиймати бўйича акс эттирилади. Қайта баҳоланган қиймат бу объектларнинг қайта баҳолаш давридаги ҳақиқий қийматидан йиғилган эскириш ва қийматнинг пасайишидан кўрилган зарар суммаси чегириб ташланган қийматdir.

59. Асосий воситаларнинг алоҳида объектларини қайта баҳолашда асосий воситаларнинг ушбу объектига тегишли барча гурухлари қайта баҳоланади. Асосий воситаларнинг бир гурухи таркибидаги объектлар бир вақтда қайта баҳоланади.

60. Микрокредит ташкилоти, ломбард тасаррүфидаги барча асосий воситалар, уларнинг хўжалик қарамоғида ёки оператив бошқарувида бўлган, шунингдек, учинчи томонга ижарага берилган ва учинчи томондан молиявий ижарага олинган мол-мулк, фойдаланилмайдиган ва фойдаланилмайдиган мол-мулк, консервацияда сакланаётган, хисобдан чиқаришга тайёрлаб кўйилган, лекин тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилмаган, шунингдек, тугалланмаган курилиш объектлари ва ўрнатишга мўлжалланган асбоб-ускуналар қайта баҳоланиши керак.

Ер ва табиатдан фойдаланиш объектлари қиймати қайта баҳоланмайди.

61. Қайта баҳолаш мустақил равишда ёки баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган баҳоловчи ташкилотларни жалб қилган ҳолда амалга оширилади. Асосий воситалар объектининг ҳақиқий қиймати уларнинг бозор қиймати хисобланади.

62. Асосий воситаларни қайта баҳолашда қўйидаги усувлар қўлланилади:

индекс усули;
тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули.

63. Қайта баҳолашнинг индекс усулида асосий воситаларнинг баланс қиймати ва қайта баҳолаш кунига шу активларнинг йиғилган эскириши маълум индексдан фойдаланилган ҳолда қайта баҳоланади. Шундан кейин активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириш билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

64. Банланс қиймати деганда активнинг жамғарилган амортизация ва қайта баҳолаш натижасида жамланган заарлар чегирилган ҳолдаги қиймати тушунилади.

65. Агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сума 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафида акс эттирилади.

66. Қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси»;

Кредит 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли хисобварафи (контр-актив).

Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг ўсган қиймати, ушбу актив бўйича олдинги қайта баҳолаш натижасига кўра харажат сифатида хисобга олинган қисмидан ошган миқдорида даромад сифатида хисобга олиниши лозим.

67. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситаларнинг ҳақиқий қиймати камайса, у харажат сифатида хисобга олинади. Ушбу сума 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафидан олдинги қайта баҳолаш натижасида мазкур актив бўйича ҳосил бўлган ижобий суммадан айириб ташланиши лозим.

68. Бунда қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейин жамланган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига қўйидаги бухгалтерия ўтказмаси берилади:

Дебет 165** — Асосий воситалар эскириш суммасининг тегишли хисобварафи (контр-актив);

Кредит 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси».

30908 — хисобварафида акс эттирилган олдинги қайта баҳолаш суммаси етарли бўлмаган ҳолда, камайиш ва олдинги қайта баҳолаш суммалари ўртасидаги фарқ суммаси харажат сифатида хисобга олинади ва 55995 — «Бошқа фоизсиз харажатлар» хисобварафида акс эттирилади.

69. Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, алоҳида объектлар қийматини шунга ўхшаш янги объектларнинг қайта баҳолаш санасида шаклланган, тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бозор қиймати асосида тўғридан-тўғри қайта хисоблаш орқали аниқланади.

Тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усулини қўллашда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини тегишли хужжатлар билан тасдиқлаш учун қўйидагилардан фойдаланиш мумкин:

тайёрлов ташкилотларидан ва уларнинг маҳсус дилерларидан, товар-хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ўхшаш активнинг нарх (баҳо)лари тўғрисида ёзма шаклда олинган маълумотлар;

асосий фондларни сотиб олиш ва қайта баҳолаш кунларидаги Марказий банк курсига нисбатан ҳисоб-китоб коэффициенти аниқланадиган эркин айирбошланадиган валютада сотиб олинган асосий фондларнинг қиймати (тасдиқловчи хужжат мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар;

тегишли давлат ташкилотларидағи нарх (баҳо)лар тўғрисида маълумотлар;

қайта баҳолаш даврида оммавий ахборот воситаларида ва маҳсус адабиётда эълон қилинган нарх (баҳо)лар тўғрисидаги маълумотлар;

баҳоловчи ташкилотнинг асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги ҳисоботи.

Тўғридан-тўғри усул билан асосий воситаларни қайта баҳолашда, бухгалтерия ҳисобида тегишли асосий восита бўйича ҳисобланган жамғарилган эскириш суммаси, шу активнинг қайта баҳолангандаги тикланиш қийматини қайта баҳолангунга қадар бўлган баланс қийматига бўлиш натижасида ҳосил қилинадиган коэффицентга кўпайтирилади.

70. Қайта баҳолашдан кейин активларнинг хақиқий қиймати уларнинг бошланғич тикланиш қиймати ва йиғилган эскириш суммаси билан таққосланади ва фарқ суммаларига мазкур параграфда белгиланган бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.

71. Активнинг қайта баҳоланган қиймати активнинг қолган ҳисоблаб чиқилган хизмат қилиш муддати давомида эскириш ҳисобланади.

72. 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағидаги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига ҳар ойда тегишли актив тикланиш қийматининг эскириш суммаси билан бошланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарқقا тенг равишда ёки ушбу актив фойдаланишдан чиқарилганда ёки сотилганида барча сумма бир йўла ўтказилиши мумкин.

30908 — ҳисобварақдаги суммани тақсимланмаган фойда ҳисобварағига олиб бориш тартиби ҳисоб сиёсатида белгиланади.

73. Асосий воситалар қўйидаги ҳолатларда балансдан чиқарилади:

тутатилганда;

сотилганда;

айирбошланганда;

текинга берилганда;

бошқа ташкилот устав фондига берилганда;

камомад аниқланганда;

таъсисчилар таркибидан таъсисчи чиқиб кетганда унга устав фондида-ги улушни мол-мулк ҳисобидан қайтарилиганда.

Актив хисобдан чиқарилаётганда 30908 — хисобваракда мазкур активга тегишли қайта баҳолашнинг ошган суммаси тўлиқлигича 31203 — ҳисобваракқа ўтказилади.

74. Асосий воситалар обьектларининг чиқиб кетиши ёки сотилишидан юзага келадиган фойда ёки заарлар активнинг чиқиб кетиши ёки сотилишидан олинган тушум билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Чиқиб кетиш ёки сотишдан олинадиган фойда ёки заарлар актив хисобдан чиқарилган пайтда молиявий натижалар тўғрисидаги хисоботда акс эттирилади.

75. Агар асосий воситалар фойдаланишга яроқли бўлса, хизмат муддати тугаганлигига қарамай, ушбу асосий воситалардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда асосий воситалар балансдан хисобдан чиқарилмайди ва эскириш хисобланмайди.

76. Микрокредит ташкилотлар ва ломбардлар асосий воситаларига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи барча ҳужжатлар — уларнинг баҳоси, суфурта полиси ва бошқа ҳужжатлари алоҳида йиғмажилларда сакланиши лозим.

5-§. Номоддий активларнинг ҳисоби

77. Номоддий активлар — бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан микромолиялаш хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Номоддий активларга патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, гудвилл (goodwill), савдо маркалари, компьютер дастурий таъминотлари, лицензиялар ва шу кабилар тегишлидир.

Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлса, унга моддий актив сифатида қаралади. Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлмаса, у номоддий актив хисобланади.

78. Сотиб олинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматини аниқлаш мазкур Йўриқноманинг 52-бандига мувофиқ аниқланади ва унинг ўзгаришига номоддий активларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Номоддий активлар билан боғлиқ харажатлар, агар ушбу харажатлар келажакда шу активлар бўйича дастлабки ҳисобланган меъёрлардан юкори иқтисодий фойда олиб келиши мумкин бўлса, уларнинг бошланғич (ҳақиқий) қийматига қўшилиши мумкин. Барча бошқа харажатлар, улар қайси даврда юзага келган бўлса, ўша даврнинг жорий харажатлари сифатида акс эттирилади.

79. Номоддий актив балансда дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олингандан кейин, қайта баҳолаш санасида, агар унинг бозор баҳосини аниқлаш мумкин бўлса, номоддий актив қайта баҳоланади ва қайта баҳоланган (тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

80. Қайта баҳолагандан сўнг номоддий активларнинг қайта баҳолангандан қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириши билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

81. Агар активнинг қайта баҳолангандан қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафида акс эттирилади.

82. Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар қийматининг ўсган суммаси шу актив бўйича илгариги қайта баҳолашнинг харажат сифатида хисобга олинган ва қийматини камайтирган суммасини қоплайдиган қисми-гина даромад сифатида тан олинади.

83. Агар активнинг қайта баҳолангандаги қиймати унинг баланс қийматидан камайса, ушбу сумма 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафидан олдинги қайта баҳолаш натижасида мазкур актив бўйича ҳосил бўлган ижобий суммадан айриб ташланади, агар 30908 хисобварақда етарли сумма мавжуд бўлмаса, ушбу сумма у харажат хисобвараfiga олиб борилади.

84. 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» хисобварафидаги қайта баҳолаш бўйича акс эттирилган ижобий натижа:

ҳар ойда тегишли актив тикланиш қийматининг эскириш суммаси билан бошланғич қийматининг эскириш суммаси ўртасидаги фарқка тенг ра-вишда 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» хисобвараfiga ўтказиб борилиши ёки ушбу актив фойдаланишдан чиқарилганда ёки со-тилганида барча сумма бир йўла 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» хисобвараfiga ўтказилиши мумкин.

30908 — хисобварақдаги суммани тақсимланмаган фойда хисобвараfiga олиб бориш тартиби ҳисоб сиёсати белгиланади.

85. Номоддий активларга эскириш, улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий активларнинг эскириш суммаси, уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда харажатга ўтказиб борилади.

86. Номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати эскириш нормалари ёрдамида аниқланади. Эскириш нормалари активнинг бошланғич қиймати ва фойдали хизмат қилиш муддатидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича эскириш нормалари беш йилга, лекин ломбарднинг фаолият муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

87. Номоддий активларга эскириш хисоблаш ушбу Йўриқноманинг 56-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади. Эскиришни хисоблашнинг танланган усули ҳисоб сиёсатида аниқланиши ва йил давомида ўзгармаслиги керак.

88. Номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскириш, форс-мажор ҳолатларда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарап сифатида қолдиқ қиймати суммасига хисобдан чиқарилади.

6-§. Берилган микролизинг операцияларининг ҳисоби

89. Қонун хужжатларига мувофиқ микролизингга берилган активларнинг ҳисоби 15600 — Микролизинг (молиявий ижара)» ҳисобваракларида юритилади.

90. Микролизингга берилаётган актив бўйича дебиторлик қарзни дастлабки тан олиш микролизинг шартномасининг амал қилиш муддати бошланишида амалга оширилади. Балансда ушбу дебиторлик қарз лизингга берилган микролизинг объектини сотиб олиш, уни лизинг олувчига етказиб бериш ва фойдаланишга шай ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси актив сифатида тан олинади.

91. Лизинг берувчи ташкилот томонидан амалга оширилган ва микролизинг шартномасига мувофиқ лизинг олувчи томонидан қопланадиган дастлабки бевосита харажатлар микролизинг объектининг қийматига қўшилади.

Микролизинг шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар лизинг олувчи томонидан қопланмаган тақдирда, мазкур харажатлар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида тан олинади.

92. Микрокредит ташкилоти томонидан микролизингга берилаётган актив бўйича дебиторлик қарзи дастлабки тан олинганидан сўнг, кейинги ҳисоб лизинг олувчи томонидан тўланадиган микролизинг бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва у бўйича фоизларнинг ҳисобини юритишдан иборат. Кейинги ҳисоб микролизинг объектини баҳолаб боришни ҳам ўз ичига олади.

93. Лизинг берувчининг даромади лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ тегишли ҳисобот даврларида тан олинади.

94. Лизинг берувчи томонидан микролизинг бўйича фоизли даромадлар ҳисоблаш тамоёилига асосан ҳар куни ҳисобланади.

95. Микролизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг лизинг тўловларини тўлаш шартлари тўлиқ бажарилган тақдирда «Берилган микролизинг» ва ушбу дебиторлик қарз бўйича ҳисобланган фоизлар ҳисобвараклари қолдиғи нолга teng бўлади.

Лизинг олувчи томонидан микролизинг объекти микролизинг шартномаси муддати тугамасидан олдин сотиб олинган ҳолларда ҳам ушбу ҳисобвараклардаги қолдиқ нолга teng бўлади.

96. Микролизинг объекти лизинг олувчи томонидан микролизинг шартномаси шартлари бузилганлиги сабабли қайтариб олинганида, лизинг объекти лизинг берувчининг балансида «Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар» ҳисобварагида акс эттирилади.

97. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда активга ўстирмаслик мақоми берилади ва активнинг келгуси мазкур бобнинг иккинчи параграфига мувофиқ амалга оширилади.

98. Микролизинг операциялари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасига ўтказмалар «Микролизинг (молиявий ижара) бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш» ҳисобварак орка-

ли харажатга олиб борилиши ва жорий давр учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади.

7-§. Факторинг операцияларининг ҳисоби

99. Конун ҳужжатларига мувофиқ факторинг операцияларининг ҳисоби баланс ҳисобваракларида ҳамда тўлов ҳужжатларининг ҳисоби 90966 — «Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — Факторинг» кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварагининг шахсий ҳисобварагида юритилади.

100. Факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартномаси регресс ҳуқуқисиз шаклда тузилади.

101. Тарафлар томонидан факторинг (пул талабини бериш) тўғрисидаги шартнома имзоланганидан кейин шартномада шартлашилган сумма мижознинг талаб қилиб олингунгача асосий депозит ҳисобварагига, дисконт суммаси чегирилган ҳолда амалга оширилади.

102. Факторинг операцияларида мижоз тўлов талабномасининг юкори қисмида штамп қўйиши ёки «Факторинг» деб ёзиб қўйиши ва кредит бўйича молиявий агент факторинг ҳисобварагининг рақамини кўрсатиши керак.

8-§. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳисоби

103. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (бундан буён матнда КТБ деб юритилади) — бу нобанк кредит ташкилоти фаолиятида фойдаланилайдиган ва қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган моддий активлардир:

хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

хизмат муддатидан қатъи назар, (сотиб олинган вақтга) бир комплект учун қиймати Ўзбекистон Республикасида базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача белгиланган буюмлар. Раҳбар ҳисбот йилига КТБ таркибида ҳисобини юритиш учун буюмлар қийматининг энг кам миқдорини белгилаш ҳуқуқига эга.

КТБга девонхона ва идора буюмлари, почта ҳамда ҳужжат маркалари ва бошқалар киради.

КТБ ҳисоби ҳақиқий сотиб олинган қиймати бўйича, божхона божлари ва йиғимлари, таъминловчи ва воситачи ташкилотларга тўланган воситачилик харажатлари, соликлар (масалан, қўшилган қиймат солиғи) ва КТБни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда юритилади.

104. КТБ ҳисоби 19921 — «Омбордаги кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ҳамда бошқа қимматликлар» ҳисобваракда юритилади.

105. Омбордан КТБ фойдаланишга берилиши ёки ҳисобдан чиқарилиши ушбу КТБ фойдаланишга берилган ёки камомад аниқланган даврда харажат сифатида тан олиниши лозим.

106. КТБ ҳисоби билан боғлиқ барча операциялар ҳисоби ва назорати тизимдан ташқари (журналларда) амалга оширилади.

9-§. Олиниши лозим бўлган ва олдиндан тўланган маблағлар ҳамда муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби

107. Ходимлардан ва бошқа дебиторлардан олиниши лозим бўлган турли хил активлар ҳисоби 19900 — «Бошқа активлар»нинг тегишли ҳисобваракларида юритилади.

108. Олиниши лозим бўлган активларнинг баланс ҳисоботида ҳаққоний қийматда акс эттириш учун 19911 — «Кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплаш захираси — Олиниши лозим бўлган маблағлар (контр-актив)» ҳисобварағидан фойдаланилади.

109. Олдиндан тўланган ва келажакдаги ҳисбот даврига тегишли бўлган харажатлар вақти-вақти билан инвентаризация қилиниши ва ҳисбот даври давомида амортизация қилиниши (харажатга ўтказилиши) лозим.

Активларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БХМС) «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»га (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) асосан амалга оширилади.

10-§. Тўланиши лозим бўлган кредитлар ҳисоби

110. Ҳар бир олинган кредит алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

111. Тўланиши лозим бўлган кредитлар бўйича фоизлар кредит шартномасига асосан ҳар куни ҳисобланади.

11-§. Олинган лизинг операциялари ҳисоби

112. Лизинг, лизинг олувчининг молиявий ҳисботларида ҳам актив, ҳам мажбурият сифатида тан олинади.

113. Лизингни дастлабки тан олиш лизинг шартномаси муддати бошланишида амалга оширилади. Бунда, лизинг олувчи лизинг объектини ўз балансида соф инвестиция қиймати ёки унинг ҳаққоний қийматининг қайси бири кичик бўлса ўша суммада акс эттиради.

114. Лизинг олувчи томонидан амалга оширилган лизинг объектини сотиб олиш, етказиб бериш ёки белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ харажатлар лизинг объектининг қийматига қўшилади.

115. Лизинг объекти лизинг олувчи балансида актив ва мажбуриятларнинг алоҳида моддалари сифатида акс эттирилиши лозим.

116. Лизинг олувчи томонидан лизинг дастлабки тан олингандан сўнг кейинги ҳисоб мажбурият бўйича асосий қарз суммасини (дастлабки тан олинган суммани) ва лизинг бўйича фоизлар тўлаш ҳисобини юритишдан иборат.

Кейинги ҳисоб, лизинг билан боғлиқ барча хавф-хатарлар лизинг олувчига ўтганлиги сабабли лизинг олувчи томонидан лизинг объектини баҳо-

лаб бориш, эскиришни хисоблаш ва шартномада кўзда тутилган бошқа харажатларни амалга ошириш ишларини ҳам ўз ичига олади.

117. Дастраски тан олишда ёки объектни лизингга олиш вақтида лизинг олувчининг лизинг фоизи бўйича харажатлари бухгалтерия хисобида акс эттирилмайди.

118. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловлари жадвалига мувофиқ лизинг бўйича фоизли харажатлар ҳар куни хисобланади.

119. Агар лизинг обьектига эгалик хуқуқи ўтиши лизинг шартномасида белгиланмаган бўлса, лизинг обьекти бўйича эскириш лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ёки активнинг фойдали хизмат қилиш муддатидан қайси бири кичик бўлса ўша муддатга хисобланади.

120. Лизинг обьектини қайта баҳолаш лизинг олувчи томонидан мазкур бобнинг 4-параграфига мувофиқ амалга оширилади.

121. Лизинг олувчи томонидан охирги тўловлар амалга оширилганидан кейин мулкка эгалик хуқуқи лизинг олувчига ўтади.

122. Лизинг шартномаси унинг амал қилиш муддатидан олдин тўхтатилиб, лизинг берувчи томонидан лизинг обьекти шартнома шартларида белгиланган тартибда олиб қўйилган тақдирда, лизинг обьектини лизинг берувчига қайтариш лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тўхтатилган санадаги лизинг обьектининг қопланмаган қиймати суммасида амалга оширилади.

123. Лизинг обьектининг хисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) лизинг обьектининг қолдиқ (баланс) қиймати ва лизинг тўловлари жадвали бўйича қолган карз ўртасидаги фарқ сифатида лизинг обьектининг ҳисобдан чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар суммасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Лизинг обьектининг ҳисобдан чиқариш бўйича молиявий натижа (фойда ёки зарар) аниқланганида, олдинги қайта баҳолашлардаги лизинг обьекти қийматининг кўпайған суммаси 30908 — «Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси» ҳисобварағининг кредит қолдиғи лизинг обьектининг чиқиб кетишидан кўрилган даромад 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобварағига олиб борилади.

12-§. Товар моддий бойликлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар ҳамда бошқа қарздорликлар ҳисоби

124. Олинган товар моддий бойликлар ва кўрсатилган хизматлар ҳамда ходимлар учун тўланиши лозим бўлган маблағлар, таъсисчиларга тўланадиган дивидендлар, операцион ижара ҳамда бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар ҳисоби 29800 — «Бошқа мажбуриятлар»нинг тегишли ҳисобваракларида олиб борилади.

125. Ушбу ҳисобвараклардаги маблағларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (19-сон БХМС) «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»га (рўйхат раками 833, 1999 йил 2 ноябрь) асосан амалга оширилади.

13-§. Капитал ҳисобвараклари бўйича операциялар ҳисоби

126. Молиявий йилнинг якунида барча даромад ва харажатлар ҳисобвараклари қолдиклари 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобваракига ўтказиш орқали ёпилиши лозим. Бунда даромад ҳисобвараклари 31206 ҳисобваракнинг кредитига, харажатлар ҳисобвараклари 31206 ҳисобваракнинг дебетига олиб борилади.

127. Сўнгра 31206 — «Соф фойда (зарар) (актив-пассив)» ҳисобвараидаги қолдиқ 31203 — «Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)» ҳисобваракига ўтказилади.

128. Тақсимланмаган фойда капиталнинг зарур ажратмалари ёки захиралар (фондлар) тузатишлари суммасига дебетланади (камаяди) ёки кредитланади (кўпаяди). Бошқа ҳолларда тақсимланмаган фойдага олдинги ҳисобот даврига тегишли бўлган фақат катта суммалар бўйича тузатишлар киритилган тақдирдагина ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

129. Молиявий ҳисоботларга муҳим тузатишлар киритиш арифметик хатоликлар, маълумотлардан нотўғри фойдаланиш ёки янгишиш, бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва қоидаларини қўллашда хатоликлар оқибатида юзага келиши мумкин.

130. Уставда назарда тутилган, захира фондига ажратмалар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади.

14-§. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби

131. Даромадлар ва харажатлар ҳисоби Ҳисобвараклар режасининг тегишли ҳисобваракларида юритилади.

132. Даромадлар ва харажатлар, тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга таалуқли бўлса, ўша ҳисбот даврида ҳисоблаб ёзиш тамойилига мувофиқ акс эттирилади.

133. Шартномани тузиш билан боғлиқ бўлган ҳамда қопланадиган кўшимча харажатлар актив сифатида тан олинади.

4-боб. Ипотека ташкилотида бухгалтерия операциялари ҳисоби

134. Ипотека ташкилотида пул маблағлари ва товар-моддий бойликларни қабул қилиш ҳамда бериш учун асос бўлиб хизмат қиласиган ҳужжатлар, шунингдек, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятномалари раҳбар ва бош бухгалтер ёки шундай ваколат берилган бошқа шахслар томонидан имзоланади. Бу ваколатли шахсларга ҳужжатларни имзолаш хуқукининг берилиши ташкилот раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

135. Ипотека ташкилотида касса операцияларини амалга ошириш тартиби амалдаги қонунчиликка мувофиқ ипотека ташкилоти томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

136. Ипотека ташкилотида кредит операциялари ҳисоби ҳамда кредит

таъминоти сифатида гаровга қабул қилинган мулк ва мулкий хукуклар ҳисоби мазкур Йўриқноманинг З-боби иккинчи ва учинчи параграфларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

137. Ипотека ташкилотининг активлари (банкларга ажратилган ресурслар, банкларга жойлаштирилган депозитлари) «қониқарсиз», «шубҳали» ёки «умидсиз» деб топилганда, бундай активлар бўйича фоизларни баланс ҳисобваракларида ҳисоблаш тўхтатилади ва тескари бухгалтерия ўтказмаси берилган холда, фоизларни ҳисоблаш кўзда тутилмаган холатлар ҳисобваракларига ўтказилади ва кейинги ҳисоблаш балансдан ташқари ҳисобваракларда амалга оширилади.

138. Ипотека ташкилотининг активлари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш захиралари Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3219, 2020 йил 10 февраль) талаблари асосида шакллантирилади.

139. Ипотека ташкилотининг молиявий активлари ва мажбуриятлари, асосий воситалари, номоддий активлари, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларининг ҳисоби ва ҳисобдан чиқарилиши амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига асосан амалга оширилади.

140. Ипотека ташкилотида моддий бойликларнинг амалда мавжудлигини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш учун улар даврий равища, лекин камида йилда бир марта раҳбар томонидан белгиланган тартибда инвентаризациядан ўтказилади.

5-боб. Чет эл валютасида ифодаланган актив ва мажбуриятларнинг ҳисоби

141. Нобанк кредит ташкилотининг чет эл валютасидаги операциялари бўлиб қўйдагилар ҳисобланади:

мол-мulkни (acosий воситалар, номоддий активлар ва товар-моддий қийматликлар) чет эл валютасида сотиб олиниши (сотилиши);

тўлов суммаси чет эл валютасида белгиланган активларнинг сотиб олиниши (берилиши/сотилиши);

чет эл валютасида ифодаланган мажбуриятларнинг қабул қилиниши (тўланиши).

142. Жисмоний шахсларга чет эл валютасида кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини чет эл валютасида ҳисобга олиш тақиқланади.

143. Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятлар бухгалтерия ҳисобида чет эл валютасида амалга оширилган операция санасидаги Марказий банк курси бўйича миллий валюта — сўмда қайта баҳоланади.

144. Нобанк кредит ташкилоти балансининг валюта моддалари ҳар ойда ҳисобот ойининг охирги санасидаги ва чет эл валютасидаги операциялар амалга оширилган санадаги Марказий банк курси бўйича қайта баҳоланади.

145. Чет эл валютасидаги операциялар бўйича Бош ва Ёрдамчи китоб-

лар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобларда юритилади.

146. Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида нобанк кредит ташкилоти ва ипотека ташкилотининг асосий воситалари, капитали, даромадлари ва харожатларининг ҳисоби фақат миллий валютада юритилади.

147. Чет эл валютасидаги актив ва мажбуриятларни қайта баҳолашда юзага келган курс фарқлари натижасида юзага келган фойда 45401 — «Спот» битими бўйича хорижий валюталардаги фойда» ва заарлар 55302 — «Спот» битимлари бўйича хорижий валюталарда кўрилган заарлар» ҳисобварақларига олиб борилади.

6-боб. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш

148. Бухгалтерия ҳужжатларининг қатъий сақланиши таъминланиши шарт. Ҳужжатларини сақлаш юзасидан мазкур ҳужжатда белгиланган тартибга риоя этилиши бўйича жавобгарлик раҳбар ва бош бухгалтер зиммасига юклатилади. Раҳбар ҳужжатларни сақлаш учун маълум жой ажратиб бериши лозим. Ҳужжатларни йигиб, алоҳида йифмажилларга тикишни раҳбар томонидан тайинланган ходим (масъул ходим) амалга оширади.

149. Бухгалтерия ҳужжатлари ҳар иш куни бўйича хронологик тартибда шакллантирилиб, бир ойлик ҳужжатлар алоҳида йифмажилдга тикилган ҳолда сақланади.

Кунлик кирим ва чиқим касса ордерлари касса дафтарида бир кунлик ёзувлар нусхаси билан бирга ҳар иш куни бўйича хронологик тартибда шакллантирилади ва ип ўтказилиб тикилган ҳолда сақланади.

150. Ойлик йифмажилларга қўйидаги ҳужжатлар тикилади:

банкдаги депозит ҳисобвараги кўчирмаси;

пул ўтказиш бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган тўлов топшириқномалари;

мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига* мувофиқ ички операциялар бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати;

кирим ва чиқим касса журналлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолда тикилади;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ойлик бош китоб;

бошқа бирламчи ҳужжатлар.

151. Масъул ходим ҳар бир иш куни бўйича йифмажилларда амалга оширилган бухгалтерия операцияларига тегишли барча ҳужжатлар мавжудлигини синчиклаб текшириши лозим.

Якунланган кун учун ҳужжатлар эртанги кундан кечикирилмай шакллантирилиши зарур. Кейинги кун бошлангунга қадар ҳужжатлар темир жавонда сақланиши лозим.

152. Нобанк кредит ташкилоти мижозлар билан амалга оширилган операциялар тўғрисидаги ахборотни, мижозлар билан ёзишмаларни, шунинг-

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дек, мижозларни идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни мижозлар билан амалий иш муносабатлари тўхтатилганидан кейин камидаги беш йил мобайнида сақлашлари шарт.

153. Қуийдаги хужжатлар кассада, омборда ёки темир шкафларда сақланиши шарт:

тугаган йил учун йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмий-лаштирилган нусхаси ҳамда сўнгги тугаган ҳисобот даври учун баланс ва унинг барча иловалари;

охирги 12 ой учун касса хужжатлари;

бухгалтерия ҳисоби регистрлари (агар қофоз шаклда юритилган бўлса).

154. Бухгалтерия ҳисобига тегишли хужжатлар архивга топширилгунинга қадар, бухгалтериянинг стеллажлар ва темир жовоонлар билан жиҳозланган хужжатларни сақлаш учун ажратилган жойда (жорий архивда) сақланиши керак. Масъул ходим жорий архивда хужжатлар бут сақланиши ва дахлсизлиги учун жавоб беради.

155. Жорий архивда сақланаётган хужжатларга доир маълумотлар касса хужжатлари бўйича жавобгар ходим ҳузурида, бош бухгалтер имзолаган талабномалар асосида, жорий архив учун масъул ходим қатнашувида олинади. Маълумот олиш учун рухсат берилган ходим кассир ёки жорий архив учун масъул ходим кузатувида ишлаши лозим. Жорий архив учун жавобгар ходим маълумот олишга рухсат берилган ходимлар томонидан хужжатларга бирор-бир тузатув ёзувларини киритмаслигини кузатиб туришлари шарт.

156. Мижозларга тегишли ва бошқа пул ҳисоб-китоб хужжатлари қонун хужжатларига мувофиқ суд ва тергов органларининг ёзма талаби асосида факат раҳбарнинг рухсати билан олиниши мумкин.

157. Хужжатнинг асл нусхаси олинаётганда бу ҳақда икки нусхада далолатнома ёки баённома тузилиб, унга раҳбар, бош бухгалтер ва хужжатни талаб қилган орган вакили имзо чекади. Далолатнома ёки баённомада айни қандай хужжат олинаётгани, уни кимнинг талабига ва рухсатига кўра олинаётгани аниқ кўрсатилиши керак. Далолатнома ёки баённоманинг иккинчи нусхаси юкорида айтилган вакилга топширилади.

158. Олинган тўлов хужжатининг асл нусхаси ўрнига бош бухгалтер томонидан тасдиқланган нусхаси, шунингдек, хужжатнинг асл нусхасини олаётган шахс томонидан имзоланган баённоманинг биринчи нусхаси ва хужжатни олиш хусусидаги талабнома қўйилади. Хужжат олинганлиги тўғрисида бош бухгалтер шу хужжат турган йиғмажилдинг муковасига ёзиб, имзо чекади.

159. Турли саналарга тегишли тўлов ҳужжатлари бир вақтнинг ўзида олинган ҳолларда, бу хужжатларнинг барчаси учун битта далолатнома ёки баённома тузилиб, унга шу хужжатлар рўйхати киритилади. Ушбу хужжатларнинг бири ўрнига унинг нусхаси, хужжатни олиш тўғрисидаги талабнома, далолатнома ёки баённоманинг биринчи нусхаси қўйилади, бошқала-

рининг ёрнига эса, шу хужжатлар нусхалари қўйилиб, уларда хужжатни олиш тўғрисидаги талабнома қаерда сақланаётганлиги ёзилади.

160. Электрон база маълумотларининг тўлиқлиги, ишончлилиги ва тўғри архивланиши учун раҳбар, бош бухгалтер ва архивлашни амалга оширадиган масъул ходим шахсан жавобгар ҳисобланади.

161. Нобанд кредит ташкилотида бухгалтерия ҳисоби электрон база маълумотлари ҳар куни архивланиб, ташки сақловчи қурилмага ёзиз борилади ҳамда масъул шахс жавобгарлиги остида сейфда сақланади.

162. Бухгалтерия ҳисоби регистрларидағи маълумотлар ва электрон база маълумотлари ўзаро мос бўлиши керак.

7-боб. Якуний коида

163. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
27 июнданги 15/9-сон карорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий хужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728, 2007 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 426-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 30 апрелдаги 13/2-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728-1, 2011 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 239-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/4-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728-2, 2015 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 37-сон, 494-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартағи 5/9-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби-

ни юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728-3, 2019 йил 8 апрель) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.04.2019 й., 10/19/1728-3/2896-сон).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 14 сентябрдаги 22/6-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1728-4, 2019 йил 25 октябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.10.2019 й., 10/19/1728-4/3958-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/8-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 10/17/2933/0036-сон).

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2933-1, 2018 йил 16 март) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.03.2018 й., 10/18/2933-1/0910-сон).

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 15 декабрдаги 39/2-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2933-2, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2018 й., 10/18/2933-2/2390-сон).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 24 август 21/6-сон «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2933-3, 2019 йил 7 сентябрь) (Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.09.2019 й., 10/19/2933-3/3705-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҖАРОРИ

**349 Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни
(Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3264*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4694-сон «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 июнь,
01-02/12-28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил
23 июндаги 01-02/12-28-сон қарорига
ИЛОВА

**Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги Конвенцияни
(Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (бундан буён матнда Божхона кодекси деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 апрелдаги ПҚ-4694-сон «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан товарларни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказишда Вақтинча олиб кириш тўғрисидаги Конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) (бундан буён матнда Конвенция деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

АТА карнети — божхона декларациясига тенглаштирилган, товарларни идентификациялашга ва вақтинча олиб киришга (транспорт воситаларидан ташқари) имкон берадиган ҳамда божхона тўловларини тўлашнинг халқаро миқёсда кафолатини ўз ичига олган халқаро божхона хужжати;

кафолатловчи уюшма — вақтинча олиб кириш тўғрисидаги хужжатларни бериш учун масъул бўлган ва вақтинча олиб кириш шартлари бузилган тақдирда божхона тўловларини тўлаш бўйича кафолатловчи ваколатли ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (кеёningи ўринларда Савдо-саноат палатаси);

божхона операцияси — товарларнинг божхона расмийлаштирувида товарларга нисбатан божхона органларининг мансабдор шахси ва (ёки) ваколатли шахс томонидан амалга ошириладиган ҳаракат;

божхона режими — божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларнинг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуюи;

декларациялаш — божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган ва (ёки) божхона назорати остида турган товарлар тўғрисидаги зарур маълумотларни божхона органларига маълум қилиш.

2. АТА карнетини қўллаган холда божхона тўловларидан тўлиқ шартли равища озод қилинадиган товарларга нисбатан божхона операциялари Конвенциянинг А-иловаси «Вақтинча олиб кириш хужжатлари тўғрисида» билан биргаликда Конвенциянинг қўйидаги иловалардан бирининг шартларига риоя қилган холда амалга оширилади:

Б.1-илова «Кўргазмалар, ярмаркалар, конференциялар ёки шу каби тадбирларда намойиш қилиш ёхуд фойдаланиш учун товарлар тўғрисида»;

Б.2-илова «Профессионал асбоб-ускуна тўғрисида»;

Б.3-илова «Тижорат операцияси муносабати билан олиб кирилган контейнерлар, поддонлар, ўрамлар, намуналар ва бошқа товарлар тўғрисида»;

Б.5-илова «Таълим, илмий ёки маданий мақсадларда олиб кирилган товарлар тўғрисида»;

Б.6-илова «Саёҳатчиларнинг шахсий буюмлари ва спорт мақсадларида олиб кирилган юкларга тегишли илова».

3. Божхона органи қўйидаги ҳолларда АТА карнетини божхона декларацияси ва божхона тўловларини тўлашнинг халқаро миқёсидаги кафолати ҳамда божхона органлари олдиаги мажбуриятнинг бажарилишини кафолатловчи хужжат сифатида қабул қилиши мумкин:

агар АТА карнетида кафолатловчи уюшма ва халқаро тизимнинг номи кўрсатилган бўлса;

АТА карнетининг эгаси ва уни берган кафолатловчи уюшма томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлдирилган бўлса;

товар олиб чиқилаётган (экспорт қилувчи) мамлакатнинг божхона органи томонидан расмийлаштирилган бўлса.

4. ATA карнетини қўллаган ҳолда расмийлаштириладиган товарлар учун вақтингчалик олиб кириш муддати товарларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда назорат божхона органи томонидан ATA карнети қабул қилинган кундан бошлаб ушбу товарлар амалда олиб чиқилган кунгача ҳисобланади.

5. ATA карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқиш мажбурияти улар Ўзбекистон Республикасидан амалда олиб чиқилганидан ёки Божхона кодексига мувофиқ «вақтинча олиб кириш» божхона режими тугалланганидан бошлаб бажарилган ҳисобланади.

6. Божхона органи ATA карнетини қабул қилиб олганда ATA карнетининг тўғри тўлдирилганлигини текширади.

Бунда Конвенцияга аъзо мамлакатларнинг кафолатловчи уюшмалари томонидан берилган ATA карнети муқовасининг устки қисмида ATA карнети қабул қилиниши мумкин бўлган мамлакатлар кўрсатилиши лозим, ушбу мамлакатларнинг кафолатловчи уюшмалари номлари ёки божхона худудлари ATA карнетининг охирги яшил бети орқа томонининг юкори бандида кўрсатилиши керак.

ATA карнетининг амал қилиш муддати уюшма томонидан берилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

ATA карнетини қўллаган ҳолда товарларни вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) муддати ATA карнетида белгиланган муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

ATA карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кирилган товарлардан фақат ATA карнетида назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш мумкин, тижорат мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундан Конвенция ва унинг иловаларида бошқача қоида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

7. ATA карнетининг барча вараклари бир хил тўлдирилиши лозим, биритирилган қофозлар, стикерлар ва ҳавола (изоҳ) кўринишидаги қўшимчаларга йўл қўйилмайди. Барча вараклардаги маълумотлар муқовадаги маълумотлар билан бир хил бўлиши керак;

Муқова ва унга қўшимча вараклар ATA карнети муқовасининг «A» графаси ҳамда унинг варакларида кўрсатилган эгаси (ATA карнетини божхона органларига тақдим этиш орқали товарларни декларациялаётган жисмоний ва (ёки) юридик шахс) томонидан ATA карнети расмийлаштирилишидан олдин имзоланиши лозим, қолган вараклари божхона органидан ўтишига караб эгаси (вакили) томонидан тўлдирилади.

8. ATA карнетининг тўғри тўлдирилганлигини текширишда куйидаги ларга алоҳида эътибор берилади:

ATA карнетининг амал қилиш муддати;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган товарларга нисбатан ATA карнетини қўллаш имконияти;

ATA карнети муқовасининг устки қисмида ундан Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги ёзувнинг мавжудлиги ва кафолатловчи уюшмаси ATA карнетининг охирги яшил бети орқа томони юкори бандида кўрсатилиши;

товарларнинг умумий рўйхати ва қўшимча вараклари (мавжуд бўлса) тўлдирилганлиги ва расмийлаштирилганлиги;

АТА карнетининг корешоги ва йиртиб олинадиган ваучерлари тўлдирилганлиги (уларга киритилган маълумотлар АТА карнети муқовасининг устки қисми ва орқа томонида кўрсатилган маълумотларга ҳамда транспорт ва товарнинг кузатув хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак);

АТА карнетининг юқори ўнг бурчагида «have been exported» ёки «ont e te exportees» ёзуви бўлган АТА карнетининг сарик рангдаги «exportation» корешогида олиб чиқилаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлиги тўғрисидаги белгиларнинг (тўлдирилиши, олиб чиқаётган мамлакатнинг муҳр ва штамплари) мавжудлиги.

АТА карнетини расмийлаштириш учун барча зарур талаблар бажарилган холларда божхона органининг мансабдор шахси бундай АТА карнетини қабул қиласди.

9. Божхона органлари АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кириладиган товарларни божхона назоратидан ўтказади.

Божхона кўриги далолатномаларини тузишда товарларнинг тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатидан фойдаланишга руҳсат этилади.

Божхона органлари томонидан божхона мақсадлари учун товарларни таснифлаш амалга оширилади.

Бунда АТА карнетида кўрсатилган товарларни идентификациялаш ва божхона тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ тақиқ ва чекловлар ўрнатилмаганлигини аниқлашнинг имкони мавжуд бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ягона Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига (бундан бўён матнда ТИФ ТН деб юритилади) мувофиқ товар позицияси даражасида 6 белгидан кам бўлмаган товарларни таснифлашга йўл қўйилади. Агар товарларга божхона тўғрисидаги қонун хужжатлари билан тақиқ ва чекловлар ўрнатилган бўлса, товар коди ТИФ ТНга мувофиқ 10 белги даражасида аниқланади.

10. АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кирилаётган (олиб чиқилаётган) товарлар бўйича божхона органи томонидан «АТА карнети бўйича товарларни қайд этиш журнали» электрон кўринишда юритилади.

11. Божхона органлари томонидан АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб киришга руҳсат берилган товарларнинг тўланган божхона тўловлари бутун муддат давомида кафолатланиши учун божхона органлари томонидан белгиланган бундай товарларни қайтиб олиб чиқиш муддати АТА карнетини берган кафолатловчи уюшма томонидан қўйилган амал қилиш муддатидан ошмаслиги керак.

12. Олиб чиқилаётган товарларга нисбатан божхона операцияларини амалга оширишда «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимига мувофиқ Конвенциянинг амал қилиш доирасига кирадиган товарларнинг божхона декларацияланиши декларантнинг танловига кўра божхона декларацияси сифатида Савдо-саноат палатаси томонидан берилган АТА карнетини унга

илова қилинган транспорт (ташувчи) ва тижорат хужжатлари билан бирга қўллаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

13. Божхона органи томонидан ATA карнети қабул қилиб олинганидан сўнг, унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

14. Божхона органига тақдим этиладиган ATA карнети давлат тилида ёки рус тилида ва инглиз (француз) тилида тўлдирилган бўлиши лозим.

2-боб. ATA карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилаётган товарларни декларациялаш

15. ATA карнетини қўллаган ҳолда товарларни олиб киришда унинг эгаси (вакили) назорат божхона органига товарларни ҳамда ATA карнетини тақдим этади.

16. ATA карнетини расмийлаштиришда назорат божхона органининг мансабдор шахси ATA карнетининг оқ рангдаги «importation» корешоклари ва йиртиб олинадиган ваучерларини мазкур Низом иловасининг* 1-бандига мувофиқ тартибда тўлдиради.

17. Корешоклар ва йиртиб олинадиган ваучерларни тўлдиргандан сўнг назорат божхона органининг мансабдор шахси:

ATA карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «importation» ваучерини бирлаштирилган варакларидан ажратиб олади;

ATA карнети бўйича вақтинча олиб киришни рўйхатдан ўтказилганини ёки ATA карнети бўйича етказиб берилган товарларнинг рўйхатдан ўтказилганини, ATA карнетини қўллаган ҳолда товарларга нисбатан божхона операцияларини амалга оширишдаги ҳаракатлар тўғрисидаги зарур маълумотларни электрон маълумотлар базасига киритади;

расмийлаштирилган ATA карнетини унинг эгаси (эгасининг вакили)га қайтаради.

18. ATA карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинадиган ваучерлари ATA карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варакларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган хужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

19. Назорат божхона органи товарларни «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя этилишини олиб қолинган ATA карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинадиган ваучерлари ҳамда ATA карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варакларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида божхона назоратини амалга оширади.

3-боб. ATA карнетини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикасига вақтинча олиб кирилган товарларнинг вақтинча олиб кириш муддатини узайтириш

20. ATA карнети эгасининг (вакилининг) аризасига асосан товарларни вақтинча олиб кириш учун белгиланган муддат ATA карнети эгаси (ваки-

* Илова «Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси»да эълон қилинган.

ли) жойлашган жойдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўми-
тасининг тегишли бошқармаси (бундан бўён матнда ҳудудий божхона бош-
қармаси деб юритилади) қарорига асосан ATA карнетининг амал қилиш
муддати мобайнида узайтирилади.

Товарларни вақтинча олиб кириш учун белгиланган муддатни узайти-
ришда ҳудудий божхона бошқармасининг мансабдор шахси томонидан маз-
кур Низом иловасининг 3-бандида белгиланган тартибда ATA карнетининг
оқ рангдаги йиртиб олинадиган «importation» ваучерлари тўлдирилади ва
электрон маълумотлар базасида ATA карнетининг маълумотлари бўйича
узайтириш муддатини кўрсатган ҳолда тегишли ёзувни киритади.

**4-боб. Илгари ATA карнетидан фойдаланган ҳолда
вақтинча олиб кирилган товарларни Ўзбекистон
Республикасидан қайта олиб чиқиша (реэкспортда)
декларациялаш**

21. Товарлар реэкспорт қилинаётганда, назорат божхона органига ATA
карнетининг эгаси (вакили) илгари олиб кирилган товарлар ва ATA карнети-
ни тақдим этади. Божхона органи мансабдор шахси томонидан ATA карнети-
нинг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «geexportation» ваучерлари тўлдирилади.

Товарлар бир ёки бир нечта партияларда қайтариб олиб чиқилиши
мумкин.

ATA карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб кирилган товарларни
олиб чиқиш (реэкспорт) дастлаб олиб кирилган назорат божхона органи
жойлашган ҳудуддан бошқа ҳудудда жойлашган божхона органи орқали
олиб чиқилиши мумкин.

22. Илгари ATA карнетидан фойдаланган ҳолда вақтинча олиб кирил-
ган товарларни қайта олиб чиқиша (реэкспортда) назорат божхона орга-
нининг мансабдор шахси томонидан мазкур Низом иловасининг 2-бандига
мувофиқ тартибда ATA карнетининг оқ рангли йиртиб олинадиган
«geexportation» ваучери тўлдирилади.

23. Божхона органининг мансабдор шахси томонидан ATA карнетининг
оқ рангдаги «geexportation» корешоги ва йиртиб олинадиган ваучери тўлди-
рилганидан сўнг:

ATA карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «geexportation» вау-
черини бошқа бирлаштирилган ATA карнети варакларидан ажратади;

ATA карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб киришни рўйхатдан
ўтказишнинг электрон маълумотлар базасида ATA карнетини қўллаган
ҳолда вақтинча олиб кирилган товарларга нисбатан амалга оширилган бож-
хона операциялари тўғрисидаги маълумотларни киритади;

расмийлаштирилган ATA карнетини унинг эгасига (вакили) қайтаради.

24. ATA карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «geexportation»
ваучерлари ATA карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшим-
ча варакларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган
хужжатлар нусхаси билан бирга божхона органида қолади.

АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга назорат божхона органида қолади

25. АТА карнетини қўллаган холда олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқишида (реэкспорт) декларациялаш Ўзбекистон Республикасидан товарларни олиб чиқиши расмийлаштирадиган божхона органи томонидан амалга оширилади.

26. АТА карнети эгасининг (вакили) «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя қилиш мажбурияти, АТА карнетидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва божхона тўловларини тўлаш кафолатини ҳисобга олган ҳолда товарлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилишига қадар ўз кучини саклаб қолади.

27. Назорат божхона органи АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинган «geexportation» ваучери ҳамда АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида «вақтинча олиб кириш» божхона режими шартларига риоя қилиниши юзасидан божхона назоратини амалга оширади.

28. АТА карнетини қўллаган холда олиб кирилган товарларни қайта олиб чиқиши (реэкспорт) амалга оширилганда, тегишли божхона органи АТА карнетининг оқ рангли йиртиб олинадиган «geexportation» ваучерини расмийлаштиради ва уч кун ичida унинг нусхасини «вақтинча олиб кириш» божхона режимини назорат қилишини якунлаш учун назорат божхона органига юборади.

АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинадиган ваучерлари АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варақларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган ҳужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

5-боб. АТА карнетидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасига вақтинча олиб кирилган товарларга нисбатан божхона тўловлари тўланишининг кафолатлари

29. Конвенция қоидалари бузилган тақдирда АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилган товарлар бўйича Савдо-саноат палатаси божхона тўловлари тўланишини кафолатлади.

30. АТА карнетини қўллаган ҳолда олиб кирилган товарлар учун назорат божхона органи олдида мазкур Низомнинг 35-бандига мувофиқ ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш бўйича Савдо-саноат палатаси билан биргаликда АТА карнетининг эгаси солидар тартибда жавобгар бўладилар.

Савдо-саноат палатасига тўлаш учун тақдим этилган божхона тўловлари умумий миқдорининг 10 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмас.

31. АТА карнетининг амал қилиш муддати тугаган санадан бошлаб, бир йиллик муддат ичida божхона тўловларини тўлаш юзасидан назорат божхона органи томонидан АТА карнети эгаси ва Савдо-саноат палатасига бож-

хона тўловларини тўлаш тўғрисида талабнома (бундан бўён матнда талабнома деб юритилади) юборилади.

32. ATA карнетини кўллаган ҳолда олиб кирилган товарлар қайта олиб чиқилганини (реэкспорт) исботлаш учун Савдо-саноат палатаси талабномани олган кундан эътиборан олти ой ичидаги назорат божхона органига ATA карнетини кўллаган ҳолда олиб чиқишни (реэкспорт) расмийлаштирган божхона органи томонидан белгиланган тартибда тўлдирилган ва муҳри билан тасдиқланган ATA карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «geexportation» ваучерлари нусхасини тақдим этади.

Назорат божхона органи ATA карнетини кўллаган ҳолда олиб кирилган товарларнинг қайта олиб чиқилганини (реэкспорт) далиллари сифатида бошка хужжатларни қабул қилишлари мумкин.

Тақдим этилган хужжатлар асосида «вақтинча олиб кириш» божхона режими нинг амал қилиш муддати тугаган ҳолатларда, назорат божхона органи бу ҳақда Савдо-саноат палатасига хабар беради.

33. Мазкур Низомнинг 32-бандида кўрсатилган хужжатларнинг амал қилиш муддати белгиланган муддатгача божхона органларига тақдим этилмаган тақдирда, ATA карнети эгалари ва Савдо-саноат палатаси мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган миқдорларда божхона тўловларини тўлаши шарт.

34. Агар Савдо-саноат палатаси ёки ATA карнетининг эгаси ёки бошка манфаатдор шахс божхона органларига авария ёки енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати туфайли товарларнинг тўлик йўқ қилиниши ёки йўқотилиши тўғрисида қониқарли далилларни тақдим этса ва ATA карнетининг амал қилиш муддати тугаган кундан бошлаб бир йил ўтган бўлса, талабнома Савдо-саноат палатасига тақдим этилмайди.

6-боб. Конвенция қоидалари бузилган тақдирда ATA карнетини кўллаган ҳолда олиб кирилган товарлар бўйича божхона тўловларини ундириш

35. Конвенция талаблари, шунингдек, «вақтинча олиб кириш» божхона режимлари шартлари бузилган тақдирда, божхона тўловларини ҳисоблаш назорат божхона органи томонидан қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) ATA карнетини кўллаб расмийлаштирилган товарлар Ўзбекистон Республикасидан ATA карнетида кўрсатилган муддатда амалда олиб чиқилмаган бўлса, божхона тўловлари суммаси ушбу товарлар «эркин муомалага чиқариш (импорт)» режимига жойлаштирилганда тўланиши лозим бўлган суммалар миқдорида ҳисобланади.

Бунда Божхона кодексининг 45-бобига мувофиқ божхона органи ATA карнетини қабул қилинган кунда амал қиладиган бож тўловлари ставкалари, шунингдек, чет эл валютасининг курслари кўлланилади;

б) товарлар вақтинча олиб кириш муддати якунланганидан сўнг олиб чиқилгандан, божхона тўловлари Божхона кодексининг 11-бобига мувофиқ

вақтингча олиб кириш муддати тугаган кундан товарлар амалда олиб чиқилган кунгача бўлган вақт учун ҳисобланади;

в) АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтингча олиб кирилган товарларни мақсадсиз фойдаланган, аммо улар белгиланган муддатда олиб чиқилган тақдирда, Божхона кодексининг 11-бобига мувофиқ улар бўйича тўланиши лозим бўлган божхона тўловлари ушбу товарларни уларнинг мақсади бўйича фойдаланиш талабини бузган ҳолда муомалага чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади, агар ушбу кун белгиланмаган бўлса АТА карнетининг назорат божхона органи қабул қилган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади.

36. Мазкур Низомнинг 35-бандида кўрсатилган «вақтингча олиб кириш» божхона режимининг шартлари бузилган тақдирда, божхона расмийлаштируви учун божхона йифимлари ундирилади.

37. Конвенция талаблари ва «вақтингча олиб кириш» божхона режими шартлари бузилган тақдирда божхона органи томонидан АТА карнети эгаси ва Савдо-саноат палатасига бу ҳақда талабнома юборади.

Талабномада коидабузарликнинг моҳияти баён қилинади, бузилиш фактини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари, шу жумладан, божхона органи томонидан расмийлаштирилган АТА карнетининг назорат варакаси нусхаси, шунингдек, божхона тўловлари ва божхона расмийлаштируви учун божхона йифимлари микдорининг ҳисоби кўрсатилади.

38. Мазкур Низомнинг 35-бандида кўрсатилган «вақтингча олиб кириш» божхона режимининг шартлари бузилган тақдирда, божхона органи АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йифимларини мажбурий ундириш бўйича зарур чораларни кўради.

Божхона органи томонидан АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йифимлари қисман ундирилган бўлса, у ҳолда қолган қисмини ундириш бўйича Савдо-саноат палатасига маълум қиласи.

Божхона органи томонидан АТА карнети эгасидан божхона тўловлари ва йифимлари тўлиқ ундирилган бўлса, у ҳолда Савдо-саноат палатасига талабнома кўйилмайди ёки юборилган талабнома қайтариб олинади.

39. Савдо-саноат палатаси талабнома олинган кундан бошлаб, олти ой ичida қайta олиб чиқish тўғрисида далиллар ёки АТА карнетининг тегишли равишда расмийлаштирилганлигини тақдим этса, божхона органи далиллар олинган кундан бошлаб 15 кун ичida уларни кўриб чиқади ва талабномани тўлиқ (қисман) қайтариб олиш ёки уларни рад этиш тўғрисида қарорини қабул қиласи. Талабномани тўлиқ (қисман) қайтариб олиш ёки уларни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай, божхона органи Савдо-саноат палатасини ушбу қарорнинг қабул қилинганлиги тўғрисида хабардор қиласи.

40. Савдо-саноат палатасидан талабнома олинган кундан бошлаб олти ой ичida ҳеч қандай тушунтириш олинмаса ёки улар божхона органи томонидан рад этилган бўлса, Савдо-саноат палатаси дарҳол божхона органининг ҳисоб рақамига талабномада кўрсатилган божхона расмийлаштируви учун божхона тўловлари ва божхона йифимлари суммасини ушбу Низомнинг 30-бандида кўрсатилган микдорларда ўтказиши шарт.

41. Талабномада кўрсатилган божхона тўловлар ва йигимлари тўланган кундан бошлаб уч ой мобайнида Савдо-саноат палатаси товарларнинг қайта олиб чиқилиши (реэкспорт) тўғрисида далиллар тақдим қилиши мумкин.

Худудий божхона бошқармаси товарларни қайтариб олиб чиқиш (реэкспорт) далиллари олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай уларни кўриб чиқади ва Савдо-саноат палатасига далилларнинг тўлиқ (қисман) қабул қилингандилиги ёки улар рад этилгандилиги (сабабларини кўрсатган холда) хақида хабар беради. Товарларнинг олиб чиқилгандилиги (реэкспорт) далиллари мавжуд бўлган ва Конвенция талаблари бузилмаган тақдирда, Савдо-саноат палатаси томонидан тўланган суммалар Божхона кодексининг 49-бобига мувофиқ қайтарилади.

42. Тўланиши лозим бўлган суммалар божхона органларининг хисоб рақамига ўтказилмаса, олти ойлик муддат ўтгандан сўнг божхона органи ушбу суммаларни Савдо-саноат палатасидан ундириш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қиласди.

43. «Вақтинча олиб кириш» божхона режимини Божхона кодексига мувофиқ бошқа божхона режимига ўзгартиришда ва ушбу божхона режимиning шартлари Ўзбекистон Республикасидан товарларни олиб чиқишини назарда тутмайдиган бўлса, божхона органи АТА карнетининг оқ рангдаги йиртиб олинадиган «importation» ваучерига белги кўяди ва шу пайтдан бошлаб Савдо-саноат палатаси мажбуриятлардан озод қилинади, шунингдек, АТА карнетининг оқ рангдаги «importation» корешогида божхона декларациясининг раками кўрсатилади.

7-боб. Ўзбекистон Республикасидан вақтинча олиб чиқиш учун АТА карнетидан фойдаланган ҳолда товарларни декларациялаш

44. Конвенция талаблари татбиқ қилинадиган товарлар «вақтинча олиб чиқиш» божхона режимида жойлаштирилганда, уларни декларациялаш Савдо-саноат палатаси томонидан тақдим этилган АТА карнети декларантнинг танловига кўра товарларга декларация сифатида фойдаланиши мумкин.

Божхона органлари Божхона кодексида белгиланган тартибда АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб чиқилаётган товарларга нисбатан божхона назоратини амалга оширади.

Божхона кўриги далолатномасини расмийлаштиришда товарларнинг тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатидан фойдаланишга руҳсат этилади.

45. АТА карнети божхона органига тақдим этилади ва уни берган кафолатловчи уюшма томонидан тўлдирилган ва расмийлаштирилган тақдирда қабул қилинади.

Бунда, АТА карнетининг муқовасида уни берган кафолатловчи уюшма АТА карнети қабул қилиниши мумкин бўлган мамлакатларни ва ушбу мамлакатлар ёки божхона худудларининг кафолатли бирлашмаларининг номлари кўрсатилиши керак.

Божхона органига АТА карнети тақдим этилганда, унинг эгаси (вакили) томонидан АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» йиртиб олинадиган ваучери тўлдирилади.

46. АТА карнетнинг амал қилиш муддати АТА карнетини тақдим этувчи кафолатловчи уюшма томонидан берилган санадан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

АТА карнетидан фойдаланиб ҳаракатланаётган товарларни вактинча олиб чиқиш муддати Конвенцияда белгиланган талабларга мувофиқ белгиланади.

47. Божхона органи АТА карнетини қабул қилганда унинг тўлдирилганлигини текширади.

Бунда қўйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

АТА карнетининг амал қилиш муддати;

товарларнинг умумий рўйхати ва қўшимча варажаларни тегишли равища тўлдириш ва расмийлаштириш;

сариқ рангдаги АТА карнетининг йиртиб олинадиган ваучерини тўлдириш (унда келтирилган маълумотлар АТА карнетининг муқоваси олд ва орқа томонларида кўрсатилган ва юк кузатув ва транспорт хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак).

Барча талаблар бажарилган тақдирда АТА карнетини расмийлаштириш учун божхона органининг мансабдор шахси бундай АТА карнетини рўйхатдан ўтказиш учун қабул қиласи.

Товарларни чиқаришга қарор қилинганда, АТА карнети вактинча олиб чиқиш рўйхатидан ўтказишнинг электрон маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилади.

Бунда божхона органининг мансабдор шахси мазкур Низом иловасининг 4-бандида кўрсатилган маълумотларни АТА карнети муқовасининг олдинги чап томонининг пастки қисмига АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» корешоги ва йиртиб олинадиган ваучерига киритади.

48. АТА карнетнинг сариқ рангдаги «exportation» корешоги ва йиртиб олинадиган ваучери тўлдирилганидан сўнг, божхона органининг мансабдор шахси:

АТА карнетининг сариқ рангдаги йиртиб олинадиган ваучерини бошқа бирлаштирилган варажларидан ажратади;

расмийлаштирилган АТА карнетини эгасига (вакилига) қайтаради.

49. АТА карнетининг расмийлаштирилган сариқ рангдаги йиртиб олинадиган ваучерлари АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варажларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган хужжатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

50. Назорат божхона органи товарларни «вактинча олиб чиқиш» божхона режими шартларига риоя этилишини олиб қолинган АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинадиган ваучерлари ҳамда АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варажларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси асосида божхона назоратини амалга оширади.

51. Божхона органи томонидан АТА карнети қабул қилиб олингандан сўнг унга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилишига йўл кўйилмайди.

8-боб. Илгари АТА карнетини қўллаган ҳолда вақтинча олиб чиқилган товарларни Ўзбекистон Республикасига қайтариб (реимпорт) олиб кириш

52. Ўзбекистон Республикасидан илгари вақтинча олиб чиқилган товарларни «реимпорт» божхона режими остида АТА карнетидан фойдаланган ҳолда жойлаштиришда уларнинг божхонада декларацияланиши АТА карнети товарлари учун декларация сифатида қўлланиши мумкин.

53. Божхона органи АТА карнетини расмийлаштиришда унинг сарик рангдаги «geimportation» корешоги ва йиртиб олинадиган ваучерини мазкур Низом иловасининг 5-бандига мувофиқ тартибда тўлдирилади.

54. Божхона органлари Божхона кодексига мувофиқ АТА карнети асосида Ўзбекистон Республикасига қайта олиб кириладиган (реимпорт) товарларга нисбатан божхона назорати шаклларидан фойдаланади.

Божхона кўриги далолатномаларини тузишда товар тавсифи сифатида товарларнинг умумий рўйхатларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

55. АТА карнетининг корешоги ва йиртиб олинадиган ваучери тўлдирилгандан сўнг, божхона органининг мансабдор шахси:

йиртиб олинадиган ваучерни «реимпорт» божхона режими остида товарларни жойлаштиришда АТА карнетининг сарик рангдаги «geimportation» ваучерини бирлаштирилган АТА карнети варакларидан ажратади;

электрон маълумотлар базасига зарур маълумотларни киритади;
расмийлаштирилган АТА карнетининг эгасига (вакилига) қайтаради.

56. АТА карнетининг расмийлаштирилган йиртиб олинадиган ваучерлари АТА карнетидаги товарларнинг умумий рўйхати ва унинг қўшимча варакларининг (мавжуд бўлганда) нусхаси ҳамда илова қилинадиган хужатлар нусхаси билан бирга назорат божхона органида қолади.

57. Товарлар «реимпорт» божхона режими остига ушбу товарларни «вақтинчалик олиб чиқиш» божхона режими остида жойлаштирган божхона органидан бошқа божхона органида жойлаштирилган бўлса, ушбу божхона органи АТА карнетининг сарик рангдаги «geimportation» йиртиб олинадиган ваучери нусхаси ва товарлар умумий рўйхатининг нусхаси билан уч кун ичida товарларни «вақтинчалик олиб чиқиш» божхона режими остида АТА карнетини қўллаган ҳолда жойлаштирган божхона органига хабарнома (хат) юборади.

9-боб. АТА карнетини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан вақтинча олиб чиқилган товарларни вақтинчалик олиб чиқиш муддатини узайтириш

58. АТА карнети эгасининг (вакилининг) аризасига асосан товарларни вақтинчалик олиб чиқиш учун белгиланган муддат АТА карнетининг эгаси (вакили) мурожаат қилган худудий божхона бошқармаси карори асосан АТА карнетининг амал қилиш муддати мобайнода узайтирилади.

59. Товарларни вақтинча олиб чиқиш учун белгиланган муддатни узайти-

ришда худудий божхона бошқармасининг мансабдор шахси томонидан мазкур Низом иловасининг 6-бандида белгиланган тартибда АТА карнетининг сариқ рангдаги «exportation» корешоги ва ўиртиб олинадиган ваучерлари тўлдирилади ва электрон маълумотлар базасига АТА карнетининг маълумотлари бўйича узайтириш муддати кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув киритилади.

10-боб. Якуний қоидалар

60. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

61. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси

A. ИКРАМОВ

2020 йил 22 июнъ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

350 *Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан*
электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган
электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмий-
лаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
*лаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июндан ўтказилди, рўйхат рақами 3265

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 февралдаги 73-ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
01-02 / 12-19-сон

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
01-05-4-3202-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика
вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги
01-02 / 12-19, 01-05-4-3202-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр
узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини
божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан
ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқла-
ри орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхо-
на расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоида

1. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
электр энергияси — бир вақтнинг ўзида ҳосил қилиниши ва истеъ-
мол қилиниши билан тавсифланадиган алоҳида турдаги товар;
хисоб-китоб даври — электр энергияси узатиш ва қабул қилиш
амалга ошириладиган вақт оралиғи (календарь ой);
электр энергиясининг хисобини юритувчи асбоблар — электр
узатиш тармоқлари орқали ўтган электр энергияси ҳажмини аниқлаш учун
энергетика объектларига ўрнатилган хисоблагичлар;
- божхона назорати жойи** — давлатлараро электр узатиш тармоғи-
даги электр энергиясининг хисобини юритувчи асбоблар ўрнатилган жой;

энергетика объекти — электр станциялари, нимстанциялар, тақсимлаш қурилмалари, электр узатиш тармоқлари ва бошқа электр энергиясининг ҳисобини юритувчи ҳисоблагичлар ўрнатилган иншоот ва қурилмалар;

энергетика тизими — тезкор-диспетчерлик бошқаруви остида электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш бўйича узлуксиз технологик жараённинг умумий режими билан ўзаро боғлиқ бўлган энергетика объектлари мажмуи;

энергия таъминоти ташкилоти — шартнома асосида энергияни сотиш ва тақсимлаш хуқуқига эга бўлган юридик шахс;

Марказий Осиё бирлашган энергетика тизими (МО БЭТ) — электр узатиш линиялари билан боғланган ягона энергетика режимида ишловчи Марказий Осиё давлатлари энергетика тизимлари бирлашмаси;

давлатлар энергетика тизимларининг параллел ишлаш режими — ягона электр режими билан боғланган электр энергиясини режали хамда/ёки технологик (режадан ташқари) узатилишида давлатлар энергия тизимларининг параллел ишлаш жараёни;

«Энергия» МДМ — Марказий Осиё худудидаги тегишли аъзо давлатларининг «Энергия» мувофиқлаштириш-диспетчерлик маркази;

электр энергиясининг давлатлараро техник оқимлари — божхона чегараларидан давлатларнинг ўзаро боғланган энергия тизимлари орқали ўтган электр энергияси оқимлари;

энергия тизими бўйича электр энергиясининг қолдик оқими — ҳисоб-китоб даврида амалда ишлаб турган барча кучланиш тоифасидаги давлатлараро электр узатиш линиялари орқали оқиб ўтган электр энергияси техник оқимларининг алгебраик йиғиндиси;

МО БЭТ давлатлари — тегишли энергетика тизимларининг электр энергиясини ўзаро етказиб бериш шартномалари ва параллел ишлаш шартлари асосида, уларнинг ҳақиқатда амалга ошган (тезкор ёки амалда) қолдик-оқимларининг «Энергия» МДМ томонидан тақсимланган электр энергияси оқимлари миқдори;

бошқа чегарадош давлатлар — Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали электр энергияси оқимларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган тегишли энергетика ташкилоти томонидан аниqlangan оқимлар;

энергетика тизимлари ўртасида электр энергиясининг технологик (режадан ташқари) оқимлари — давлатларнинг параллел ишловчи энергетика тизимлари ўртасида ҳисоб-китоб даври учун шартномавий миқдоридан ортиқча узатилган ёки қабул қилинган электр энергияси ҳажмлари, шу жумладан:

электр энергияси параметрларини белгиланган меъёрларда ушлаб туриш хамда ростлаш (тартибга солиш) жараёнида вужудга келган электр энергияси оқимлари;

оқимлар бўйича тезкор ва амалдаги маълумотлар ўртасидаги фарқ;

давлатлар энергетика тизимлари ўртасида авария холатларининг олдини олиш, бартараф этиш ёки тугатиш мақсадида вужудга келадиган электр энергияси оқимлари;

электр энергиясини ташиш учун технологик сарф — технологик ва физик жараёнларда хосил бўладиган ўзига хос хусусиятлар билан шартланган электр энергияси сарфи;

назорат божхона пости — божхона назорати жойидаги ҳудудда жойлашган Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали электр энергиясининг ҳақиқатда узатилиши устидан назоратни амалга оширувчи божхона пости;

божхона расмийлаштируви пости — электр энергиясининг тижорат ва технологик (режадан ташқари) узатилишларининг ҳужжатли расмийлаштирувани амалга оширадиган божхона пости.

2-боб. Электр энергиясининг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши устидан божхона назорати

2. Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр энергияси ни узатиш тармоқлари орқали электр энергиясининг олиб ўтилиши устидан божхона назорат божхона пости ходимлари томонидан божхона назорати жойларида электр энергиясининг ҳисобини юритувчи асбоблардан кўрсаткичларни олишда иштирок этиш, божхона мақсадлари учун ҳисоб ва ҳисбот тизимини, ҳужжат ва маълумотларни текшириш йўли билан амалга оширилади.

Божхона назорати жойлари Энергетика вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан келишилган ҳолда мазкур Низомнинг 1-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ белгиланади.

3. Электр энергиясининг ҳисобини юритувчи асбоблардан кўрсаткичларни олиш, ҳар ойда энергетика обьектиning масъул вакиллари томонидан ҳисбот ойидан кейинги ойнинг биринчи кунида (ўртacha Европа вақти Гринвич меридиани плюс бир соат) Тошкент вақти билан соат 4-00 да божхона назорат пости ходими иштирокида амалга оширилади.

Масъул вакиллари бўлмаган энергетика обьектида божхона назорат пости ходими электр энергияси ҳисобини юритувчи асбобларнинг кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотларни суткалик диспетчер кайдномаси ва кўрсаткичларни бирламчи қайд этиш журнали билан таққослаб, кўрилган ҳужжатларни «Текширилди» белгиси хамда шахсий муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

Электр энергияси ҳисобини юритувчи асбобларнинг кўрсаткичлари текширилганидан сўнг энергетика обьекти масъул ходими (агар мавжуд бўлмаган тақдирда, тегишли ҳудудий энергетика ташкилоти вакили) томонидан назорат божхона пости ходимининг иштирокида мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда уч нусхада далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатноманинг нусхалари тегишли равишда энергетика обьектига, назорат божхона постига ва «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятига (бундан буён матнда Ўзбекистон МЭТ деб юритилади) юборилади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Энергетика тизимлари электр тармоқларининг бўлиниш чегараси тегишлилик баланс бўйича электр энергиясини узатиш линиясининг маълум нуқтасида жойлашганда, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали узатилган электр энергияси ҳажми, унинг бўлиниш чегарасидан хисобни юритиш асбоби ўрнатилган жойигача бўлган қисми учун сарфланган технологик сарф микдорини инобатга олган ҳолда хисобланади.

Ўзбекистон МЭТ электр энергиясининг давлатлараро техник оқимлари хисобини юритиш асбоблари кўрсаткичларини олиш тўғрисидаги далолатномага ва (ёки) бошқа тасдиқловчи ҳужжатларга асосан энергетика тизими бўйича жами қолдик оқими хисобини аниқлайди ва хисобини юритади.

4. МО БЭТ аъзо давлатлар энергетика тизимлари ўртасидаги шартномалар ва параллел ишлаш шартларига мувофиқ «Энергия» МДМ, энергетика тизимининг хисобот давридаги энергетика тизими бўйича электр энергиясининг қолдигига асосан тижорат оқимлари ҳажмларини (экспорт, импорт) аниқлайди.

«Энергия» МДМ электр энергияси тижорат оқимлари бўйича маълумотларни марказ раҳбарининг имзоси ва мухри билан тасдиқлаб, уни барча МО БЭТ энергетика тизимларига юборади.

Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали электр энергияси узатиш ва қабул қилиш ваколатига эга тегишли энергетика ташкилоти ҳам, ўз навбатида, хисоб-китоб даврида амалга оширилган давлатлараро электр энергияси тижорат оқимлари бўйича маълумотларни раҳбарнинг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон МЭТга тақдим этади.

«Энергия» МДМ ва Ўзбекистон Республикаси божхона чегаралари орқали электр энергиясини узатиш ва қабул қилиш ваколатига эга тегишли энергия таъминоти ташкилотининг маълумотларига асосан мазкур Низомнинг З-иловасига* мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади.

3-боб. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш ва олиш тартиби

5. Божхона идентификацияси воситаларини қўйиш ва ечиб олиш божхона назорати жойларида назорат божхона пости ходими томонидан энергетика обьекти масъул вакиллари (агар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон МЭТнинг тегишли худудий бўлинмаси вакиллари) иштирокида амалга оширилади.

6. Божхона пломбалари энергетика ташкилотининг пломбалари қўйилган нуқталарга, хисобга олиш занжирлари қисқичли йиғмаларига ва электр энергиясини хисобга олиш асбобларининг сиқиш қутиларига энергетика хавфсизлиги талабларига риоя қилган ҳолда қўйилади.

Божхона пломбаларини хисобга олиш занжирни қисқичли йиғмаларига ва электр энергиясини хисобга олиш асбобларининг сиқиш қутиларига қўйишдан ёхуд уларни ечиб олишдан ёки алмаштиришдан олдин энергетика обьекти масъул ходимлари (агар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон МЭТнинг

* З-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишли худудий бўлинмаси вакиллари) пломба қўйиш жойларини тайёрлайдилар.

7. Назорат божхона пости ходими ушбу Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклдаги далолатномани З нусхада расмийлаштирган ҳолда пломбаларни қўяди.

Далолатноманинг бир нусхаси назорат божхона постида, иккинчи нусхаси энергетика обьектида ёки Ўзбекистон МЭТнинг тегишли худудий бўлинмасида сақланади, учинчи нусхаси эса — божхона расмийлаштируви постига юборилади.

8. Божхона пломбалари фақатгина Ўзбекистон Республикасининг божхона органлари томонидан ёки уларнинг руҳсати билан ечилиши мумкин, бундан узатилаётган электр энергиясини хисобга олиш тизимининг иш меъёри бузилиши билан боғлиқ ҳаққоний хавф-хатар мавжуд бўлган ҳоллар мустасно.

Божхона пломбаларининг бузилганлиги ҳақида уларнинг сақланиши учун масъул шахс бузилишлар аниқланган вақтдан бошлаб бир сутка мобайнида назорат божхона постига бузилишлар сабаблари ҳақида ёзма ҳабар қиласди.

9. Электр энергиясининг хисобини юритувчи асбобларни текшириш ёки алмаштириш ёхуд божхона пломбалари бутлигининг бузилишлари талаб этадиган бошқа ишларни амалга ошириш зарурати туғилганда, божхона пломбаларининг сақланиши учун масъул шахслар назорат божхона постини ушбу ишлар олиб борилиши ҳақида, шу жумладан, уларнинг бошланиш ва якуnlаниш саналарини кўрсатган ҳолда, камида бир кун олдин хабардор қиласди.

Божхона пломбасини ечиб олиш назорат божхона пости ходими томонидан энергетика обьекти масъул ходимлари (агар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистон МЭТнинг тегишли худудий бўлинмаси вакиллари) иштирокида мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги далолатномани З нусхада тузган ҳолда амалга оширилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси назорат божхона постида, иккинчи нусхаси энергетика обьектида сақланади, учинчи нусхаси эса, божхона расмийлаштируви постига юборилади.

Электр энергиясининг хисобини юритувчи асбобларни текшириш ёки алмаштириш ёхуд божхона пломбалари бутлигининг бузилишлари талаб этадиган бошқа ишларни амалга ошириш тугатилганидан сўнг, назорат божхона пости ходими мазкур Низомнинг 5 — 7-бандларида белгиланган тартибда янги божхона пломбаларини ўрнатади.

4-боб. Электр энергиясини декларациялаш ва божхона расмийлаштируви

10. Ҳисоб-китоб даврида амалга оширилган барча электр энергиясининг тижорат ва технологик (режадан ташқари) оқимлари декларацияланиши лозим.

* 4-5-иловалар «Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣ базаси»да эълон қилинган.

11. Электр энергиясининг божхона расмийлаштируви божхона расмийлаштируви постида амалга оширилади.

12. Энергия таъминоти ташкилоти ҳисоб-китоб даври тугаган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасидан кечиктирмасдан мазкур Низомнинг З-иловасида келтирилган далолатномага асосан божхона расмийлаштируви постига қоғоз ёки электрон шаклдаги божхона юк декларациясими (бундан буён матнда БЮД деб юритилади) тақдим этади.

Кўйидагилар мавжуд бўлмаганда муваққат божхона юк декларациясими (бундан буён матнда МБЮД деб юритилади) тақдим этишга рухсат этилади:

Ўзбекистон Республикаси томонидан имзоланган халқаро шартномалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

кувур транспорти ва электр энергия узатиш тармоқлари орқали ҳақиқатда узатилган маҳсулотнинг ҳажми ва қийматини аниқлаш имконияти;

контрактларни (шартномаларни, келишувларни) ваколатли органларда рўйхатдан ўтказиш.

13. Электр энергияси қиймати декларант томонидан тақдим қилинган қиймат ёки олди-сотди шартномаси асосида аниқланади.

14. МБЮД мазкур Низомнинг З-иловасида келтирилган далолатномага асосан тўлдирилади.

15. МБЮД маълум қилинаётган божхона режимига нисбатан амалда бўлган Божхона юк декларациясими тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўрикномага (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (бундан буён матнда Йўрикнома деб юритилади) мувофик тўлдирилади.

16. МБЮДнинг 1-графасининг тўлдирилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

1-графа «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади — «ВД».

Графанинг иккинчи бўлмасида Йўрикноманинг З-иловасида келтирилган Божхона режимлари таснифлагичига мувофик божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

17. МБЮД тақдим этилганда БЮДни тақдим этиш муддати МБЮДда келтирилган товарларни етказиб бериш ҳисобот ойи тугаган кундан бошлаб тўқсон календарь кундан ошмаслиги лозим.

18. МБЮД БЮД расмийлаштирилгандан сўнг, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

19. БЮД маълум қилинган божхона режимига мувофик, Йўрикнома таблари асосида қўйидаги хусусиятларни инобатга олган ҳолда тўлдирилади:

1) 1-графа. «Декларация тури».

Графанинг биринчи бўлмасида товарларни олиб ўтиш йўналиши кўрсатилади.

Графанинг иккинчи бўлмасида Божхона режимлари таснифлагичига мувофик божхона режимининг икки рақамли коди кўрсатилади.

Графанинг учинчи бўлмасида «ПВД» белгиси кўрсатилади.

2) 7-графа. «БЮДнинг рўйхат рақами».

Графада ВБЮДнинг рўйхат рақами кўрсатилади.

3) 37-графа. «Процедура».

Графанинг охирги учта рақамига — «071» коди кўрсатилади.

20. Ташқи савдо божхона статистикаси ҳамда ташқи савдо операциялари мониторингини ва валюта назоратини амалга ошириш учун фақатги на БЮДлар ҳисобга олинади. Ташқи савдо бўйича маълумотларни тезкор равишда ҳисобга олиш мақсадида МБЮДда мавжуд бўлган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

5-боб. Энергия узатиш тармоқлари орқали транзит тарзда узатиладиган электр энергиясини расмийлаштириш хусусиятлари

21. Давлатларнинг энергетика тизимлари бир вақтнинг ўзида ишлаган шароитда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан давлатлараро электр энергиясини узатиш тармоқлари орқали узатиладиган электр энергиясининг транзити МБЮД ёки БЮД тақдим этилмаган ҳолда амалга оширилади.

22. Божхона муносабатларида транзит бўйича хизматлар кўрсатиш жўнатувчи ва қабул қилувчи давлатлар, ҳисоб-китоб даври учун узатишлар ҳажмлари, электр энергиясининг шартли қиймати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш йўли билан расмийлаштирилади.

6-боб. Божхона тўловларини тўлаш

23. Бир календарь ой мобайнида электр энергияси узатиш тармоқлари орқали божхона чегарасидан олиб ўтилган маҳсулотлар учун божхона тўловлари БЮД ёки МБЮД тақдим этилган кундан кечикитмаган ҳолда маҳсулотларни етказиб бериш ойининг охирги кунида амалда бўлган божхона тўловлари ставкаларига кўра Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади.

Бунда, бир календарь ой мобайнида электр энергияси узатиш тармоқлари орқали олиб ўтилган маҳсулотларнинг қиймати божхона тўловларини хисоблаб чикиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан маҳсулотларни етказиб бериш ойининг охирги кунида белгиланган валюталарни расмий айирбошлаш курси бўйича аниқланади.

24. Маълумотларга аниқлик киритиш натижасида тўланиши лозим бўлган божхона тўловларининг микдори ошадиган бўлса, уларнинг қўшимча тўлови БЮДни тақдим этиш билан бир вақтда амалга оширилиши лозим. Бу ҳолда пеня хисобланмайди.

7-боб. Якуний қоидалар

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 12 июнъ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҶАРОРИ**

351 «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан
электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган
электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмий-
лаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-
лаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшим-
чаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1433-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика вазирлиги **қарор қила-ди**:

1. Айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
01-02 / 12-25-сон

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
01-05-4-3201-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика
вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги
01-02/12-25, 01-05-4-3201-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини ўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳукуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниясининг 2004 йил 15 ноябрдаги 01-02/12-21, ЭШ-01-21/247-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди электр узатиш тармоқлари орқали олиб ўтиладиган электр энергиясининг божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1433, 2004 йил 17 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2004 й., 50-сон, 509-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниясининг 2013 йил 10 майдаги 01-02/12-1, ИБ-01-21/948-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергияни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1433-1, 2013 йил 30 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 22-сон, 297-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг 2016 йил 27 майдаги 01-02/12-36, ИБ-01-21/794-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергияни божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1433-2, 2016 йил 13 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 296-модда).

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/1-сон «Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартла-ри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3252.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/5-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган айрим норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3253.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 27 июндаги 15/9-сон «Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби-ни юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3263.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 23 июндаги 01-02/12-28-сон «Вактинча олиб кириш тўғрисидаги конвенцияни (Истанбул, 1990 йил 26 июнь) қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3264.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01-02/12-19, 01-05-4-3202-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан элекстр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган элекстр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3265.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Энергетика

вазирлигининг 2020 йил 15 июндаги 01-02/12-25, 01-05-4-3201-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан электр узатиш тармоқлари орқали ўтказилаётган электр энергиясини божхона назорати ва божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 30 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1433-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компаниясининг «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди электр узатиш тармоқлари орқали олиб ўтиладиган электр энергиясининг божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1433, 2004 йил 17 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1433-1, 2013 йил 30 май), (рўйхат рақами 1433-2, 2016 йил 13 июнь).

2020 йил 30 июнда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилиниши мусносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

